Совет Европы разработал 2 документа для изучения иностранных языков: Общеввропейские компетенции владения иностранным языком (Common European Framework of Reference - CEFR) и Европейский языковой портфель (European Language Portfolio - ELP). Ценность документа «Общеввропейская компетенция» для специалистов по иностранному языку заключается в том, что здесь подробно представлены преимущества качественной системы педагогического сопровождения при изучении иностранного языка и определены методические задачи такого сопровождения:

- гарантировать качественное обучение для всех учащихся (в том числе и для испытывающих трудности в изучении иностранного языка);
- помочь раскрыть их способности и повысить личное достоинство каждого;
- приобщить каждого учащегося к культурным ценностям страны изучаемого языка;
- обеспечить каждому учащемуся базовую подготовку по иностранному языку с учетом его способностей, потребностей и интересов;
- обратиться к анализу проблемы мотивации учащихся, испытывающих трудности в обучении, чтобы иметь возможность наиболее эффективно повлиять на их мотивацию. Среди положительно зарекомендовавших себя педагогических мер по повышению мотивации к изучению иностранных языков можно назвать следующие:

1. Разнообразие заданий (однотипные задания снижают мотивацию и подавляют инициативу студента);
2. Возможность каждому студенту высказаться, не ограничивая высказывание по времени;
3. Совершенствование системы оценок (она должна быть более гибкой);
4. Учет интересов каждого студента;
5. Создание доброжелательной атмосферы на уроке (нужно формировать адекватное отношение к своим и чужим ошибкам);

Мы предлагаем методические правила, которые, безусловно, повысят интерес учащихся к изучению иностранного языка и укрепят мотивационную готовность учащихся на уроке иностранного языка:

1. Начинать урок следует с веселой истории или с проблемы, которую нужно решить. Это вызовет интерес и оживит любопытство студентов;
2. Спрашивайте мнение учащихся, интересуйтесь их отношением к этой проблеме;
3. Приводите примеры из повседневной жизни студентов и просите их приводить примеры из их жизни;
4. Структурируйте изучаемый материал с помощью схем, таблиц, фотографий, рисунков;
5. Помните, что студент – главное действующее лицо на всех аспектах урока (чтение, говорение, письмо и т.д.);
6. Урок должен обязательно содержать игровой момент.

В становлении и формировании положительной устойчивой мотивации учебной деятельности большое значение имеет оценка. Важно, чтобы главным образом в оценке работы учащегося был качественный анализ этой работы, подчеркивание всех положительных моментов, продвижений в освоении учебного материала и выявление причин имеющихся недостатков, а не только их констатация. Этот качественный анализ должен направляться на формирование у учащихся адекватной самооценки работы, ее рефлексии. Бальная оценка должна занимать в оценочной деятельности преподавателя второстепенное место. Решая вопрос правильной оценки деятельности студента на уроке, мы предлагаем при оценивании учесть следующие факты, чтобы поддержать мотивацию к изучению иностранного языка.

1. Оценивать: а) само учение (в процессе выполнения задания); б) достижение (продвижение вперед), а для такого ученика само выполнение задания – это достижение; в) приложенные усилия.

2. Оценивать не студента, а допущенные им ошибки.

3. Не просто ставить оценку, а давать рекомендации по преодолению допущенных ошибок, проанализировать те задания, которые вызвали затруднения.

4. Обращать внимание студента на задания, которые выполнены безошибочно, и лишний раз подчеркивать, что в его силах выполнять все задания без ошибок.

5. Предоставить возможность самооценки (например, портфолио, поскольку там есть разделы, отражающие его достижения в том или ином аспекте изучения иностранного языка).

6. Избегать ситуаций соперничества и сравнения одних студентов с другими.

Все вышеперечисленные методические правила являются главными силами побуждения человека в изучении иностранного языка. Тем не менее, мотивация студентов как средство достижения конечного результата требует отдельных экспериментальных исследований.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АХБОРОТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ АСОСИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

М.Норматов, Т.Тургунов

Тошкент давлат аграр университети

Хозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги тармоқларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида ахборотларни ҳимоялашнинг янги усул ва воситаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари, яъни ахборот технологияларидан фойдаланувчилар қишлоқ хўжалиги ахборотларини ҳимоя-лашнинг назарий ва амалий қирраларини билишлари, ахборот йўқолишига ва бузилишига олиб келадиган сабабларни, ахборотларни ҳимоялашнинг чегараловчи, олдини олувчи, аниқловчи ва тикловчи тадбирларини, ахборотлар йўқолиши мумкин бўлган ҳолатлар ва ўринлар, ахборотларни тез ва ишончли тиклаш усул ва воситаларини қуллай, ҳар бир конкрет ҳолатда эса ахборотларни ҳимоялаш усул ва воситалари аниқлай олишлари ҳамда ҳар бир аниқ ҳолат учун моддий ва ғоявий аспектларни ҳисобга олган оптимал қарор қабул қила олишлари ва ахборотларни талаб этилган вақтда тиклаб бўлмайдиган ҳолларда қайноқ линиялардан фойдалана олишлари зарурдир.

Хозирги вақтда ахборот технологияларининг ривожланиш шароитида қишлоқ хўжалигида турли ахборотларни ҳимоялашнинг техник, дастурий, криптографик, ташкилий, ҳуқуқий воситалари бўлмиш беш хил усуллари қабул қилинган.

Ахборотни ҳимоялашнинг техник воситаларига маълумотларни мустақил ёки бошқа воситалар билан бир мажмуада ҳимоялаш вазифаларини бажаришга лаёқатли механик, электромеханик, оптик, радио ва радиолакацион, электрон ва бошқа қурилмалар ҳамда тизимлар киритилади.

Ҳимоялашнинг техник воситалари физик ва аппаратли воситаларга бўлинади. Физик воситаларга қулфлар, панжаралар, қўриқлаш сигнализацияси ва бошқалар мисол бўлади.

Аппаратли воситаларга ҳисоблаш ва маълумотларни узатиш техникаларидаги қулфлар, блокировкалар, қулфнинг очилиши ҳақидаги сигнал берувчи сигнализация тизими мансуб бўлади.

Ахборотларни ҳимоялашнинг дастурий воситалари- бу мустақил равишда ёки бошқа воситалар билан биргаликда маълумотларни ҳимоялаш вазифасини бажариши учун тизимнинг дастурий таъминоти таркибига киритиладиган махсус программалардир. Дастурий воситаларни қайси мақсадда қўлланилишига қараб фойдаланувчиларни идентификацияловчи ва аутентификацияловчи воситалар, техник воситаларни идентификациялаш ва ҳақиқийлигини аниқлаш воситалари, файлларнинг ҳимоясини таъминловчи воситалар, операцион тизим ва фойдаланувчилар дастурларини ҳимоялаш воситалари ҳамда ёрдамчи воситаларга бўлиши мумкин.

Маълумки, идентификациялаш - бу бирор - бир объект ёки субъектга алоҳида уникал тасвирни бетақрор уникал образни, тасвирни исм ёки рақам билан бириктириб қўйиш демакдир. Ҳақиқийликни аниқлаш аутентификация эса текширилаётган объектлар субъект ўзини ким деб танитаётган бўлса, шундайми йўқми эканлигини текширишдан иборат.

Хисоблаш техникасидаги объектни идентификациялаш ва у хақиқийлигини аниқлашнинг пировард мақсади - текширув ижобий натижа берганда объектни фойдаланиш чекланган ахборотларга киритиш салбий бўлса, акс ҳолда маълумотларга киритишни рад этишдир.

Ундан ташқари аутентификациянинг кенг тарқалган услуб-ларидан бири шахсга уникал бетакрор ўхшаши йўқ номлар исм ёки рақамни, яъни паролни бириктириб қўйиш ва унинг қийматини хисоблаш тизимида сақлашдир. Тизимга киришда фойдаланувчи ўзининг парол кодини киритади, хисоблаш тизими унинг қийматининг ўзининг хотирасида сақланаётган қиймат билан солиштиради ва кодлар бир хил бўлиб чиқса, рухсат этилган функционал масалага киритади, бир хил чиқмаса, киритилмайди.

Тизимга киришнинг энг хавфсиз даражасига парол кодини икки қисмга бўлиб, бир қисмини фойдаланувчи эслаб қоладиган ва қўлда киритадиган қилиб қўйиш, иккинчисини эса фойдаланувчи махсус танишувчи - карточкага жойлаштириб, терминал билан бо'ланган махсус ўқиш қўлланмасига ўрнатиши орқали эришиш мумкин. Компьютерда муайян терминаллардан фойдаланиш рухсат этилган пароллар ва фойдаланувчилар хақидаги бошқа маълумотлар рўйхати, шунингдек аниқ фойдаланувчи муайян терминалдан олиш мумкин бўлган ресурслар жадвали сақланади.

Тизимда файл кўринишида сақланадиган барча қишлоқ хўжалигига таълуқли ахборотлар турли белгилари бўйича бир қанча тоифаларга бўлинади, уларни танлаш тизим бажарадиган вазифаларга боғлиқдир. Аксарият ҳолларда ахборотнинг муҳимлик даражаси, махфийлик даражаси, фойдаланувчиларнинг бажарадиган вазифалари, ҳужжатларнинг турлари, маълумотларнинг турлари, том ва файлларнинг номланиши ҳамда фойдаланувчининг номи жихатидан, маълумотларга ишлов бериш функциялари: ўқиш, ёзиш, ижро этиш жихатидан, оператив ва узоқ муддатли хотира сохалари бўйича, вақт бўйича бўлинишини учратиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги раҳбар ходимларнинг файлларга кириши хақида уларнинг функционал мажбурятлари ва ваколатларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Бизга маълумки, операцион тизим ҳимояси-энг устувор вазифа бўлиб, хотиранинг операцион тизим жойлашган соҳасига киришни тақиқлаш орқали амалга оширилади. Фойдаланувчилар дастур-ларини ҳимоя қилиш учун хотиранинг ушбу дастурлар эгаллаган соҳасига киришни чеклаб қўйиш усули қўлланади. Булардан ташқари функционал вазифага кўра дастурий воситаларга ахборотларни дастурий ҳимоялашнинг ёрдамчи воситаларини ҳам киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ахборотларни ҳимоялашнинг ёрдамчи воситаларига фойдаланувчилар ишининг тўғрилигини назорат қилувчи дастурий воситалар, ахборот қолдиқларини дастурий йўқ қилиб юборувчилар, ҳимоя механизмининг ишини назорат қилувчи дастурлар, тизимга мурожаатларни ва ресурслар билан амалларнинг бажарилишини қайд қилувчи дастурлар, махфийлик грифини шакллантирувчи ва босмага чиқарувчи дастурлар ва ҳамда компьютер вирусларидан ҳимоялашнинг дастурий воситалари ва ахборот йўқотилишидан катта мувофақият билан ҳимоялайдиган бошқа воситалар киритилади.

Булардан ташқари қишлоқ хўжалигида ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик воситалари ҳам мавжуд бўлиб, улар маълумотларни махсус усулда шрифтлашдан ибратдир. Бундай шрифтлаш натижасида баъзи махсус маълумот ва қайта ўзгариш-ларни қўлламасдан туриб, бу маълумотларга кириб бўлмайди. Бундай ҳимоялашнинг моҳияти шундаки, ахборотнинг таркибий қисмлари бўлмиш сўзлар, ҳарфлар, бўғинлар ва рақамлар махсус алгоритмлар ёки аппаратли ечимлар ва махсус калит кодлари ёрдамида ўзгартирилади, яъни уни кўринмайдиган ҳолга келти-рилади. Ушбу услуб бир биридан узоқда жойлашган компьютер тармоқлари ҳамда объектлар ўртасида маълумотларни узатишни хавфсизлигини таъминловчи кенг тарқалган усул хисобланади.

ОСНОВНЫЕ ВОПРОСЫ СРЕДСТВ ЗАЩИТЫ ИНФОРМАЦИИ

Т.Тургунов, М.Норматов

Ташкентский государственный аграрный университет

В настоящее время с развитием информационной технологии для защиты различных информации принято различать пять основных средств: технические, программные, криптографические, организационные, законо-дательные.

Технические средства защиты информации - это механические, электромеханические, оптические, радио и радиолокационные, электронные и другие устройства и системы, способные выполнять самостоятельно или в комплексе с другими средствами функции защиты данных. Технические средства защиты делятся на физические и аппаратные. К физическим средствам относятся замки, решетки, охранные сигнализации и другие. К аппаратным - замки, блокировки и системы сигнализации о вскрытии, которые применяются на средствах вычислительной техники и передачи данных.

Программные средства защиты информации - это специальные программы, включаемые в состав программного обеспечения системы, для обеспечения самостоятельно или в комплексе с другими средствами, а также для функций защиты данных. По функциональному назначению программные средства можно разделить на программные средства идентификации и аутентификации пользователей, средства идентификации и установления подлинности технических средств, средства обеспечения защиты файлов, средств защиты операционной системы и программ пользователей и вспомогательные средства.

Как известно, идентификация - это присвоение какому - либо объекту или субъекту уникального образа, имени или числа. Установление подлинности (аутентификация) заключается в проверке, является ли проверяемый объект(субъект) тем, за кого себя выдает.

Конечная цель идентификации и установления подлинности объекта в вычислительной системе - допуск его к информации ограниченного пользования в случае положительного результата проверки или отказ в допуске в противном случае.

Кроме этого, одним из распространенных методов аутентификации является присвоение лицу уникального имени или числа - пароля и хранение его значения в вычислительной системе. При входе в систему пользователь вводит свой код пароля, вычислительная система сравнивает его значение со значением, хранящимся в своей памяти, и при совпадении кодов открывает доступ к разрешенной функциональной задаче, а при несовпадении - отказывает в нем.

Наиболее высокий уровень безопасности входа в систему достигается разделением кода пароля на две части, одну, запоминаемую пользователем и вводимую вручную, и вторую, размещаемую на специальном носителе - карточке, устанавливаемой пользователем на специальное считывающее устройство, связанное с терминалом. В компьютере хранится список паролей и другая информация о пользователях, которым разрешено пользоваться определенными терминалами, а также таблица ресурсов, доступных с определенного терминала конкретному пользователю.

Вся информация в системе, хранящаяся в виде файлов делится на некоторое количество категорий по различным признакам, выбор которых зависит от функций, выполняемых системой. Наиболее часто можно встретить разделение информации по степени важности, по степени секретности, по выполняемым функциям пользователей, по наименованию документов, по видам документов, по видам данных, по наименованию томов и файлов, массивов и записей, а также по имени пользователя, по функциям обработки информации: чтению, записи, исполнению, по областям оперативной и долговременной памяти, по времени и так далее.

Всегда, доступ должностных лиц к файлам осуществляется в соответствии с их функциональными обязанностями и полномочиями. Как нам известно, защита операционной системы - наиболее приоритетная задача и она осуществляется запретом доступа в области памяти, в которых размещается операционная система. Для защиты пользовательских программ применяется ограничение доступа к занимаемым этими программами памяти.

По функциональному назначению в программные средства, кроме этих можно отнести и вспомогательные средства программной защиты информации. К вспомогательным средствам защиты информации относятся программные средства контроля правильности работы пользователей, программные уничтожители остатков информации, программы контроля работы механизма защиты, программы регистрации обращений к системе и выполнения действий с ресурсами, программы формирования и печати грифа секретности и программные средства защиты от компьютерных вирусов и другие, которые с большим успехом защищают от потери информации.

Кроме этих средств защиты имеются еще криптографические средства защиты информации, которые являются методом специального шифрования данных, в результате которого их содержание становится недоступным без применения некоторой специальной информации и обратного преобразования. Суть этой защиты информации заключается в преобразовании составных частей информации (слов, букв, слогов, цифр) с помощью специальных алгоритмов, либо

аппаратных решений и кодов ключей, т.е. приведении ее к неявному виду. Для ознакомления с закрытой информацией применяется обратный процесс, который называется декодирование. Этот метод является одним из распространенных методов, значительно повышающих безопасность передачи данных в компьютерных сетях, данных, хранящихся в удаленных устройствах памяти, и при обмене информацией между удаленными объектами.

ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Ж.Джалилов, А.Исраилов

Тошкент давлат аграр университети

Маълумки, инглиз тили ўқитиш жараёнида таълимий, тарбиявий, амалий ва ривожлантирувчи мақсадлар амалга оширилади. Тил ўрганувчи билимини, ақлий қобилиятини, фикрлай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш ҳамда уларни илмий, сиёсий, маданий жиҳатдан юксалтириш -тарбиявий мақсадни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда унинг фаоллигини ошириш алоҳида ўрин тутлади. Бу эса, метод ва усулларни тўғри танлай олиш билан бевосита боғлиқ, бўлиб, ўқитувчилардан юксак маҳорат талаб қилади.

Чет тил ўқитиш методикасида методлар иккига бўлинади:

1. Тарихий методлар. 2. Чет тил ўқитиш жараёнидаги методлар.

Тарихан методлар тўрт гуруҳга бирлаштирилиб, уларнинг номларига «таржима», «тўғри (ёки таржимасиз)», «қиёсий (ёки онгли қиёсий)», «аралаш» сўзларини аниқловчи сифатида кўшиб айтилади.

Чет тил ўқитиш жараёнида методлар. Ўқитиш жараёни тушунчаси камровига ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ҳамда ушбу жараённинг ташкилий шакллари киради. Таълимшуносликда бу жараён ўқув йили, ўқув чораги, дарслар, машғулотлар номлари билан аталади. Дарс деганда, ўқув фаолиятининг айрим бир бўлаги тушунилади. Арабча дарс (мадраса - дарс ўтиладиган жой, диний мактаб; мударрис - дарс берувчи, Ўқитувчи; тадрис -дарс бериш, ўтиш каби сўзлар билан ўзакдош) сўзлашув тилида машғулот, сабоқ деб ҳам юритилади. Машғулот атамаси эса машқ сўзи билан бир ўзаклидир. Машқлар бажариш машғулотни ташкил этади. Чет тил дарси-машғулотни машқлар мажмуидан иборатдир.

Чет тил дарси бошқа ўқув предметларидан икки тарафи, яъни дарс мақсади ва мазмуни билан фарқ қилади. Ушбу предмет дарсларида нутқ ўргатилади. Чет тилда ўқувчи тайёрлов ва нутқ машқлари бажариш билан банд бўлади. Чет тил дарсининг асосий хусусияти унинг амалий, яъни нутқий йўналганлигидир. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни амалда эгаллайдилар.

Дарс мақсади таълим жараёнининг ташкил қилиниши билан бевосита боғлиқ. Дарсининг тўғри ташкил қилиниши, яъни метод ва усулларни тўғри қўллаш олиш тил ўрганувчининг билиш фаоллигини оширишда муҳимдир. Бунинг учун ўқитувчи методларни жўяли қўллаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Мамлакатимиз методист олимлардан етакчиси Ж.Жалолов чет тил ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиладиган методлардан учтасини санаб ўтади³: танишиш, машқ қилиш ва қўллаш. Ушбу уч атама методик тадқиқотларда турли номлар билан юритиб келинди, кўпчилик тан олган ва ўқитишда бевосита мушоҳада қилиш мумкин бўлган мазкур методлар ўқувчи нуқтаи назаридан номланган. Ўқувчининг чет тил ўрганишдаги вазифаси ўқув материали (яъни тил материали) билан танишиш, кўникма ва малака ҳосил қилиш мақсадида машқ қилиш ҳамда ўз фикрини баён этиш чоғида, яъни нутқий мулоқотда тилдан фойдаланишдан иборат.

Чет тил ўқитиш система деб қаралганда унда икки томон ўргатувчи ва ўрганувчи иштирок этади. Ўқитувчи зиммасига ўқувчининг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш - *ташкилий вазифаси юклатилади*. Ўқувчи бажарадиган учала ишни - танишиш, машқ қилиш, қўллашни ўқитувчи ташкил қилади. Дарсдан ташқари мустақил бажариладиган ишларга оид кўникма ва малакалар ҳосил қилиш ҳам ўқитувчининг ташкилий вазифасига киради.

Ўқитувчининг навбатдаги вазифаси *таълим-тарбия* беришдир. Бу билиш фаоллигини оширишнинг муҳим мақсади ҳисобланади. Таълимий вазифа деганда тушунтириб ёки кўрсатиб

³ Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –368 б.

бериш, баён этиш, изоҳлаш, тўғрилаш орқали ўқув материални ўргатиш англанади. Бунда эса ўқувчининг таълимий жиҳатдан билиш фаоллиги ошади. Бунда ўқитувчининг роли муҳимдир. Ўқитувчи чет тил материални яхши ўргатса

ёки дарслик-магнитофон ёзувидан ўрганиш йўлини кўрсатса, ўқувчида қийинчилик сезилганда мураккаб тил ҳодисасини лўнда қилиб изоҳлаб бера олсагина, Тил ўрганувчининг билиш фаоллигини оширишга эришиш мумкин.

Назорат қилиш ўқитувчи вазифаларидан учинчисидир. Тил ўрганувчи билиш фаоллигининг даражаси фақатгина назорат қилиш орқали белгиланади Тил ўрганувчининг тўғри ёки нотўғри машқ бажараётганини ўқитувчи кузатади. Тил материални қўллаш чоғида нутқ, фаолиятининг тўғрилигини назорат қилади. Масалан, овоз чиқармай ўқилган матннинг мазмунини тушуниш учун Тил ўрганувчи ундаги лексик бирикмаларни ўзлаштирган бўлишлари керак. Агар ўқувчи материални эсдан чиқарган бўлса ўқитувчи ўша лексик материални такрорлашни ташкил қилади.

Ҳар бир методнинг ўзига ҳос хусусияти бор. Танишиш, машқ қилиш ва қўллаш методлари орқали тил ўрганувчининг билиш фаоллиги оширилади.

Танишиш ўқув материални ўрганишдаги дастлабки қадамдир. Тил бирлигини ўрганишга киришар экан, ўқувчи унинг шакли (товуш томонини оғзаки нутқда аниқ-равшан эшитиш ёки график тимсолини ёзма матндан кўриб ўқий олиш), маъноси (предмет, ҳодиса, ҳаракат билан фикран боғлаш) ва қўлланилиши (бошқа бирликлар билан қўшилиши, қандай ҳолатда ишлатилиши) билан танишади. Юқори синф тил ўрганувчини чет тилга ўргатишнинг амалий мақсади ўқиш, яъни ўқиб маълумот олиш бўлганлиги учун ҳам, уларга мўлжалланган таълим дастури турли хил мазмунга эга бўлган, уларнинг билиш фаоллигини оширишга ёрдам берадиган матнлардан иборат бўлиши зарур. Масалан, «Great Britain» матни билан танишиш чоғида Буюк Британиянинг аҳолиси, об-ҳавоси, диққатга сазовор жойлари, ёзувчи ва шоирлари, маданияти билан таништирилади ва Тил ўрганувчида тушунчалар ҳосил қилинади.

Машқ қилиш йўли билан ўрганилаётган тил ҳодисалари мустаҳкамланади, уларга оид динамик стереотип шаклланади. Ушбу динамик стереотип нутқ жараёнида операция мақсадида ишга тушади (масалан, «Great Britain» матнининг тушунганлик даражасини аниқлаш мақсадида савол-жавоб ёки ўйин-топшириқлар ўтказиш). Амалий мулоқот мақсадида тил материални қўллаш учинчи босқич ҳисобланади. Қўллаш даврида ахборот алмашиш (яъни малака ҳосил қилиш) машқлари бажарилади (масалан, «Great Britain» матнининг мазмунини гапириб бериш ва уни муҳокама қила олиш).

Тил ўрганувчининг танишиш, машқ қилиш ва қўллаш вазифалари методика тилида ўқитиш методлари деб юритилади. Улар «ўқитиш жараёнида қўлланадиган методлар» номи билан ҳам аталади. Бу методлар таълим мақсадларини рўёбга чиқариш воситалари бўлиши билан бирга, уларга ўқув материални ўзлаштириш босқичлари тарзида ҳам қараш мумкин.

Таълим жараёнида Тил ўрганувчининг фаоллигини ошириш, яъни ўрганилмаган материални амалда, мустақил баён этиш имкониятини туғдириш, Тил ўрганувчининг сўз бойлигини, кенг дунёқарашини шакллантириш, ўз шахсий фикр-мулоҳазаларини баён қила билиш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда тўғри ифодалай олиш қобилиятини ўстириш -долзарб вазифадир. Чунончи, эркин фаолият кўрсатиш натижасида эгалланган билим пухта ва мукамал билим бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, инглиз тили дарсларида талабалар фаолигини оширишда тил қоидалари, грамматик ва фонетик тушунча ва қонуниятларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш билангина чегараланиб қолмай, ҳар хил амалий топшириқлар, мустақил ишлар, мусобақа ва дидактик улар сингари қизиқарли усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, дидактик ўйинларнинг аҳамияти шундаки, мазкур усул орқали нафақат Тил ўрганувчининг топқирлиги, билимдонлиги, изланувчанлиги ва билиш фаоллиги ошади, балки уларнинг тарбиявий, ахлоқий ва инсоний фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари вужудга келади.

Инглиз тили дарсларида талабалар фаоллигини ошириш ва уларнинг мустақил фикр юрита олишини таъминлашда дидактик ўйинлар лингвистик тушунчаларни мукамал ва ҳар томонлама эгаллашга имкон беради. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида дидактик ўйинлар кенг ишланиб, ўқитувчилар уни амалда қўллаш методикаси билан тўла қуроллантирилса, бу Тил ўрганувчининг тил материалига бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

У.Иминова

Тошкент давлат аграр университети

Сир эмаски бугунги кунда ахборот комуникация технологияларининг ривожланиши билан ахборот технологияларидан фойдаланиб давлат, жамият ва инсонларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиш хавфи ортмоқда, ахборот таҳдидларининг географияси кенгайиб бормоқда. Бундай ахборот таҳдидларини ўз мазмун ва моҳиятига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси, ички таҳдидлар. Яъни конфиденциал ахборотни ўз ичига олган тизим ўрнатилган объект ходимлари томонидан юзага келтирилади. Бундай таҳдид ички низолар, шахсий хусусмат ва келишмовчиликлар натижасида содир бўлиши мумкин.

Иккинчиси, ташқи таҳдидлар. Яъни рақобатчи, жиноят уюштирувчи шахслар, хорижий қидирув (разведка) хизматлари томонидан давлат таркиби, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро муносабатлар масалаларини нотўғри йўлга қўйилиши сабабли юзага келиши мумкин.

Бу борада мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080 -сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июндаги 200-сонли Қарорлари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш концепсияси»га асосан қуйидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланган:

- ахборот хавфсизлиги соҳасида меъёрий–ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва маълумотлар узатиш тармоғига киритилган ҳимоялаш воситаларининг самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб беришини текшириш мақсадида экспертиза ўтказиш ҳамда ахборотларни ҳимоялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- ахборотларни криптографик ҳимоя қилишнинг воситаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар узатиш тармоғида ҳамда Интернет тармоғига киришда ахборотларни ҳимоялаш воситалари тизимини қўллаш;

- шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш.

Бу вазифаларни бажариш ахборот ресурсларини бутунлигини таъминлашга, ноқонуний йўқ қилиш, шаклини ўзгартириш, бузиш, нусха олиш, ахборотни тўсиб қўйиш ҳамда бошқа ахборот тизим ва тармоқларига ноқонуний аралашининг олдини олишга омил бўлади. Ҳукумат томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятларни ташкиллаштириш ва такомиллаштириш ҳамда ахборот хавфсизлиги масаласи бўйича қатор қарорлар қабул қилинган. Миллий ахборот-коммуникация тизимлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2005 йили Компьютер инцидентларига жавоб бериш хизмати (Служба реагирования на компьютерные инциденты) ташкил этилган. Миллий ахборот тизими ва Интернет тармоғи сегментида компьютер инциденти (можораси) бўйича ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишни таъминловчи, фойдаланувчига ахборот хавфсизлигини баргараф қилишда маслаҳат бериш ва техник кўмаклашиш бўйича ягона марказ ҳисобланади.

Интернет тармоғи миллий сегменти фойдаланувчларига ўз веб-сайтларининг ахборот хавфсизлиги билан таъминланганлик ҳолатини текшириш имконини берувчи дастур ишлатилмоқда. Ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик воситалар ва криптографик тизимдан фойдаланган ҳолда махфий ёки давлат сирларидан иборат бўлган маълумотлар баён этилган ахборотни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 3 апрел 614-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ва махсулотлар (хизматлар)ни сертификатлашни таъминловчи ваколатли орган ҳисобланади.

Бугунги дунёни махв этиш учун ахборот бошқарувини қўлга олишнинг ўзи кифоя. Ахборот урушининг макони мавжуд эмас ва у оддий урушдаги каби денгиз ёки курукликда олиб борилмайди. Бу уруш ахборот технологиялари юксак бўлган, оммавий ахборот воситалари ривожланган ҳудудларда мавжуд. У худди «тинч уруш» сингари фақат ғоявий шаклда олиб борилади.

Бундай ғоявий таҳдид айниқса мусиқа, санъат соҳаларида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Сўнги пайтларда айрим мусиқа каналлари орқали узлуксиз равишда берилаётган савиясиз клиплар, кинолар ҳам халқни ишонтираётгани, кулдираётгани, вақти келганда “йиғлатаётгани” оғриқлидир. Гап айрим “европача” кўшиқлар, "қўлбола" клипларнинг халқ маънавиятига, ахлоқига етказаётган баъзи салбий таъсирлар ҳақида бормоқда.

Албатта, ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёти, санъати умуминсоний маданият намунаси, унинг илғор жиҳатларини ҳеч ким инкор этмайди. Биз демократик ҳукуқий жамиятда яшаймиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга ҳурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиш ва майллардан давлат ҳамда жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса энг аввало реклама ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар талаблари қатъий бажарилиши керак. Бу борада биринчи навбатда реклама буюртмачилари, оммавий ахборот воситалари давлатимиз ва жамиятимиз хавфсизлигига путур етказмаслиги, ёшларимиз маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги лозим.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни таҳлил қилар эканмиз, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Яъни, бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида эканлиги билан аҳамиятлидир. Мақолада билдирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

- Ахборот комуникация технологиялари соҳаси хусусидаги билимларни шакллантириш ва унинг моҳиятини кенгроқ англаш учун таълим муассасаларида “Ахборот хавфсизлиги” махсус курсини ўқитишни жорий этиш;
- Ахборот хавфини олдини олиш борасида ҳамда комуникация соҳасининг йўналишлари ва жамият ҳаётида тутган ўрнини шахар ва маҳаллаларда кенгроқ тарғиб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот соҳасини ривожлантиришдаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига оид қонунлар тизимини янада такомиллаштириш;
- Республикаимизда ахборот –ҳуқуқий тизимлар, уларнинг турлари ва имкониятларини ўрганиш, уни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш ва. х.к.

КИМЁ ФАНИ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Г.Тураева

Тошкент давлат аграр университети

Бугунги кунда таълим соҳасида замонавий ахборот ва компютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг илғор усулларини ўзлаштириш тараққиёт даражасини белгилаб бераётир. Шундан келиб чиқиб, олий ўқув юртларида таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш таълим тизимидаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Кимё фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланилса, талабаларнинг фан ҳамда замонавий педагогик технологиялар ҳақидаги билимлари тезда шаклланади, шунингдек таълимни бошқарув ҳам такомиллашади, талабаларнинг кўникма ва малакалари ошади.

Талабанинг шахсий хусусиятларини ёритиш ва аниқлаш масаласи ахборот технологиясининг янада масъулиятли вазифаси ҳисобланади. Ушбу мақсадларда ўқув-тарбиявий жараённинг барча босқичларида шахснинг руҳий (психологик) тузилмаси учун (масалан, психик жараёнлар, таълим олиш ва хусусиятлар) танланган концепциядан фойдаланиш мумкин. Бирок, сифатларнинг ўзини бир қатор шарт-шароитларга мувофиқ қилиши лозим бўлган тегишли

аниқлаш (ташхис)тушунчаларида изоҳлаб бериш (интерпретация қилиш) зарур. Улардан энгмуҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

- муайян сифатнинг бошқалардан аниқ фарқланишини таъминлайдиган бир маъноли аниқлик;
- аниқлаш (ташхис) жараёнида баҳоланадиган сифатни аниқлаш учун тегишли воситаларнинг мавжудлиги;
- шахсий фазилат ўлчовларининг ишончли шкаласи бўйича шаклланганлик ва сифатларнинг турли даражаларини аниқлаш имкониятлари.

Муайян ахборот технологиясида барча фойдаланувчилар учун ҳамма томонлама ва уйғун ривожланган шахсни шакллантириш йўлида ўтиш лозим бўлган умумий босқичлар мавжуд...

Табиий фанларни, жумладан кимё фанини ўқитишда ахборот коммуникацион технологияларни жорий қилиш қуйидагиларни назарда тутати:

- талабаларга кимё фанини назарий билимларини мустаҳкамлашда ва лаборатория машғулотларида малака кўникмаларини ҳосил қилишда
- янги педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш бўйича билимларини шакллантириш.
- талабаларга кимё фани амалий машғулотларида ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш ва уларни маълум бир алгаритиминияратиш.
- талабаларга кимё соҳасини ахборотлаштиришнинг йўллари ва улкан истиқболлари ҳақида тасаввурларини ривожлаштириш ва ҳамда чуқурлаштириш.

Кимё фанини ўқитишда баъзи мавзуларда абстракция орқали тушунишга ҳаракат қилишимиз мисоллари кўп. Масалан атом тузилиши, электрон булут ва электронлар қўзғалиши, структур изомерия, тоутомерия ходисаси, молекуляр конфигурация доирасидаги ўзгаришлар, электрон орбиталларни гибридланиши ва.х.

Кимё фанини ўқитишда ахборот- коммуникацион технологиялардан фойдаланиш қуйидагилар орқали амалга оширилади

Анимация ва симуляция. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики кимё фани лаборатория машғулотларида анимация ва моделлаштириш ҳаракатнинг молекуляр шакллари концептуал тушунчаларини сезиларли даражада яхшилайти.

Анимация компьютер анимацияси ва моделлаштириш кимёвий тузилмалар ва жараёнларни тушуниш учун универсал асбоб бўлади. Анимацияларда кетма кет диаграммалар, рамзий тасвирлар, структуралар ва б. ҳамда кимёвий реакциялар пайтида содир бўладиган турли жараёнлар намойиш этилади.

Симуляция комплекс вазиятларни қабул қилиш учун ажойиб вазият яратади ҳамда дастурий таъминот ёрдамида тасвирни ва реакциянинг маълум параметрларини ўзгартириш имконини беради.

Анимациянинг бир неча мисоллари / Ўқитиш симуляцияси:

- Лабораторияларда виртуал экспериментларни ташкил қилиш камроқ вақт талаб қилади ва жиҳозлардан фойдаланиш ҳамда натижалар билан ишлашда ҳатоликларга йўл қўймайди.
- Кимёвий реакциялар жараёнларини ишлаш.
- Атомлардан молекулалар қуриш.
- ёрдамида тузнинг молекуляр эришини тасвирлаш
- Титрлаш билан боғлиқ экспериментларни симуляция қилиш.

Анимациядан фойдаланиш ўқувчилар тушунишини енгиллаштиради, кўпчилик кимёвий жараёнларни қуринадиган қилиб ифодалайди.

- Виртуал лабораториялар.Лабораторияларда виртуал экспериментларни ташкил қилиш камроқ вақт талаб қилади ва жиҳозлардан фойдаланиш ҳамда натижалар билан ишлашда ҳатоликларга йўл қўймайди.
- Кимёвий реакциялар жараёнларини ишлаш.
- Атомлардан молекулалар қуриш.
- Титрлаш билан боғлиқ экспериментларни симуляция қилиш.

Шунинг учун анимациядан фойдаланиш ўқувчилар тушунишини енгиллаштиради, кўпчилик кимёвий жараёнларни қуринадиган қилиб ифодалайди.

Виртуал кимёвий лаборатория. Дастур анимация/тенглама ва бошқалар шаклида фойдаланиш мумкин бўлган реакциялар базаси ва лаборатория жиҳозлари ҳамда кимёвий моддалар тўпламига эга.

Виртуал лаборатория дастури турли моддалар билан экспериментларни визуал (кўз билан кўрса бўладиган қилиб) ўтказиш имконини беради.

Виртуал лаборатория яна бир қанча афзалликларга эга, улар ёрдамида ўқитувчи ва ўқувчилар қўйилган мақсадлар, жиҳозлар, кимёвий моддалар ва реакциялар ҳамда шароитлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда энг самарали экспериментларни танлашлари мумкин. Бундай режалаштириш мустақил ўрганиш орқали потенциал қобилиятларни ривожлантиради. Аслида виртуал экспериментлар – бу амалда ўтказиладиган лаборатория машғулотларига қўшимча машғулотлардир.

Ахборот - коммуникацион технологиялар (АКТ) ўқитувчиларнинг таълим беришида касбий ривожланиши учун катта имкониятлар яратади.

➤ Кўп маротаба фойдаланишга мўлжалланган ўқув материалларини яратиш (Вақтни тежаш).

➤ Интернет орқали ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинуви.

➤ Ўқувчиларнинг ўқув материаллари хоҳлаган пайтда мурожаат қилиши. Мазмунни тушунарли қилувчи мультимедияли материалларни тайёрлаш.

➤ Иштирокчиларнинг давоматини ва ўсишини қайд қилиш.

➤ Зўриқисиз ўқув тизимини таъминлаш.

Ўқитувчилар учун асосий афзалликлари ўқувчилар ишини самарали бошқариш, сақлаш ва олиб бориш ҳамда вақтни тежашдан иборат. Вақтни тежаш машғулотларга яхши тайёрланиш имкониятини беради. Ўқитувчилар АКТ ресурсларидан фойдаланган ҳолда нафақат ўз билимларини янгилайди, балки назарий билимларни ҳам ортириш имкониятига эга.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштиришни тақозо қилади.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, ўқув жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарали томонлари кундан кунга ўзининг исботини топиб бормоқда. Бунда ўқитувчи ва талаба доимо изланишга, ўрганишга, ўз фикрини мустақил ифода этиш борасида амалий кўникмаларни ривожлантириб боришга мажбур бўлади. Бу эса, уларнинг келажакда ўз касбининг чуқур билимдони бўлиб етишишлари учун замин ҳозирлайди.

2 – ШЎЪБА
**ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, СЕЛЕКЦИЯ, УРУҒЧИЛИК,
ЎСИМЛИКШУНОСЛИК, МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК, ЎРМОНЧИЛИК ВА
ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ,
АГРОИНЖЕНЕРИЯДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК: МУАММО ВА
ЕЧИМЛАР**

**МОБИЛ ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИК
ЧОРАЛАРИ**

Т.Н.Халмурадов, Т.М.Байзаков, Г.Р.Қаҳҳорова

Тошкент давлат аграр университети

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугунги ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир».

Ушбу экологик муаммолар назарда тутилган ҳолда, мустақиллик даврида мамлакатимизда атроф-муҳит тозаллиги, мусаффолиги ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда фан, техника ва технологияларнинг шиддатли тараққиёти натижасида саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жадал ривожланмоқдаки, эса инсоннинг табиатга таъсир кўрсатиш доираси ва қўламини кенгайтиришига олиб келди. Ушбу антропоген омилларнинг таъсирида табиий муҳитда рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришлар назорат қилиб бўлмайдиган бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамкорона ва оқилонга фойдаланиш, чиқиндисиз ҳамда кам чиқиндилар технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарида кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида гербицид ҳамда пестицидлар ўрнига замонавий электротехнологияларни қўллаш каби масалалар энг муҳим умумдавлат вазифаларига киради.

Маълумотларга қараганда, инсон соғлигининг 67 – 74% ташқи муҳит, овқатланиш ва яшаш шароитига, 16 – 18% генетик ва наслий омилларга ва фақатгина 10 – 15% соғлиқни сақлаш хизматида боғлиқ [3]. Демак, ҳаёт кечириш учун атроф – муҳитни захарламаслик чоратадбирларини кўриш ҳар бир ишчи, хизматчи, мутахассис, муҳандис ва раҳбарнинг асосий бурчи бўлиши керак. Атроф – муҳитни, сувни, хусусан тупроқ қопламани кимёвий моддалар билан ифлосланиши турли омиллар таъсирида вужудга келиб, бу моддалар хусусиятига кўра йиллар давомида ўзининг таъсирини ўтказди. Айниқса, ўта захарли моддалар дея эътироф этилувчи радиоактив элементлар (U, Ra, Os, Th ва бошқалар), оғир металлар (Cd, Pb, Sr, Ni ва бошқалар), айрим газлар, ҳамда пестицидлар тупроққа тушиб, “тупроқ→ўсимлик→ҳайвон→инсон” тириклик биозанжири орқали ўз таъсирини кўрсатади.

Захарли моддаларнинг ифлосланиш манбалари, кимёвий таркиби, ифлосланиш майдони ва уларнинг илмий – амалий ечими дунё бўйича бир биридан кескин фарқ қилади. Масалан, ривожланган Европа давлатларида асосан саноат тизими орқали ифлосланса, Ўрта Осиё давлатларида чиқарилган чиқиндилар ва қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан ноилмий тарзда фойдаланиш натижасида ифлосланади. Шу нуқтаи назардан, Республикаимизда захарли моддалар билан ифлосланишнинг асосий манбаларига: чиқиндилар, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда уни сақлаш омборлари ва қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларнинг меъридан ортиқ қўлланилиш ҳолатларини киритиш мумкин. Мазкур ифлосланишларнинг хавфли томони шундаки, у тирик организмларда турли хил тузатиб бўлмайдиган касалликларни келтириб чиқаради, тупроққа тушган захарли моддалар узок йиллар давомида сақланиб тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, биологик, микробиологик хоссалари, озуқа, сув каби режимларига турлича таъсир қилади ва натижада тупроқ унумдорлигининг пасайиши кузатилади. Бу эса қишлоқ хўжалигида сезиларли салбий оқибатларнинг вужудга келишига олиб келади.

Бугунги кунга келиб дунё олимлари томонидан турли кимёвий моддалар билан ифлосланган сув ва тупроқларнинг хоссаларини ўрганиш, уларни замонавий технологиялар асосида тозалаш бўйича ишларни олиб бормоқдалар. бу эса, машаққатли меҳнат ва катта маблағни талаб этади. шунинг учун “касал-ликни даволагандан кўра унинг олдини олган” маъқулроқ, яъни қишлоқ хўжалигида кимёвий технологиялар ўрнига замонавий инновацион электротехнологияларни қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юкорида келтирилган фактлар пахта етиштириш агротехникасида экологик тоза, кимёвий препаратлар ишлатилмайдиган технологияларни яратишни такоза этади. “ВМКВ-Agromash” АЖ қошидаги № 25 – соҳавий лабораториясида т.ф.д., профессор А.Мухаммадиев раҳбарлигида бу соҳада анча катта аҳамиятга эга бўлган ишлар олиб борилган, шу жумладан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мобил электротех-нологик ускуналар яратилган ва амалда синаб кўрилган.

Пахтачиликда электротехнологик усулдан кенг фойдаланилган ҳолда пахта ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Тажрибалар натижасидан шу нарса маълум бўлдики, электротехнологик ускуна билан ишлов берилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги 12 -15 % га юкори бўлганлиги кузатилган. Ушбу электротехно-логик усул ўсимликларни ултрабинафша нурлари билан ишлов беришга асосланган. Пахта етиштиришда ултрабинафша нурлардан фойдаланиш асосида ишловчи мобил электротехнологик қурилмалардан Тошкент давлат аграр университетининг ўқув-тажриба базасида ва “ВМКВ-Agromash” АЖнинг тажриба даласида қўллаш орқали олинган натижалар билан таништирамиз:

1. Электротехнология усулидан фойдаланиш натижасида пахтачилик агротехникасида кимёвий препаратлардан фойдаланиш йўқотилади.

2. Пахта ҳосилдорлиги 15% гача (шу жумладан, бугдой - 25% гача, маккажўхори 6-10%гача) ошиши таъминланади.

3. Ғўзанинг баргини сунъий тўктириш операциясига эҳтиёж қолмайди.

Ҳақиқатдан ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш-нинг муҳим омилларидан бири уни электрлаштиришдир. Шунини таъкидлаш лозимки, электр технологиялар иқтисодий самара бериши, меҳнатни энгиллаш-тириши билан бир каторда, агар меҳнат муҳофазаси ҳамда электр хавфсизли-гига тўлиқ риоя қилинмаса, одамлар ҳаётига ва соғлиғига жуда катта хавф туғдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириш ҳиссаси ошган сари, ундан жароҳатланиш оқибатлари ҳам ошиб бормоқда. Берилган статистик маълумотларга кўра қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган жами бахтсиз ҳодисалардан электр токи билан жароҳатланишлар умумий жароҳатланишларнинг 0,5 - 1,0% ини ташкил этиб, электр токидан жароҳат-ланиш натижасида фожиали якун топгани 20-40% ни ташкил этади [3]. Ушбу маълумотларни таҳлил этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мобил электротехнологик ускуналар билан ишлаш жараёнида талаб этиладиган электр хавфсизлик чора-тадбирлари хусусида бир оз тўхталиб ўтамиз.

Умуман олганда, электр токидан жароҳатланишларнинг келиб чиқишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- химояланганлиги бузилган сим ёки ток ўтказувчи очик қисмларга тегиб кетишдан,
- ёй орқали электр токини таъсир қилиши, ускуналарнинг металл қисмларига тегиб кетишдан,
- тасодифий кучланиш остига тушиб қолиш,
- электр узатувчи қисмларга катта ўлчамли машиналарнинг (пахтага ишлов бериш,
- дон ўриш ва автомобиль - кранлар) руҳсат этилмаган даражада яқинлашуви ва бошқаларда жароҳатланиш мумкин.

Электротехнологик ускуналарни ишлатишда инсоннинг электр токидан жароҳатланишининг бошқа ҳолларига қуйидагилар сабаб бўлади:

- электро-технологик қурилмаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;
- электр жиҳозларининг кучланиш остида қолган ток ўтказмайдиган металл қисмларга тегиб кетиши;
- электр билан ишлаганда хавфсиз меҳнат усулларини билмаслик.

электр токининг одамга таъсири натижасида, у организмга кимёвий, иссиқлик ва биологик таъсир кўрсатиб, қон таркибидаги моддаларнинг парчаланишига, терининг қуйишига ва организмда қаттиқ оғриқ вужудга келиб, терини қичиши, томирлар кескин тортилиши ва мушакларни қисқаришига сабаб бўлади. бундан ташқари у бутун организмни шикастлаб, юрак

ва асаб тизимини, нафас олиш органларини тўлиқ ёки қисман фалаж бўлишига олиб келиши мумкин. электр токидан жароҳатланиш даражаси токнинг кучига, кучланиш қиймати, ток тури ва частотасига, ток ўтиш йўлига, таъсир қилиш муддатига, шунингдек одам организмнинг қаршилиги ҳамда тери қопламанинг ҳолатига ва бошқа алоҳида хусусиятларига боғлиқдир.

Қон босими юқори, юраги касал, тери касаллиги бор, ошқозони яра, эпилепсия билан оғриган, жигар ҳамда буйраги касал ва бошқа касалликлари бор кишилар мобил электротехнологик қурилмаларда ишлашига йўл қўйил-майди. Шунинг учун электротехнологик қурилмаларга хизмат кўрсатувчи операторлар электр хавфсизлиги бўйича махсус йўриқномалар бўйича ўқитилиб, тиббий кўриқдан ўтказилади.

Электротехнологик қурилмага хизмат кўрсатувчи персонал ултрабинафша лампаларнинг ишлашини текшириш мобайнида ҳимояловчи оддий ойнали кўзойнақ тақиши шарт. Қурилмани ишга туширишдан олдин электр симларининг бутунлигини кўздан кечириш, культиватор ерга ботадиган агрегатларининг қотирилганлигини мунтазам текшириб туриши керак.

БИОСТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Т.Р.Худайқулов

Тошкент давлат аграр университети

И.А.Каримов мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган 2014-йил 17-январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари чекланганлигини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий етиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими - деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш”- деб айтган эдилар.

Ҳозирги кунда Республикамизда аҳоли сони ортиб бориши ер майдонларининг чегараланганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги экинларидан эртанги, юқори ва сифатли ҳосил олиш ва ҳатосиз соғлом кўчат етиштириш долзарб муомалардан ҳисобланади, шуларни инobatга олиб экинлар ҳосилдорлигини оширишда республикамиз олимлари томонидан яратилган ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган ўсишни соловчи моддаларни қўллаш мақбул муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш яъни янги препаратларни қўллаш технологиясини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик энг муҳим соҳалардан бири ҳисобланади ва пахтачилик тармоғини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, пахта етиштириш миллий ифтихор даражасига кўтарилган.

Республикамизда жаҳон талабларига жавоб берадиган серҳосил, тезпишар, сифати юқори ва касалликларга чидамли ғўза навларини яратиш ва уларни парваришlashда такомиллашган агротехнологияларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилувчи Ер шарбатини қўллаш мобайнида уларни қишлоқ хўжалиги экинларига таъсир этиш механизмининг ўрганиш ва бу механизмларга Ер шарбатининг таъсирини ёритиб бериш мақсадида илмий изланишлар ўтказилди. Бундай изланишлар бактериал воситалардан қишлоқ хўжалик экинларида маҳсулот етиштиришда турли хил шароитлардан келиб чиққан ҳолда тўғри фойдаланиш орқали ўсимлик маҳсулдорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тупроқ унумдорлигини оширувчи, ўсимлик ўсишини тезлаштирувчи, илдиз чириш касаллигидан ҳимоя қилувчи, шўрланишга чидамлилигини ва ҳосилдорлигини оширишни таъминlashда Ер шарбатининг аҳамияти катта. Ер шарбатининг ижобий таъсири туфайли пахта ҳосилдорлиги 12-18 % гача оширилганлиги кузатилган.

Экинларнинг қуруқ биомассаси ва ҳосил органлари физиологик ва биокимёвий жараёнлар таъсирида шаклланади ва турли ташқи омиллар натижасида ҳосил элементларининг сони ўзгаради (2). (Ш.Х.Абдуалимов, 2009).

Шу сабабли Тошкент вилояти тупроқ иқлим шароитида янги физиологик ва биологик фаол модда Ер шарбати ва бошқа препаратларнинг ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш даврида қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ва илмий асосlash бўйича дала тажрибалари олиб борилган.

Ер шарбатининг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар, харорат ва тупроқ намлиги ҳисобланади. Турли йилларда иқлим шароитининг ҳар хил келиши ҳосилдорликни йиллар бўйича фарқ қилишига олиб келади.

Тажрибани ўтказишда биз Ер шарбатини қўллаш биринчи марта чигитни 12 соат мабойнида экиш олдидан ивитиб қўйдик ва 23.04.2015 йил экилди.

Олинган маълумотларга кўра, тажрибада чигит 10-12 кунда униб чиқа бошлаган. Ер шарбати билан чигитга экиш олдидан ва вегетация даврида ўсимликка ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши назоратга нисбатан 1-2 кунга, тезлашган ҳамда Ер шарбати, Альбит ва Гумми 20 стимуляторлари билан чигитга ва шоналаш-гуллаш даврида ишлов берилганда юқори натижаларга эришилган. Масалан Ер шарбати, Альбит ва Гумми 20 стимуляторлари – ўсимлик ўсишига, ҳосилнинг ортишига ҳамда тупроқ унумдорлигини ортишига хизмат қилгани кузатилган.

Кўпгина илмий манбаларда турли хил физиологик фаол моддалар билан ишлов берилган уруғликнинг унвчанлиги ошганлиги таъкидланган. Масалан Тошкент вилояти шароитида Нитролин ва Учкун стимуляторлари чигитнинг униб чиқишини тезлаштирган (Ниязметов, 2007).

хўжалик машинасидан маълум бир технологик жараёни бажаришда фойдаланилади, улар тракторга осма равишда тиркалиб ёки судраб/итариб ҳаракатга келтирилади, бу машиналарнинг бир неча хил турлари мавжуд.

Ўзбекистондаги нисбатан яқинда ташкил қилинган кўпчилик фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ҳосилни йиғштириб олишда ишлатиладиган барча техникаларни сотиб олиш имкониятлари чекланган. Банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан бериладиган лизинг айнан шу масалани ечишда яъни трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олишда фермерларга кўмаклашади.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари асосий лизинг объектлари бири ҳисобланади. Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотларига кўра 2015 йилда лизинг берувчилар томонидан умумий ҳажми 850 млрд. сўмлик янги лизинг битимлари тузилган. Лизингга берилган объектлар ичида қишлоқ хўжалик техникалари улуши энг катта бўлиб улар лизинг битимлари умумий ҳажмининг 32,9% ташкил қилган⁴.

Бугунги кунда лизинг берувчи банклар ва бошқа ташкилотларда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга олиш учун тузилган бизнес режаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Банк ва лизинг берувчи ташкилот ходимларининг тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳақидаги билимлари бизнес режаларни тўғри таҳлил қилиш ва баҳолашда муҳим роль ўйнайди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга олиш учун тузилган бизнес режаларни кўриб чиқишда қуйидаги мезонлар асосида таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинаси ишлов берадиган экин майдони ва экин турларини аниқлаш. Тракторни танлашда экин майдони ва экин турлари муҳим роль ўйнайди. Лизингга олинadиган трактор ёрдамида ишлов берилadиган (фермернинг ўзини ва трактори бўлмаган қўшни фермер хўжаликларининг) майдонига қараб иш унумдорлиги (тортиш кучи ёки қуввати) катта, ўртача ёки кичик бўлган трактор танлаш мумкин.

Тракторни танлашда шунингдек фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг об-ҳаво ва тупроқ шароити, технологик жараёни бажариш учун ажратилган агротехник муддатларга ҳам эътибор қаратилади. Технологик жараёнларни агротехник муддатлардан кўрсатилганидан кечикиб бажариш натижасида йўқотиладиган ҳосил миқдори айрим ҳолларда 30% гача етиши⁵ эсдан чиқмаслиги лозим. Бундан ташқари технологик жараёнларни ўз муддатида бажармаслик шу ишни бажаришдаги сарф харажатларни ошишига ҳам олиб келади. Қишлоқ хўжалигида қандай турдаги экин етиштирилишидан қатъий назар бажариладиган ишлар мавжуд, бу ишларга шудгорлаш, маҳаллий ўғит сочиш ва ерни экишга тайёрлаш ишларини киритиш мумкин. Бу ишларни бажаришда фойдаланиладиган тракторларни танлашда экин турига эътибор қаратиш зарурати йўқ. Шу билан бирга етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, экин турлари ва улар етиштириладиган ҳудудлар об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб турли тракторлар ва бир неча хил қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланилади.

Ҳозирда Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан кенг тарқалган экин турларини етиштиришда турли ҳудудлар учун фойдаланиладиган техникалар турлари, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари, сарф харажатларни кўрсатувчи намунавий технологик хариталар тузилган. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини танлашда ва турли ҳисоблашларни бажаришда бу хариталардан ва ҳудуддаги илғор фермер хўжаликлари тажрибасидан фойдаланиб тузилган технологик хариталардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Мутахассислар квалификацияси ва иш тажрибасини баҳолаш. Ҳозирда Ўзбекистонда фойдаланилаётган кўпчилик тракторлар қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган ёки хориждан олиб келинган бўлиб уларни тузилиши бирмунча мураккаб, уларда фан ва техниканинг сўнги янгиликлари, электрон тизимлар, замонавий мураккаб узеллардан фойдаланилган, тракторларни нархи анча юқори. Бу тракторлардан фойдаланувчилар уларни бошқариш кўникмаларига ва бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага, тракторлардаги тизимларни тузилиши, ишлаши ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича маълум билимларга эга бўлишлари керак.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасини лизингга олаётган фермер хўжалиги эгаси ёки лизинг объектини ишлатувчиларни техника соҳасида олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиши

⁴ <http://www.ula.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=r&raz=1&praz=1&id=312> Собрание Ассоциации Лизингодателей Узбекистана по итогам деятельности лизингового рынка страны в 2015 году

⁵ Лымарь А.О. Экологические основы систем орошаемого земледелия. Аграрная наука, 1997 г

мақсадга мувофиқдир. Замонавий трактордан фойдаланишдаги оддий қоидаларни билмаслик, техник хизмат кўрсатиш муддатларига амал қилмаслик, сифатсиз ёнилғи мойлаш материалларидан фойдаланиш оқибатида трактордаги мураккаб ва қимматбаҳо узеллар ишдан чиқиши ва трактордан фойдаланиш харажатларини кескин ошишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Юқорида таъкидланганидек

- лизинг олувчининг ёки лизинг объектини бевосита ишлатувчиларнинг техника соҳасида маълумоти мавжудлиги;

- лизинг олаётган фермер хўжалигида тракторни бошқариш учун гувоҳномаси ва иш тажрибасига эга бўлган механизаторни борлиги;

- механизаторни трактордан фойдаланиш хусусиятларини ўргатувчи курсда ўқиганлиги ёки ўқиши режалаштирилганлиги;

Лизингдаги рискни камайтиради ва тракторни юқори унумдорлик, кам харажат билан узок муддат ишлашига кўмаклашади.

Трактор ва қишлоқ хўжалик техникаларини танлашда хўжаликни механизация даражасига баҳо бериш ва мос техника танлаш. Лизинг бизнес режаларини таҳлил қилишда лизингга техника олаётган хўжаликдаги мавжуд техникалар турлари, сони, улардан фойдаланиш даражаси ва уларни ишга яроқлилиги ҳам ўрганилади. Юқорида таъкидланганидек ҳозирда қишлоқ хўжалигида механизация даражасини ошириш учун тракторлар ва турли хилдаги қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланилади. Етиштирилаётган экин турлари кўпайишига қараб ишлатиладиган техникалар турлари ва сони янада ортади. Лизингга техника олаётган фермер хўжалигида экинларни етиштиришда ишлатиладиган техникаларни қисман бўлса ҳам борлиги муҳим ҳисобланади. Бунда лизинг олувчини ўзига етишмай турган ёки эскирган трактор ёки техник воситани олишга ҳаракат қилаётганлигига эътибор қаратилади (м.: фермер хўжалигида юқори қувватли ҳайдов трактори бор лекин унга мос плуг йўқ ёки аксинча бўлиши мумкин). Лизинг беришда фермер хўжалигини механизация даражасини оширишда, трактор ва бошқа техник воситаларни сотиб олишда босқичма-босқич ҳаракат қилаётган (бир неча йил давомида керакли воситаларни навбатма-навбат сотиб олаётган) банкнинг ишончли ҳамкорлари ҳисобланган фермер хўжаликлари билан ишлаш ҳам яхши натижа беради.

Лизинг олувчи фермер хўжалигида техникалар сони ва тури қанча кўп бўлса у ерда механизация даражаси шунча юқори деб ҳисобланади. Бундан ташқари лизинг олувчи фермер хўжалигида техникаларни мавжудлиги, уларни ишлатиш билан боғлиқ сарф харажатлар, қанча вақтдан бери ишлатилаётганлиги (хизмат муддати) ва ишга яроқлилиги бўйича маълумотлар фермер хўжалигининг лизингга олинадиган техникадан келажакда қай даражада фойдаланиши ва кутилаётган сарф харажатлар тўғрисида ҳам маълум бир хулоса чиқариш имконини беради.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ёрдамида технологик жараёнларни бажаришда уларни рационал агрегатлашга катта эътибор қаратиш лозим. Тракторни тортиш имкониятларига мос плуг, сеялка, культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари билан бирга ишлатиш иш унумдорлигини оширади ва иш ҳажмига тўғри келадиган ёнилғи сарфини камайтиради. Аксинча трактор ва қишлоқ хўжалик машинасини тўғри танламаслик харажатларни ортишига олиб келади. Шу хусусда деҳқончиликда бажариладиган технологик жараёнлар ичида энг катта харажат талаб қилувчи технологик жараёнлардан бири шудгор қилишга тўхталиш мумкин.

Шудгор қилиш жараёнида тракторга тушадиган юкланиш тупрокнинг типи, қаттиқлиги, зичлиги ва намлиги, шудгор қилиш чуқурлиги, шудгор қилинадиган даланинг ҳолати, шудгордан олдин экилган экин тури, шудгор қилинадиган ер майдонининг нишаблигига қараб турлича бўлади. Ҳозирда далаларни шудгорлашда юқоридагиларни эътиборга олиб тракторлар қамров кенлиги турлича бўлган 2, 3, 4, 5, 6 ва ундан кўп корпусли плуглар билан агрегатланади. Трактор двигателининг қуввати ва илмоғидаги тортиш кучи, тракторларни синаш натижалари ва уларни ишлаб чиқарган компаниялар тавсияларидан келиб чиқиб Т-7060 тракторини 5-6, Arion-630C тракторини 4-5, TS-6.140, TS-135, МТЗ-1221.2 тракторларини 4, МТЗ-1025, TD-5.110, TL-100, LS PLUS-100, LS-1004, Axos-340C тракторларини 3-4, МТЗ-82, МТЗ-80 тракторларини 3 корпусли плуглар билан агрегатлаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда бизнес режаларни таҳлил қилишда лизинг олувчиларни трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини биргаликда ишлатиш масалаларини олдиндан кўра билишига, тракторни ўша ҳудудга ва тракторга мос қишлоқ хўжалик машинаси билан бирга олишни режалаштирилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Трактор ва қишлоқ хўжалик техникаси учун қўшимча иш ҳажми мавжудлиги. Тракторларни ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини лизингга беришда юқорида таъкидландек уларга мос иш ҳажми мавжудлиги жуда муҳимдир. Бу нарса лизинг тўловларини ўз вақтида муаммосиз тўланишига замин яратади. Ҳозирда Ўзбекистон бозорида мавжуд кўпчилик ҳайдов тракторлари имконияти юқори бўлиб, улар катта майдонларда шудгорлаш ва ерни экишга тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишларни бажара олади. Республикамизда мавжуд фермер хўжаликларининг майдони ўрта ҳисобда 60 га дан кичик⁶ бўлиб бир неча фермер хўжаликларига шудгорлаш ва ерни экишга тайёрлаш ишларини битта катта қувватли трактор ёрдамида бажариш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб техникани лизингга олувчи хўжалик яқинидаги (м.: сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида, хўжалик яқинидаги аҳоли яшайдиган қишлоқда ёки хўжалик жойлашган жойдан 20 км радиусда) хўжаликларда нечта ва қанақа русумдаги тракторлар ва бошқа техникалар мавжудлигини аниқлаш керак бўлади. Шу маълумотга асосланиб лизингга олинаётган трактор ва қишлоқ хўжалик машинаси учун қанча қўшимча иш ҳажми борлигини аниқлаш мумкин. Умуман олганда трактор учун белгиланган тўловларни ишончли тўланишини таъминлаш учун лизингга олувчи тракторни 40-50% ўз хўжалигида, 50-60% қўшни хўжаликларга хизмат кўрсатиб ишлайди деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқдир.

Тракторлар ва комбайнлар ёрдамида хизмат кўрсатиш нархлари турли ҳудудларда турлича бўлиб, техника ёрдамида хизмат кўрсатиш ҳисобига олинadиган тушумларни ҳисоблашда айнан ўша ҳудуд учун мос нархлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бизнес режаларни таҳлил қилишда қўшимча иш ҳажми борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигига эътибор қаратилади ва қўшни фермерлар келажақда техникани лизингга олувчи хизматидан фойдаланишига ишонч ҳосил қилинади.

Техникалардан фойдаланишдаги кафолат муддатлари, улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар. Замоनावий тракторлар ва комбайнлар анча мураккаб ва қиммат машина ҳисобланиб уларга техник хизмат кўрсатиш, механизмлари ишини текшириш ва ростлашларни бажариш учун махсус инструментлар, стендлар ва малакали мутахассислар керак бўлади. Бизнес режаларни таҳлил қилишда лизингга берилadиган трактор ва бошқа техника учун

- кафолатли муддат
- техник хизмат кўрсатиш маркази
- эҳтиёт қисмлар

мавжудлигига эътибор қаратиш лозим ҳисобланади. Кафолатли муддатнинг қисқа ва узоклиги, техник хизмат кўрсатиш маркази узок ва яқинлиги ва эҳтиёт қисмларни мавжудлиги, қиммат ва арзонлигига қараб лизинг таклифига баҳо бериш мумкин.

Бизнес режаларни таҳлил қилишда лизингга олинаётган техникадан келажақда фойдаланишда ва уни сақлашда кутиладиган харажатларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Тракторга техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи мойлаш материаллари харажатлари фойдаланиш харажатларни маълум бир қисмини ташкил этади.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш техникани доимий соз бўлишини ва тежамли ишлашини таъминлайди, деталларни муддатидан олдин ейилишини ва ишдан чиқишини олдини олади, техникани хизмат муддатини узайтиради.

Техник хизмат кўрсатишни бир неча турлари мавжуд бўлиб улар маълум бир иш соатидан кейин ёки маълум бир муддатдан кейин ишлаб чиқарган завод ёки компания тавсияларига асосан ўтказилади. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарувчи турли компанияларнинг техник хизмат кўрсатиш муддатлари ва турлари бўйича тавсиялари турлича бўлиши мумкин. Тавсияларда ҳар бир техник хизмат кўрсатиш турини ўтказишда бажарилиши лозим бўлган текширишлар, алмаштириладиган мойлаш материаллари ва филтрлар, ростлашлар ва бошқа ишлар рўйхати келтирилган бўлади. Бу ишларни бажариш лизинг олувчилар учун мажбурий деб ҳисобланиши ва уларни бажарилишини доимий назорат остига олиш зарур.

Юқорида келтирилган мезонлар асосида трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга бериш лизингдаги рискни камайтириш билан бирга қишлоқ хўжалик техникасини узок муддат самарали ишлатилишини таъминлайди ва якуний маҳсулот таннархини камайишига кўмаклашади.

⁶ Обзор рынка сельхозтехники и сельхозмашин. Маркетинговое исследование, Т. 2009 г

О ВЛИЯНИИ НЕРАВНОМЕРНОСТИ ВОЗДУШНОГО ПОТОКА ПО ФРОНТУ РАДИАТОРА СИСТЕМЫ ОХЛАЖДЕНИЯ ДВИГАТЕЛЕЙ ТРАКТОРОВ И АВТОМОБИЛЕЙ

Н.Т.Умиров

Ташкентский государственный аграрный университет

Структура воздушного потока на входе в сердцевину радиатора, установленного на тракторе и автомобиле, обычно отличается большой сложностью. Характерными особенностями этой структуры являются перекосы скоростных и температурных полей и повышенная турбулентность, которая на входе в радиатор неизбежна точно так же, как это имеет место во всех случаях всасывания воздуха из атмосферы в трубопровод без специальных спрямляющих устройств. Возмущающее воздействие на поток оказывают элементы, находящиеся в воздушном тракте впереди радиатора, т.е. облицовка, жалюзи, масляные радиаторы и др. По этому существенное значение имеет конструкция воздушного тракта различают следующие основные схемы компоновки двигателя и радиатора.

1) Последовательное расположения у подавляющего большинства типов тракторов и автомобилей.

2) Параллельное расположения у ряда автобусов, легковых автомобилей и других машин.

3) Поперечное расположение – у ряда легковых автомобилей и мощных тягачей.

При параллельном и поперечном расположении обычно упрощается компоновка и улучшается конструкция всего воздушного тракта, однако увеличивается общий объем моторной установки. При последовательном расположении двигателя и радиатора общий объем моторного отделения сокращается, но конструкция воздушного тракта получается более сложной и менее эффективной. Элементы поверхности охлаждения, равномерно распределенные по фронту радиатора, обтекаются воздушным потоком, который, обычно не заполняет в одинаковой мере все сечение радиатора при этом одна часть фронта обдувается со скоростями, значительно большими расчетной, другая со скоростями, меньшими расчетной, совсем не обдувается или даже имеет обратное направление потока. В этих условиях эффективность радиатора оказывается ниже той, которая могла быть достигнута при равномерном распределении потока. К числу ограничивающих факторов, различные препятствия на пути воздуха до и после радиатора: отсутствие плавных переходов от одного сечения воздушного тракта к другому; малый коэффициент ометаемости радиатора, расстояние между облицовкой и радиатором, а также между радиатором и вентилятором наличие кожуха вентилятора и его конструкция, зазор между кожухом и вентилятором ит.п.

Для количественной оценки неравномерности поля скоростей перед фронтом радиатора используется коэффициент неравномерности поля скоростей по фронту радиатора

$$\delta^2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{i=n} \left(\frac{V_{Li} - V_{Lcp}}{V_{Lcp}} \right)^2$$

величина δ является критерием среднего отклонения локальной скорости V_{Li} в точке i от средней скорости перед фронтом. При равномерном распределении скоростей $\delta = 0$.

Влияние неравномерности поля скоростей можно учитывать с помощью коэффициента реализации потенциальной теплоотдачи, представляющего собой отношение теплоотдачи при данной неравномерности поля к теплоотдаче определенной в предположении, что скорость воздушного потока постоянна по всему фронту и равно средней скорости:

$$\mathcal{H}_H = \frac{Q_H}{Q_0}$$

Максимальное снижение теплоотдачи радиатора из-за неравномерности поля скоростей перед фронтом оценивается величиной \mathcal{H}_H и рекомендуется принимать 0,75...0,9.

Результаты исследования показывают, что поля скоростей перед фронтом радиатора тракторов и автомобилей колеблется в пределах $\delta = 0,03...0,16$ для автомобиля ЗИЛ-130, $\delta = 0,05...0,20$ для автомобиля УАЗ 469, $\delta = 0,05...0,18$ для трактора ТТЗ-80. Перекосы температурных полей воздушного потока, входящего в радиатор, чаще всего обусловлены рециркуляцией нагретого воздуха к фронту радиатора из-за разности давлений на входном участке тракта и в моторном отделении.

ЭНТОМОФАГЛАРГА ЭНТОМОПАТОГЕН ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

К.Х.Бухоров, М.С.Мамиев

Тошкет давлат аграр университети

Табиатдан фойдаланишнинг комплекс муаммоларини ҳал қилишда, экологик ёндошиш ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларни тартибга солишни тақозо қилади. Ҳосилни сақлаб қолишга қаратилган альтернатив йўл, бу зарарли организмлар миқдорини тартибга соладиган, атроф муҳитга безарар бўлган биологик усулларни ишлаб чиқиш ва қўллашдир (Бондаренко,1986; Нурмуратов,1992; Воронин, 1992; Fhomas,Willis,1998; Gelernter Fomer, 2000).

Биоусул-бу зарарли организмларга қарши уларнинг табиий кушандалари: йиртқичлар, паразитлар, антагонистлар, гербифаглар ва бошқаларни қўллашдир. Физиология, биокимё, экология ва микробиологияни ривожланиши феромонлар, гормонлар, антибиотиклар ва биопестицидларни қўллашнинг янги имкониятларини очиб берди. Шу сабабли ҳозирда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш атамасининг маъноси кенгрок бўлиб, бунда зарарли организмларни келтирадиган зарарини йўқотиш ёки камайтириш учун тирик организмлар ва улар ажратадиган моддалардан фойдаланиш тушунилади.

Entomophthora thaxteriana замбуруғининг махсус патогенлиги ва унинг токсик метаболитларини бўғимоёқлиларнинг турли систематик гуруҳларига танлаб таъсир қилиши самарадорлигини бу микроорганизмдан олинган препаратни иссиқхонада ўргимчаккана, оққанот ва полиз ширасига қарши қўлланиладиган биоагентлар билан биргаликда қўллаш режалаштирилди.

Микоафидин ва энтоксанинг препарат кўринишининг юқори концентрацияси (2 %) ҳам акарифагга у қадар таъсир қилмади, лекин бу препаратларнинг 0,5 % ли концентрацияси полиз ширасини 85-100 % гача нобуд қилди. Турли ёшдаги 7 нуктали олтинкўз, циклонедлар ва пропилияларга микоафидин ва энтокса пуркалганда улар 5-10 минут давомида *Entomophthora thaxteriana* замбуруғининг шираларга токсик таъсир қилишига ўхшаб қарахт бўлиб турдилар. I-II ёшдаги личинкаларда токсик таъсирнинг кучи кўпроқ сезилди ва ҳашарот турига қараб уларнинг нобуд бўлиши, назоратдаги табиий нобуд бўлишига қараганда анча юқори бўлди. Препаратларнинг токсик таъсири туфайли имагонинг нобуд бўлиши 8,3-21,6 % бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Кокцинеллид ва етти нуктали олтинкўзга препаратларнинг таъсири

Тест-объектлар	24 соатдан сўнг ҳашаротларни нобуд бўлиши, %		
	Микоафидин	Энтокс	Назорат (сув)
<i>C.limbifer</i>			
Кичик ёшдаги личинкалар	10,4	15,2	5,0
Катта ёшдаги личинкалар	3,3	5,2	0
Имаго	0	3,3	0
<i>P.guatuordecimpunctata</i>			
Кичик ёшдаги личинкалар	6,6	18,4	3,3
Катта ёшдаги личинкалар	4,3	7,2	0
Имаго	0	0	0
<i>Ch.Septempunctata</i>			
Кичик ёшдаги личинкалар	11,2	14,4	4,2
Катта ёшдаги личинкалар	4,6	7,5	0
Имаго	12,9	16,0	11,4

Микоафидин ва энтокса препаратлари таъсирида полиз ширасига ўхшаб кокцинеллид ва етти нуктали олтинкўзларда оммавий нобуд бўлиш кузатилмайди.

Йиртқич афидимиза галлицасининг имагоси ва турли ёшдаги личинкасига микоафидина ва энтоксанинг токсик таъсири текширилганда, препарат туфайли бу ҳашаротнинг нобуд бўлиши, назоратдаги табиий нобуд бўлишига қараганда анча юқори бўлди. Препаратларнинг токсик

таъсири туфайли имагонинг нобуд бўлиши 36,1 -41,6 % га етди. Назоратда эса хашаротнинг табиий нобуд бўлиши 14,6 % бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Катта ёшдаги йиртқич галлицага препаратларнинг таъсири

	Тажриба вариантлари	Хашаротлар сони, дона	Нобуд бўлган хашаротлар, %	
			6 соатдан сўнг	24 соатдан сўнг
	Микоафидин	83	25,3	36,1
	Энтокс	84	32,1	41,6
	Назорат (суб)	165	14,6	14,6

Тажриба натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, *E.thaxteriana* замбуруғининг биологик фаол моддаларини фойдали хашаротларга нисбатан токсик хусусиятларини ўрганиш учун ундан олинган микоафидин ва энтокса препаратлари тест-объектларга таъсир эттирилганда уларнинг кўрсаткичи турлича бўлиши кузатилди. Кокцинеллид ва етти нуктали олтинкўзнинг личинкалари ҳамда имагоси, йиртқич галлицанинг катта ёшдаги личинкасига синалган биопрепаратнинг таъсири бўлмаганлиги; фитосейлюсни эса йиртқич галлицада афидимизанинг I ёшли личинкасига ва имагосига таъсири ўртача бўлиши аниқланди.

УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРНИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

А.Юсубалиев, ТошДАУ, т.ф.д., профессор
И.Т.Исомиддинов, ЎзЎХҚИТИ, б.ф.н., к.и.х.
О.Ж.Пиримов, ТошДАУ, катта илмий ходим изланувчи
Б.Г.Зайниддинов, Қибрай тумани, ЭЭ КХК ўқитувчиси

Ҳозирги пайтда уруғлик чигитни турли касалликлар микроорганизм-ларидан зарарсизлантириш, уларнинг юзасига захарли химикатлар билан иш-лов бериш орқали олиб борилади. Аммо, мавжуд механик дорилагичлар чигитларга сифатли ишлов бера олмаслиги оқибатида, айниқса баҳор ёгинли ва салқин келган йилларда, кўплаб майдонларда гўза касалликларга чалинмоқда ва қайта экилмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили уруғлик чигит билан ерга минглаб тонна захарли химикатлар солиниши атроф муҳитининг экологик мувозанатига салбий таъсир кўрсатмоқда, одамлар ва жониворлар-нинг касалланишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, гўза бутун вегетация даврида бир қанча омил (фактор)лар, жумладан тупрок шароити, об-ҳаво, турли ҳашорат ва касалликлар таъсирида бўлади. Гўзанинг турли касалликларга чалиниши оқибатида жуда кўп миқдорда ҳосил йўқотилади. Шундай касалликлардан бири бўлган гоммоз касаллиги пахтачилик учун ўта салбий таъсир этувчи омил саналади.

Касаллик бактериясини ўсиб ривожланиши учун 28-30⁰С энг оптимал ҳарорат ҳисобланади. Касаллик асосан чигит орқали йилдан-йилга тарқалиб, чигит муртагидан тортиб, то пахта толасигача зарарлаш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам бу касалликни бартараф қилиш учун экологик тоза ўсим-ликларни ҳимоя қилиш воситаларини ва технологияларни яратиш ҳозирги кунда олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Гоммоз касаллигини бартараф этиш учун бир қатор физикавий, химиявий, микробиологик ва бошқа усуллар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, уларнинг пахтачиликда кенг миқёсда қўлланилиши уларга хос камчиликлар мавжудлиги туфайли амалга ошмасдан қолмоқда.

Бундан аввал уруғликларни касалликлардан ҳимоя қилиш учун уруғлик чигитлар юзасига электростатик майдонида химикатларни ўтказиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу технологияга кўра чигитлар ва химикат зарраларини қарама-қарши ишорали электр зарядлари билан зарядлаб, махсус камерада ўзаро электростатик кучлар ёрдамида таъсирлантириш орқали ишлов берилади. Ўтказилган тадқиқотлар захарли химикатларнинг чигитлар орасида тақсимланиш маромининг 2-3 марта яхшиланиши эвазига захарли моддалар сарфини 30-40% га камайтириш мумкинлигини кўрсатди [2]. Мазкур электрохимиявий технологияни қўллаш электростатик майдоннинг чигитларнинг биологик фаоллигига ижобий таъсир этиши натижасида уларнинг даладаги унувчанлигининг ортиши, униб чиқиш муддатининг камайиши, гўзаларнинг ўсиб ривожланишининг тезлашуви натижасида пахта далалари ҳосилдорлигини 3,5- 4,0 ц га ошириш мумкинлигини кўрсатди [3]. Ишланма юқорида кўрсатилган ижобий кўрсаткичларига эга бўлиши

баробарида уруғлик чигитни экишга тайёрлаш жараёнини экология учун ўта зарарли химикатлардан буткул халос қилиш имконини беролмайди.

Уруғлик чигитни гоммоз ва бошқа касалликлар инфекциясидан эколо-гик жихатдан тоза зарарсизлантириш имконини берувчи усул устида 2003 йилдан бошлаб олиб борилган илмий изланишлар натижаси ўлароқ ўта юқори частотали электромагнит майдонли технология яратилди [5]. Мазкур технологияни амалга оширувчи қурилмани ишлаб чиқиш учун ўта юқори частотали электромагнит майдони айрим катталикларининг ҳозирда районлаштирилган ғўза навлари чигитларининг унувчанлигига таъсирини тадқиқ этиш лозим бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, уруғлик чигитни экологик соф усулда касалликларнинг замбуруғларидан зарарсизлантирувчи электр технология ва уларни иш жараёнинида қўлланилувчи техник воситаларни яратиш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб қолди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларини текшириш мақсадида Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий – текшириш институтида (ЎзЎХҚИТИ) С – 6524 навли тукли уруғлик чигити олиниб, уни гоммоз кассалиги бактерияси ва илдиз чириши касаллиги замбуруғлари билан сунъий равишда зарарлантирилди ва намлиги сув ёрдамида хона ҳароратида 8 – 10 % га келтирилди.

Лаборатория – дала шароитида ўтказиладиган тажрибанинг услубияти ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ равишда 8 та вариантларда уруғлик чигит тайёрланиб, шундан 5 варианты учун турли хил режимларда ўта юқори частотали электромагнит майдони (ЎЮЧ ЭММ) да ишлов берилиб, экологик соф усулда зарарсизлантирилди. [4]. Тайёрланган чигит вариантлари дала шароитида экилди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг айрим натижаларини қуйида келтириб ўтамиз.

Жадвал

Уруғлик чигитларни электр зарарсизлантириш ва уларнинг дала шароитида унувчанлиги (С-6524 нави, ЎзЎХҚИТИ, 2016 й.)

№ Вариант	Чигитнинг ҳолати, вариантлар	ЎЮЧ ЭММ ёрдамида ишлов бериш параметрлари		Уруғнинг дала шароитида унувчанлиги, %	Илдиз чириш касллиги а чалиниши, %
		Нурланиш қуввати, Вт	Ишлов бериш давомийлиги, Мин		
1	Намуна	0	0	83,5	19,3
2	Зарарланган	0	0	79,0	22,7
3	В2+химобработка П-4 билан (назорат)	0	0	70,5	18,5
4	ЎЮЧ - ишл.бериш	600	1,5	4,0	-
5	ЎЮЧ - ишл.бериш	450	2,0	6,0	-
6	ЎЮЧ - ишл.бериш	300	3,0	15,0	-
7	ЎЮЧ - ишл.бериш	180	3,0	82,5	4,2
8	ЎЮЧ - ишл.бериш	180	5,0	41,0	4,1

Жадвалдан кўринадики, ЎЮЧли ЭММ ёрдамида уруғлик чигитларга ишлов бериш улардаги унувчанликни оширишга ва улардаги илдиз чириши касаллигини кескин камайтиришга олиб келади.

ЎзЎХҚИТИнинг тажриба участкасида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, уруғлик чигитларни электр зарарсизлантириш турли хил кимёвий дори – дармонлар билан ишлов беришга нисбатан, уруғлик чигитнинг униш энергиясига ва экологик муҳитга салбий таъсир этмаслиги билан аҳамиятлидир.



1 – расм. Олиб борилган тадқиқотлардан лавҳалар

ЎЮЧ ли ЭММ ёрдамида уруғликларни экологик соф зарарсизлантириш бир вақтнинг ўзида улардаги касаллик уйғотувчи микроорганизмларни йўқотиши билан бирга, чигитларнинг биоактивлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари бўйича хулосалар

1. Мавжуд кимёвий дори – дармонлар ёрдамида уруғликларни касалликларга қарши зарарсизлантиришдан кўра табиатга зарар етказмайдиган экологик тоза усуллардан фойдаланиш зарур.

2. Уруғликларни экологик тоза зарарсизлантирувчи ЎЮЧ ЭММ дан фойдаланиш улардаги касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмларни йўқотиш билан бирга уларнинг биофизик кўрсаткичларига ҳам таъсир этади.

3. Уруғлик чигитларга ЎЮЧ ли ЭММ ни таъсир эттириш гоммоз касаллигига термик таъсир этиш билан бир қаторда уруғнинг ҳаётини фаолиятига актив таъсир этади, бу эса касалликка чидамли соғлом кўчат униб чиқишга туртки бўлади.

4. Олинган натижалар назарий тадқиқотларда келтирилган маълумотларни тасдиқлайди ва зарарсизлантирилган уруғлик чигитларнинг биологик активлиги ошади.

УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШДА ЭЛЕКТР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

А.Юсубалиев, ТошДАУ, т.ф.д., профессор
О.Ж.Пиримов, ТошДАУ, катта илмий ходим изланувчи
Б.Г.Зайниддинов, Қибрай тумани, ЭЭ КХК ўқитувчиси

Республикада етиштирилаётган пахта хом ашёсининг асосий маҳсулотларидан бири уларнинг чигитлари саналади, пахта чигитини келгуси йилга экиш учун тайёрлаш эса бу муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахта чигитини экишдан олдин эса ҳозирги кунда турли хил усулларда ишлов бериш анъана тусига кириб қолган, яъни чигитларни экишдан олдин турли хилдаги кимёвий моддалар билан зарарлантириш ёки уларни химикатли сувларда ивиштиш шулар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида чигитлар сиртида турли хил касалликларни улар билан бирга тупроқ таркибига тушиши ёки тупроқни унумдорлигига салбий таъсир этиш оқибатларига олиб келиши мумкинлигидан далолатдир.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда чигитларни экишдан олдин кимёвий усулда эмас, балки электротехнологик ишлов бериш усулидан фойдаланиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса кимёвий усулдагига нисбатан салбий оқибатларга олиб келмаслиги ва юқори эффективлиги билан фарқ қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26-январда қабул қилган қарори ва шу каби соҳани ривожлантириш учун қабул қилинаётган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу каби ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда ва мамлакатимизда озиқ-овқат ҳамда иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларининг ривожланишида муҳим асос бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз, бу борада, "... айти пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур," – дея таъкидлаганлар.


Маълумки, ғўза бутун вегетация даврида бир қанча омил (фактор)лар, жумладан тупроқ шароити, об-ҳаво, турли ҳашорат ва касалликлар таъсирида бўлади. Ғўзанинг турли касалликларга чалиниши оқибатида жуда кўп миқдорда ҳосил йўқотилади. Шундай касалликлардан бири бўлган гоммоз касаллиги пахтачилик учун ўта салбий таъсир этувчи омил саналади.

Касаллик бактериясини ўсиб ривожланиши учун 28-30⁰С энг оптимал ҳарорат ҳисобланади. Касаллик асосан чигит орқали йилдан-йилга тарқалиб, чигит муртагидан тортиб, то пахта толасигача зарарлаш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам бу касалликни бартараф қилиш учун экологик тоза ўсим-ликларни ҳимоя қилиш воситаларини ва технологияларни яратиш ҳозирги кунда олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Гоммоз касаллигини бартараф этиш учун бир қатор физикавий, химиявий, микробиологик ва бошқа усуллар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, уларнинг пахтачиликда кенг миқёсда қўлланилиши уларга хос камчиликлар мав-жудлиги туфайли амалга ошмасдан қомоқда.

Ҳозирги пайтда уруғлик чигитни турли касалликлар микроорганизм-ларидан зарарсизлантириш, уларнинг юзасига захарли химикатлар билан иш-лов бериш орқали олиб борилади. Аммо, мавжуд механик дорилагичлар чигитларга сифатли ишлов бера олмаслиги оқибатида, айниқса баҳор ёгинли ва салқин келган йилларда, кўплаб майдонларда ғўза касалликларга чалинмоқда ва қайта экилмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили уруғлик чигит билан ерга минглаб тонна захарли химикатлар солиниши атроф муҳитининг экологик мувозанатига салбий таъсир кўрсатмоқда, одамлар ва жониворлар-нинг касалланишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликни йўқотиш мақсадида 1979-1984 йилларда ҚХМЭИда уруғлик чигитлар юзасига электростатик майдонида химикатларни ўтқизиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди [1]. Ушбу технологияга кўра чигитлар ва химикат зарраларини қарама-қарши ишорали электр зарядлари билан зарядлаб, махсус камерада ўзаро электростатик кучлар ёрдамида таъсирлантириш орқали ишлов берилади. Ўтказилган тад-қиқотлар захарли химикатларнинг чигитлар орасида тақсимланиш маро-мининг 2-3 марта яхшиланиши эвазига захарли моддалар сарфини 30-40% га камайтириш мумкинлигини кўрсатди [2]. Мазкур электрокимёвий техноло-гияни қўллаш электростатик майдоннинг чигитларнинг биологик фаоллигига ижобий таъсир этиши натижасида уларнинг даладаги унувчанлигининг орти-ши, униб чиқиш муддатининг камайиши, ғўзаларнинг ўсиб ривожланиши-нинг тезлашуви натижасида пахта далалари ҳосилдорлигини 3,5- 4,0 ц га ошириш мумкинлигини кўрсатди [3]. Ишланма юқорида кўрсатилган ижо-бий кўрсаткичларига эга бўлиши баробарида уруғлик чигитни экишга тайёр-лаш жараёнини экология учун ўта зарарли химикатлардан буткул халос қи-лиш имконини беролмайди.



1 – расм. Ўта юқори частотали электромагнит майдон ёрдамида уруғлик чигитни зарарсизлантиришнинг технологик схемаси.

Уруғлик чигитни гоммоз ва бошқа касалликлар инфекциясидан эколо-гик жихатдан тоза зарарсизлантириш имконини берувчи усул устида 2003 йилдан бошлаб олиб борилган илмий изланишлар натижаси ўлароқ ўта юқори частотали электромагнит майдонли технология яратилди. Мазкур технологияни амалга оширувчи қурилмани ишлаб чиқиш учун ўта юқори частотали электромагнит майдони айрим катталикларининг ҳозирда районлаштирилган ғўза навлари чигитларининг унувчанлигига таъсирини тадқиқ этиш лозим бўлади [6].

Уруғлик чигитни экологик тоза усулда зарарсизлантириш жараёнида ўта юқори частотали электромагнит майдони (ЎЮЧ ЭММ) унинг ядросида жойлашган муртакка кўрсатадиган таъсири натижасида турли хил биофизик ва биологик ўзгаришлар содир бўлади. Ушбу ўзгаришлар ташқи ЭММнинг миқдори (дозаси)га қараб уруғлик чигитнинг унувчанлиги, резистентлиги ва улардан униб чиқадиган ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига тезлаштирувчи (рағбатлантирувчи) ёки секинлаштирувчи (жабрловчи) таъсир этиши мумкин. Иккинчи ҳолатда ЭММнинг миқдори кескин (критик) катталиқка тенг ёки ундан ошиб кетса чигит ўзининг униш қобилиятини бутунлай йўқотиши ҳам мумкин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЎЮЧ ЭММ ёрдамида уруғлик чигитларга ишлов бериш меъёр ва талаб даражасида бўлишини тақозо этади.

БУҒДОЙНИНГ АЙРИМ КАСАЛЛИКЛАРИНИ УНИНГ ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Ш.Д.Гулмуродова

Тошкент давлат аграр университети

Буғдой касалликлари орасида сариқ занг ва қора муртак ҳосилга зарари бўйича асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ғалла экинлари касалликлар билан ялпи зарарланиши оғир оқибатларга олиб келганлиги тўғрисида деҳқончилик илми тарихида кўп маълумотлар мавжуд. Ўсимликларни эпифитотиялардан ҳимоя қилишнинг замонавий ва ишончли усуллари мавжудлиги туфайли бундай ҳалокатли оқибатлар ҳозирги даврда камроқ кузатилади, аммо ўсимликлар касалликлари бугунги кунда ҳам қишлоқ хўжалигига катта зарар етказмоқда. Мисол учун, сариқ зангнинг кучли эпифитотиялари кузатилган, аммо ҳимоя қилинмаган далаларда 85% гача, касаллик кечроқ бошланган минтақаларда 20-50% гача ҳосил йўқотилиши қайд этилган. Бунинг сабабларидан бири экилаётган 30 га яқин буғдой навларининг барчаси ушбу касалликка ўта чидамсиз экинлигидир.

Олдинги йилларда республикамизда буғдой экиладиган майдонлар кам бўлганлиги туфайли сариқ занг жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган ва унинг кучли эпифитотиялари деярли 50 йил мобайнида фақат 4 марта (1968, 1970, 1978, 1982 йилларда) кузатилган. Сўнгги йилларда буғдой майдонларини кенгайтириш 1999-2010 йиллар давомида сариқ занг эпифитотиялари 5 марта кузатилган (1999, 2001, 2005, 2009, 2010 йиллар) ва катта иқтисодий зарар етказган.

Ўзбекистонда буғдой донлари қора муртак билан зарарланиши кам ўрганилган. Олимлар кузатувларида 2013 йилда Тошкент вилоятининг 5 та туманида 8 та фермер хўжаликларида буғдой далаларидан тўпланган 13 та намунанинг 11 тасида зарарланган донлар мавжуд эканлиги аниқланди. Намуналарда зарарланган дон миқдори 0,9-23% ни, зарарланиш даражалари эса 0,1-1 баллни ташкил қилган. Микологик таҳлилларда дон зарарланиши *Alternaria alternata* кўзғатиши аниқланган.

Сариқ занг (*Puccinia striiformis*) буғдойнинг барглари зарарлайди, кучли ривожланганида барг қини, бошоқ қилтиқлари, бошоқчаларнинг қобиқлари ва донга ўтади. Барглarning устки, камроқ остки тарафида, эпидермис остида, сариқ тусли, узунлиги 1 см дан баргнинг деярли бутун узунлигигача етадиган урединиялардан иборат чизикчалар ҳосил бўлади. Алоҳида ёстиқчалар лимондай сариқ тусли, узунчоқ, баъзан деярли юмалоқ шаклга эга, узунлиги 0,3-2,5 мм, эни 0,2-0,5 мм бўлади. Урединиоспоралар бир хужайрали, деярли юмалоқ шаклли, сарғиш-апелъсин ёки сариқ-кўнғир тусли, диаметри 13-36 мкм, кўпинча 20-30 мкм, қобиғи майда тукчалар билан қопланган, 6-12 та ўсув тешикчалари мавжуд. Ёстиқчаларда катта миқдорда чангсимон споралар ҳосил бўлади ва улар эпидермисни ёриб, ташқарига очилади. Бошоқ қилтиқлари, бошоқчаларнинг қобиқлари ва дон зарарланганида уларнинг устида нуқталар ёки калта чизикчалар шаклидаги, сариқ тусли ёстиқчалар пайдо бўлади.

Ўсимликлар занг билан зарарланишига инфекция манбаси (кўзғатувчи споралар) мавжудлиги, муайян далада экилган буғдой навларининг чидамлилиги даражаси, ўсимликлар бирламчи зарарланиши муддати ва ўсув давридаги об-ҳаво шароитлари таъсир қилади. Сариқ зангни ривожланишини таъминловчи асосий факторлар намлик ва ҳаво ҳарорати ҳисобланади. Буғдой барглари ва бошқа яшил аъзоларига тушган споралар у ерда фақат томчи шаклли намлик (шудринг, ёмғир) ва муайян қулай ҳарорат мавжуд бўлганида ўсади. Сариқ зангни ривожланиши учун оптимал ҳарорат 10-15⁰С ҳисобланади.

Кучли эпифитотиялар кузатилган мавсумларда (2009, 2010 йилларда) сариқ занг майсаларда эрта пайдо бўлган ва апрел ойининг ўрталарида далаларнинг аксариятида касаллик тарқалиши 100% га, зарарланиш даражаси эса 40-50% ва ундан ҳам кўпроққа етган. Ўз вақтида фунгицид билан ҳимояланмаган далаларда занг ривожланиши 90-100% га етиши, ўсимликларнинг бўйи 2-3 баравар паст бўлиб қолиши ва улар барглари тўла йўқотиши, бошоқ ривожланишдан тўхтаб, кичик ва дон пуч бўлиб қолиши мумкин.

Самарали фунгицидларни ўз вақтида меъёрларида қўллаш ўсимликлар ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради, уларнинг яшил рангини узоқроқ (2-3 ҳафтагача) муддат давомида сақлайди, экин ҳосил тўплашини кучайтиради, натижада ҳосилдорлик ошишини таъминлайди. Сариқ занг экинда пайдо бўлиши даври, нав чидамлилиги даражаси, об-ҳаво шароитлари ҳамда фунгицид билан ишлов бериш муддати билан боғлиқ ҳолда кимёвий усул қўлланилган далада касаллик ривожланиши тўхтайдиган ёки тубдан камайдиган, натижада, потенциал ҳосили тахминан 50 ц/га бўлган далада, ишлов берилмаган назоратга нисбатан 2,5-5 центнердан (6-10%) 30-40 центнергача (40-80%) дон нобуд бўлишидан асраб қолинади.

Қора муртак касаллигини *Bipolaris sorokiniana* замбуруғи келтириб чиқаради. Зарарланган доннинг муртак қисмида оч-кўнғир, кучли зарарланганларида тўқ-кўнғир ёки деярли қора тусли доғлар ривожланади. Касаллик белгилари кичик, зўрға кўринадиган доғчалардан то дон устининг 20-30 фоизини қоплайдиган доғларгача бўлиши мумкин. Дон қорайишининг сабаби – муртакда ва унинг атрофидаги тўқималарда (қалқонча, алейрон қатлами, эндосперм ва қобиқларда) замбуруғ мицелийси ривожланишидир. Дон қорайиши даражаси мицелий донга қанчалик чуқур киришига боғлиқ. Зарарланган донларнинг аксарияти физиологик етилмайди, унувчанлиги ва униш энергияси пасаяди. Замбуруғ доннинг ички қисмларига чуқур кирса, дон пуч ёки ярим пуч бўлиб қолади. Дон гуллаш фазасидан мум пишиш давригача зарарланиши мумкин. Гуллаш-дон туғиш даврида (Роумиг шкаласи бўйича 18-22-фазалар) серёмғир, ҳарорат 15-20⁰С дан ва ҳаво намлиги 90% дан юқори бўлган мавсумларда дон кўп зарарланади. Ҳаво намлиги 40, 60 ва 80% бўлганида, мутаносиб равишда, буғдой донларининг 10, 67 ва 89% зарарланиши аниқланган. Кўзғатувчи замбуруғлар ташқи кўриниши соғлом бўлган доннинг устки қисмларида ҳамда, яширин ҳолда, доннинг ички қисмларида мицелий шаклида мавжуд бўлиши мумкин. Сернам иқлимли минтақаларда ички (яширин) инфекция 48-87% гача етиши мумкин.

Тажрибаларда замбуруғ дон унувчанлигини 40-52% га камайитириши аниқланган. Нобуд бўлмаган майсаларнинг илдизлари чириydi, кейинчалик касаллик барг, поя ва бошоққа ўтади. Буларнинг барчаси ҳосил пасайишига олиб келади.

ТОШЛОҚ ЕРЛАР УЧУН ЭКИШ АГРЕГАТИ

Д.С.Омонов


Тошкент давлат аграр университети

Етиштирилаётган экинлардан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришнинг асосий йўналишларидан бири мавжуд суғориладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Маълумки, Республикамизда 300 минг гектарга яқин суғориладиган тошли майдонлар мавжуд бўлиб, уларнинг 30 фоизи асосан ўлчамлари 10 см гача бўлган ўрта ўлчамдаги тошлар билан турли даражада ифлосланган. Улар экиш агрегатларининг сифатли ишлашшига имкон бермайди.

А.З.Генусов маълумотларига кўра ўлчамлари 5-10 см ва ундан кам бўлган тошларни тозалаш, экишга яроқли майдонлар янада кўпайтириб фойдаланиш имконини беради. Тупроқ таркибидаги тошларнинг ўлчамлари 10 см ва ундан катта бўлган ер майдонларда барча турдаги экиш агрегатларининг экичларига тўқнашиб уларни тупроқнинг уст қисмига сакратиб уруғларнинг бир хил чуқурликка экилишига халақит бериши натижасида кўчатларнинг униб чиқиш даражаси 20-25 камайиши аниқланган.

Кейинги йилларда пахта териб олинган ғўза қатор ораларига дон уруғларини экиш жараёнини механизациялашда ҳам фермерларимиз катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Анъанавий экиш агрегатлари тошлоқ ерларга тошларни агрегатнинг экиш қамровидан беда, дон, арпа, мош, шоли ва бошқа доривор экин турларини экишга мўлжалланмаган. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида биз томондан янги экиш агрегати ишлаб чиқилган. Унинг ишлаш технологик жараёнининг схемаси расмда келтирилган.



Расм. Экиш агрегатининг ишлаш жараёни схемаси:

1-бункер, 2-занжирли узатмалар, 3-тўзитгичлар, 4- эластик бармоқ, 5- рама, 6-устун, 7-таянч ғилдираги, 8, 13, 14, 15, 18, 21, 23-кронштейнлар, 9-тошлоқ тупроқ, палахсаси, 10-тош, 11-лемех, 12-экин уруғлари, 16, 19, 20-пружиналар, 17-тош (кесак) сургичлар, 21-уруғўтказгич, 22-чиғиқ, 24-микдорлагич.

Агрегат уруғ бункер 1, занжирли узатмалар 2, тўзитгичлар 3, эластик бармоқлар 4, рама 5, таянч ғилдираги 7, лемех 11, уруғўтказгичлар 21, тешикли чиғиқдан 22, микдорлагич 24 лардан таркиб топган. Лемехнинг 11 тумшук қисми алмашинувчан тарзда ясалган бўлиб тиғи ейилганда бутун лемех эмас, балки унинг тумшук қисмигина алмаштирилиб ёки чархланиб такроран ишлатилиши мумкин.

Агрегат қуйидагича ишлайди. Агрегат ҳаракатга келиши билан тош таркибли ёки йирик кесакли (бундан кейин уларни фақат қаттиқ компонентлар деб қабул қиламиз) тупроқ палахсаси 9 ғалвирли лемехнинг 11 ишчи сирти бўйича силжиб эластик бармоқли 4 тўзитгичлар 3 тагига узатилади. Бу ерда қаттиқ кесакли компонентлар тўзитгичнинг эластик бармоқлари таъсирида майин тупроқ заррачалари кўринишида интенсив тарзда сепарацияланади. Тупроқ таркибидаги тош компонентлари эса лемехнинг аста-секин кенгайиб борувчи тиркишлари орқали лемех тагига қия ўрнатилаган бармоқли сургичлар орқали 4 лемехнинг 11 қамров кенглигидан ташқарига ирғитиб ташланади ёки ажратиб олинган тошлар транспортёр ёрдамида махсус

бункерга (бункер расмда кўрсатилмаган) узатилиб экин майдонидан ташқарига ағдариб ташланади. Уруғ бункери 1 микдорлагичидан 24 узатилаётган беда, дон ёки бошқа экин уруғлари лемех тагига жойлашган найчасимон уруғ ўтказгичлар 21 орқали ўтиб лемех 11 тагида берилган чуқурликда 15 см га тенг қатор оралиғига экилади.

Лемех1 рама 5 устунига депфирловчи пружина19 орқали боғланган. Депфирловчи пружина19 лемехнинг тумшук томонигагирик тошлар тасодифан учраган холларда у агрегатнинг ўқ симметриясига нисбатан ўнг ёки чап томонларга маълум бурчак остида энгашиб тошнинг тиф бўйича сирпаниб лемехдан ташқарига силжитиб синишдан сақлайди.

Таянч ғилдирагига ўрнатилган юлдузчалар блоки экин турларига қараб ҳар хил бурчак тезлигида айланиб уруғ сарфи меъёрининг мақбуллигини таъминлайди.

Демпфирловчи пружинали 19 чигиққа ўрнатилган уруғ экич 21 найчаларини тебратиб уларнинг уруғлар билан тикилиб қолишларининг олдини олади. Эластик бармоқли актив тўзитгичлардан фойдаланиш сепарациялаш жараёни интенсивлигини оширишга экиш агрегат тезлигини анъанавий экиш агрегатларига нисбатан кўпайтириш ҳисобига унинг иш унумдорлигини 1,3-1,5 марта ошириш имконини беради.

Тавсия этилаётган агрегат келажакда пахта терими мавсумидан кейин ғўза қатор ораларига дон уруғларини экиш жараёнини ҳам механизациялашга янги имкониятлар яратади.

Хулосалар:

1. Республикамизда 300 минг гектарга яқин суғориладиган тошлоқ ер майдонларининг мавжуд бўлиб, уларнинг 30 фоизи ўлчамлари 10 см га тенг ўрта ўлчамдаги тошлар билан ифлосланган.

2. Илгари патент даражаларида бажарилган экиш қуролларидаги пассив элементлари тупроқ қаъридаги тошлоқ ерларда ишлашга мўлжалланмаган.

3. Анъанавий экиш агрегатлар таркибидаги пассив бармоқли сепарациялаш элементлари тупроқ таркибидаги тошларни тупроқ палаҳасидан интенсив тарзда ажратиб олишга ва уларни агрегатнинг қамров кенглигидан ташқарига узатиб бера олмайди.

4. Тавсия этилаётган экиш агрегати қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тошлоқ ерларга экишга мўлжалланмаган бўлиб уларнинг унумдорлигини 1,3-1,5 марта ошириш имконини беради.

ОСОБЕННОСТИ ПОСЕВА СЕМЯН СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ И ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ НА КАМЕНИСТЫХ ПОЧВАХ

Д.С.Омонов

Ташкентский государственный аграрный университет

В общем комплексе технологических операций при возделывании сельскохозяйственных культур посеву принадлежит определяющая роль. Уменьшение глубины заделки при излишней глубокой заделке может привести к вымерзанию всходов озимых, изреженности всходов яровых или всходят ослабленные растения, а часть ростков гибнет, так как не может пробиться к свету. По агротехническим требованиям семена должна быть равномерно распределены на заданной глубине. Отклонение фактической нормы высева семян (зерновых, зернобобовых, трав, люцерн, кукурузы, лекарственных и других растений) от заданной допускается не более $\pm 3\%$, а для минеральных удобрений более $\pm 10\%$. Неравномерность высева в рядах не должна превышать для зерновых 6% зернобобовых, 10% при 20%

Высевающие аппараты и другие рабочие органы сеялок не должны

повреждать более 0.2% семян зерновых и более 0.7% семян зернобобовых

Отклонение глубины заделки отдельных семян от средней должна быть не более $\pm 15\%$ что при глубине посева 3....4 см составляет ± 5 см, 4....5 см ± 7 см, при 6....8 см ± 1 см Ширина стыкового междурядья не должна отклоняться от ширины основного более чем на ± 5 см.

Высевающие аппараты сеялок должны отвечать следующим основным агротребованиям: равномерно подавать семена в сошники: обеспечивать устойчивый высев, то есть высевать одинаковое количество семян на 1 м пути независимо от заполнения ящика, рельефа поля, наклона сеялки, изменения скорости движения агрегата: не повреждать семена: бесперебойно высевать семена различных культур, отличающиеся по форме, размерам и по состоянию поверхности.

Существующие высевальные аппараты не отвечают в полной мере этим требованиям, особенно при работе на каменистых почвах. Нами предложен многофункциональный посевной агрегат для работы в условиях каменистых почв. (2, 3) показанных на рис.1.




Рис. 1. Агрегат для посева семян на каменистых почвах.

1-семена растений; 2- камне делитель. 3 – выходное отверстие трубки; 4- лемех, 5 – каменистая почва, 6 – камни, 7 – колковыворошители, 8-цепная передача, 9–замок. 10-вентилятор, 11- гидромешалка,12- резервуар, 13,14,15,16,17,19,20,24-трубки 15- заслонка, 21-вихрявая камера,22- центральная трубка, 23-опорное колесо, 25- подпружиненный выступ. 26-подпружиненная стойка,27–рама;6-перфорированный лемех; 1,В –длина и ширина лемеха и пневмораспределителя; а-уголь наклона лемеха; с- глубина обработки;Va- скорость агрегата q₁- q₂–норма высева семян.

Рабочий процесс агрегата заключается в следующем при рядковом посеве семена через трубки 19 и 20 поступает в полость (А и Б) вихревой 21. Через них семена по семяпроводу подводятся в сопловое отверстие 3 наклонную трубку 24 и далее падают на поверхность заделки. Верхняя часть лемеха 4 перфорирована, поэтому отсепарированные мелкие частицы формирует глубину заделки семян равной с каменистые включения через широкие окна поступают на поверхность камнеудалителя 2 и далее через наклонный транспортёр в бункер агрегата (бункер и транспортёр на рис 1 не показаны). Колковыворошители 7 обеспечивают высокой интенсивности разделения камней 6 от пласта почвы. Агрегат обеспечивают не только посев семян, подкормку, полив растений, но и химическую обработку для борьбы с болезнями и вредителями сельскохозяйственных растений.

Таким образом предлагаемый посевной агрегат расширяет технологические возможности комбинированного агрегата и дает народному хозяйству значительный эффект.

МАШИНАДА ТЕРИМ ТЎЛИҚЛИГИНИ ОШИРИШ

Р.Д.Халилов, М.Р.Джиянов

Тошкент давлат аграр университети


Пахтачилик Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб ҳисобланади. Мазкур тармоқнинг давлат аҳамиятига эга бўлган маҳсулоти – пахта толаси – техник маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини ислохот қилиш ва пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш бўйича прогрессив технологияларни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига катта аҳамият бермоқда.

Пахтачиликда интенсив технологияга асосланган илғор хўжаликлар тажрибаси, гўзани машинабоп қилиб ўстирилганда, ҳосилни эрта етиладиган қилиб парваришлаш ва бошқа агротехника коидаларигатўлариоя қилинганда, етиштирилган ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммасини машиналарда териб олиш мумкин эканлигидан далолат бермоқда. Илғор механизаторларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш пахтани қисқа муддат ичида териб олиш, терим машиналаридан унумли фойдаланиш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда катта имкониятлар очиб беради.

Республикада қайта ишлаб чиқарилаётган МХ-1,8 русумли пахта териш машиналарини фермер хўжаликлари далаларида ишлатиб кўриш натижасида бир қатор камчиликлари мавжудлиги аниқланди. Шулардан бири – пахта хосилининг бир қисми далада қолиб кетаётганлиги, яъни териш аппаратлари пахтани териб олиш тўлиқлиги бўйича талабга жавоб бермаслиги ва машинанинг иш ресурсининг жуда камлигидир. Бу масалани хал қилиш учун муаллифлар томонидан териш аппаратини такомиллаштириш–қабул камерадаги пахтани бункерга етказиб берувчи қисмини яхшилаш таклиф этилди.

Пахта териш машинасининг терим тўлиқлигини ва иш ресурсини ошириш мақсадида куйида келтирилган қатор масалаларни ечиш тавсия этилади. Булардан бири - териш аппаратининг қабул камерасини такомиллаштириш, яъни, териш аппаратининг олди қисмида жойлашган қабул камерасида вентиляторнинг сўриш кучининг маълум қисми кераксиз ишларга сарфланаётганлиги бўлиши мумкин. Яъни вентиляторда хосил қилинаётган хаво оқимининг миқдори, қабул камераси пастки қисмида жойлашган қабул камерага хаво киритувчи дарчанинг ўлчамига, машинанинг ишлаш тезлигига, пахта хосилига ва даланинг тозаллигига боғлиқ холда созланиши керак деб хисоблаймиз. Чунки дала шароитида ўтказилган тажрибаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қабул камеранинг пастки дарчасини қисман бекитиб ишлаганда, бу териш аппарати ёрдамида даладаги пахтани тўлиқроқ териб олиш мумкинлиги тасдиқланди. Лекин дарчанинг катта кичиклигини созлай оладиган даражада бўлишини таъминлаш талаб этилади. Дарчанинг ўлчамини жуда хам кичрайтириш натижасида бункердаги пахтанинг куриган барглар билан ифлосланиши, қабул камерада хўл барглар, шох шаббалар ва узилган кўсақларнинг тиқилиб қолиши холлари кузатилди. Шунинг учун қабул камера дарчасининг катталигини созлаш учун куйидаги расмда кўрсатилгандай мослама таклиф этмоқдамиз.

Бунақа мосламанинг қўлланилиши қабул камерага унинг пастки қисмида жойлашган дарчадан кириб келаётган хаво миқдорини камайтириб, унинг ўрнига керакли бўлган хаво миқдорини шёткали барабанлар жойлашган томондан пахта толаси билан бирга сўриб олиш орқали амалга оширилишини таъминлайди. Бунда **A** ва **B** масофалар йиғиндиси сеткали тўсиқнинг умумий узунлиги хисобланади. Тўсиқ доимо дарчани бекитиб 1-туб кўтаргич, 2-қабул камераси, 3-ҳаракат узатиш қисмининг қапқоғи, 4-редуктор, 5-редуктор вали, 6-териш аппаратининг эшиги туриши учун **A** масофа **B** масофага нисбатан шунчалик даражада катта бўлиши керакки, агар сетканинг



устига кўккўсак ёки шунга ўхшаган оғир жисм тушадиган бўлса, у ўз-ўзидан кўсакнинг оғирлиги таъсирида очилиб кўсакнинг ерга тушиб кетиши учун имкон яратиб бериши, кўсак тушиб кетгандан кейин эса қайтадан яна ўз жойига келиб, дарчанинг бир қисмини сеткали юза билан бекитиши таъминланиши керак. Агар кўсак тўсиқнинг олди қисмига яъни *A* масофа устига тушиб қолгудай бўлса, кўсакнинг думалаб орқа қисмига ўтишини таъминлаш мақсадида тўсиқнинг олди қисми орқа қисмига нисбатан баландроқ қилиб ўрнатилган бўлади.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида МХ-1,8 русумли пахта териш машинасининг конструкциясига таклиф этилган қурилма ва мосламаларни ўрнатилган ҳолда ҳўжалик шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар олинди.

жадвал

Экспериментал пахта териш машинасининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
1	Пахта териш машинасининг маркаси	-	-	МХ-1,8
2	Ишлаш тезлиги	<i>V_{иш}</i>	Км/соат	5
3	Машинанинг смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти	τ	-	0,75
4	Бир соатлик иш уними	<i>W_{соат}</i>	Га/соат	0,675
5	Йиллик юклама:	<i>T_т</i>	Соат	200
6	Хизмат кўрсатувчилар: -тракторчи	<i>L_т</i>	Одам	1
7	Хосилни териш олиш тўлалиги	<i>M_{ср}</i>	%	79,1
8	Бир гектар майдондан олинадиган хосилнинг миқдори	<i>P_х</i>	Ц/га	25,0
9	Экспериментал машина ёрдамида кўшимча териш олинган хосил миқдори	<i>P_қ</i>	кг/га	207

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлишича, таклиф этилган такомиллаштириш натижасида пахтани териш олиш тўлиқлиги ошганлиги ҳисобига ҳар бир гектардан олинадиган хосилнинг миқдори 207 кгга кўпайганлиги аниқланди. Шунингдек, агрегатнинг смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти 0,75 гача кўпайгани сабабли машинанинг бир соатли иш унуми 0,675 га кўпайган.

МУКАММАЛЛАШГАН ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ САМАРАДОРЛИЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

И.А.Аширбеков, М.Р.Джиянов

Тошкент давлат аграр университети

Республикада очилган кўраклардаги пахтани териш олишда кўпроқ вертикал – шпинделли ва горизонтал – шпинделли машиналар ишлатилмоқда. Улардаги асосий ишчи қурилмалардан бири механик шпинделлардир. Ишлаш вақтида шпиндел тишчалари пилта толалари оралиғига кириб бориб олиб олиши билан бирга, уларни цилиндрик ёки конуссимон ишчи сиртларига ўрайди. Лекин уларнинг барқарор ишлаш жараёнлари чекланган, чунки пахта пилталарининг очилган кўрак чанокларига боғланиш кучи сусайган сари, баланд бурчак тезликда айланаётган шпиндел тишчаларининг пахтани олиб ва ўраб олиш ўрнига уларни ташқарига ирғитиб, қўл терими ҳажмини кўпайтириб юборади.


Бу физик ходисанинг моҳиятини шпиндел сиртидаги нуқталар кинематикаси ва шпиндел тишчасининг пахта пилтасига “қадалиш” хусусиятини таҳлил қилиш асосида тушунтиришимиз мумкин. Тишчаларнинг пахта пилталари билан ўзаро таъсири уларнинг кинематикаси билан аниқланади.

Тишчанинг абсолют тезлиги v_{a6} (1.а – расм,) (v_{a6} – машина, шпинделли барабан ва шпинделнинг абсолют тезлиги йиғиндиси) қийматлари бўйича ўзгариб боради. Агар v_{a6} тезлиги тишчанинг ишчи сиртларига таъсир этувчи нормал куч N_1 ва N_2 ларга (1.б - расм) нисбатан ишқаланиш бурчаги φ дан кўп томонга четлашса, у холда тишча пахта пилталари орасига сирпаниб қадалади. Бурчак β ошган сари пахтани илиб олиш майдони катталашади ва унга мутонасиб тарзда аппарат шунча ишловчандир.


Тишчалар томонидан илиб олинган пахта толасини шпиндел ўз сиртига ўраб олади. Ўраб олинган сари толанинг таранглиги ортиб боради ва бу ўралаётган пахта пилтасининг чўзилишига олиб келади. Бу таранглик пилтанинг чанок билан чегаравий боғланиш кучи таъсирда пилталар чанокдан ишончли тарзда ажратиб олинади. Бундан кўринадики, пилтанинг чанокдаги кучи F_6 чекли. У оптимал даражадан камайиши билан тишли механик шпинделларнинг ишлаш қобилияти аста – секин камайиш тенденциясига эга.

Тезпишар ва серхосил пахта навларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниши ушбу муаммонинг бугунги кунда янада долзарб ва истикболлигини табора ошириб бормоқда.

Ушбу муаммони хал қилиш мақсадида биз томондан терим технологияси такомиллаштирилди ва Тошкент шаҳридаги “Технолог-стан” заводи билан ўзаро инновацион ҳамкорлик асосида мукамаллашган янги экспериментал МХ–1,8П (бу ерда п – пневматик тарзда ишловчи) пахта териш машинаси тавсия этилди. Машина иккита суриш карнайларидан, иккита жуфт шпинделли барабанлардан ва кирланган шпинделларни гидромеханик тарзда автоматик тозалаш тизимидан таркиб топган бўлиб ундаги бошқа ишчи қурилмалари анъанавий пахта териш машиналари (МХ – 1,8) билан тўлиқ унификацияланган. Бундан ташқари 15 та шпинделли барабанли вариантида 120 та ўрнига 60 та шпиндел ўрнатилиши янги машинанинг металл сиғимлиги ва харид нархининг анча пасайганини алоҳида таъкидлаш лозим.




1-расм. Шпиндел сиртидаги нуқталар кинематикаси (а) ва тишчаларнинг пахтага ишончли қадалишини асослашга оид схема (б): 1- шпинделли барабан элементи; 2- механик шпиндел; 3- пахта пилтаси.



2-расм. Мукаммаллашган МХ–1,8П машинасининг технологик иш жараёни схемаси; 1- сўриш аппарати; 2-актив қабул камераси; 3-ажраткич; 4-шпинделли барабан; 5,7-тескари ва тўғри айлантурувчи колодка; 6-механик шпиндел; 8-тозалаш механизми; 9-бармоқли-эксцентрикли тебраткич; 10-шоҳ кўтаргич.

Тезпишар пахта навларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниши терим технологиясини такомиллаштиришда янгича ёндошишни талаб қилади. Бажарилган илмий изланишлар таҳлили асосида энг самарали йўл пневмодинамик терим технологиясини ишлаб чиқиш ғояси асос қилиб олинди ва асосий ишчи муҳит сифатида эжекцияловчи локал ҳаво оқимининг кинетик энергияси қабул қилинди. Кўп карнайли ва бармоқли – эксцентрикли пахта териш аппаратлари чаноқ билан боғланиш кучи паст бўлган пахта пилталарини териб олишга мўлжалланган. Машина олдига ўрнатилган сўриш тизими пахта-хомашёсини фақат пневмадинамик усулда ҳам териб олиши мумкин.

Карнай шаклини овалсимон тарзда ясалиши мақбул деб топилди.



3-расм. Пневматик териш аппарати (а): 1- ҳаво қузури; 2- карнай; 3- эксцентрикли най; 4- қозиксимон эксцентрикли вал; 5- йўналтиргич; 6- пахта пилтаси; б-карнай шаклини танлашга оид схема; в - пахта пилтаси атрофида локал ҳаво “ёстикчасини” шаклланишиш схемаси; г-сферик пилта атрофида оқим тезлигининг тақсимланиши.

Карнайларнинг сфериклик даражасини қуйидагича аниқланишимиз мумкин:

$$K_c = \frac{\eta d_{пл}}{\mu_0 d_{ок}} \quad (1)$$

бу ерда η ва μ_0 -конструктив томондан қабул қилинадиган коэффициентлар ($\eta = 45 \dots 2,0$; $\mu_0 = 0,7 \dots 80$); $d_{пл}$, $d_{ок}$ - пахта пилтаси ва очилган кўракнинг ўртача диаметри.

Овалсимон шаклдаги карнайлар ишлаш жараёнида очилган куракларни ўтказмасдан уларда кам куч остида боғланган пилталаринигина ишончли суғуриб олиши билан бирга ён томондан ўраб ўтилатган ҳаво оқими таркибида турбилизацион эффектни шакллантириб, уларнинг текилиб қолишларининг олдини олади.

Ўраб ўтаётган турбилизацион локад ҳаво оқими хар бир пилта атрофида қалинлиги h -га тенг (3.2 - расм) ҳаво “ёстикча” сини ҳосил қилади.

$$h = E + e \cos \beta, \quad (2)$$

Л.Г. Лойцянскийга [5] асосан, карнайдан ўтаётган сферик пахта пилтаси маркази бўйича таъсир этувчи бош векторни қуйидаги ифода билан аниқлаймиз:

$$F = \frac{12 \pi \mu R}{E^2 (2 + \lambda^2) \sqrt{1 - \lambda^2}}, \quad (3)$$

бу ерда μ – локал ҳаво оқимининг динамик ёпишқоқлик коэффициентини; R – пахта пилтасининг ўртача радиуси; $\lambda = \frac{e}{E} = \frac{e}{R^2 - R}$ - сферик пилта эксцентриклигини ҳисобга олувчи коэффициент.

Сферик пилта сирти бўйича тақсимланадиган локал ҳаво оқими тезлиги ва босимини тавсифловчи ифодаларни қуйидагича аниқлаймиз.

$$v_{\theta} = 3/2 v_{\infty} \sin \beta, \quad (4)$$

$\beta = \pi / 2$ ҳолати учун

$$(v_{\theta})_{\max} = 3/2 v_{\infty}. \quad (5)$$

Бернулли теоремасига асосан ;

$$P - \int \frac{v^2}{2} = P_{\infty} + \int \frac{v_{\infty}^2}{2}, \quad (6)$$

босим коэффициентини эса

$$C_p = \frac{P - P_{\infty}}{\frac{1}{2} \rho v_{\infty}^2} = 1 - \frac{9}{4} \sin^2 \beta. \quad (7)$$

Булардан кўинадики, карнай ичкарида содир бўлаётган манфий ишорадаги босим Δp , сурилаётган ҳар бир пахта пилтасига $\rho \frac{v_{\infty}^2}{2} * C_p$ га тенг кинетик энергия билан таъсир этиб, уларни машина бункерига ишончли элтиб беришга имкон беради.

Суриш эффекти билан бирга механик шпинделлардан фойдаланиш технологияси машиналарнинг металл сиғимлилигини камайитиришдан ташқари кирланган шпинделларни гидромеханик усулда тозалаш ҳисобига машина терим тўлиқлигини ҳамда иш унимини оширишга янги имкониятлар яратади. Янги терим технологияси ва сратегиясини қўллаш орқали машина теришга кўсақлар 50-60% очилганда эмас, балки 80-85% ва бундан баланд очилганда киришишга янги имкониятлар очиб беради. Пахта терим машиналарини соддалаштириш ва унификациялаш орқали, уларни ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига сарфланадиган ресурслар тежаллади. Буларнинг барчаси республикаимиз халқ хўжалиги учун катта техник – иқтисодий самара беради.

Хулосалар:

1. Тезпишар ва серҳосил пахта навларнинг жорий қилиниши пахта пилталарининг чанок билан боғланиш кучларини пасайтирган ҳолда ўзидан-ўзи ажралиб ташланиш эффектнинг табора ортиб бориш тенденциясига эга.
2. Тавсия этилаётган мукаммаллашган экспериментал МХ – 1,8 П пахта териш машинаси ўзидан-ўзи ажралиб ташланиш ҳодисасининг олдини олишдан ташқари машина конструкциясини тубдан соддалаштиради, массасини камайтиради ва иш унимини оширади.
3. Математик моделлар пневматик териш аппарати ишчи камерасида содир бўладиган локал “ҳаво ёстикчаси”, нинг ҳамда аппарат карнайлари олдида шакиллантириладиган турбулизицион эффектларнинг физик мохиятларини очишга имкон берди.
4. Овалсимон шаклдаги карнай ва кирланган шпинделларни гидромеханик усулда автоматик тозалаш тизимидан фойдаланиш терим тўлиқлигини таъминлашга ва машинанинг кунлик иш унимини оширишга имкон беради.

МАШИНА-ТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИ КИНЕМАТИКАСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

З.М.Шерматова

Тошкент давлат аграр университети

Технологик операцияларни бажариш давомида машина-трактор агрегатларининг кинематикаси (ҳаракатланиши) ишчи ва салт юришлардан ташкил топади. Ишчи юриш машина-трактор агрегатларининг иш бажариш ҳолатидаги юришни ифодаласа, салт юриш ишчи органлар транспорт ҳолатида бўлган вазиятни, яъний бурилишлар, ўтишларни ўзида акс эттиради.

Агрегатларнинг кинематикаси (ҳаракатланиши) ишлов бериладиган картада, турли хил майдонга ва турли хил конфигурацияга эга бўлган экин майдонларида амалга оширилади. С.А.Иофинов томонидан назарий жиҳатдан асослангани каби, ишлов бериш картасининг узунлиги суғорилмайдиган (лалми) дехкончилик шароитида қуйидаги кўринишда бўлиши назарда тутилади:

$$A \approx (100 - 130) R_0 \quad (1)$$

бу ерда R_0 – агрегатнинг бурилиш радиуси, м.

Занжирли тракторлар билан агрегатланадиган ҳайдов агрегати учун корпуслар сони 8-10 та бўлганида ишлов бериш картасининг узунлиги $A = 900-1100$ м, корпуслар сони 4-5та бўлган ҳолатда $A = 700-900$ м қийматлари белгиланган.

Суғориладиган пахтачилик шароитларида суъний суғориш ишлов бериш картаси ўлчамларига ўз таъсирини кўрсатади ва умуман олганда хўжалик ҳудудининг ташкиллаштирилишига таъсир этади. Ушбу масалани ўрганиш машина-трактор агрегатларининг ишлаб чиқаришга оид ишлари нуқтаи назаридан шуни кўрсатадики, ишлов бериш картасининг нисбатан тўғри ҳолатдаги шакли – томонлари бўйича тўғри тўртбурчак ҳолатида бўлган вазият ҳисобланади:

$$\frac{A}{B} = 5 - 7, \quad (2)$$

бу ерда B - ишлов бериладиган карта кенглиги, м.

Ишлов бериш картаси майдонлари 15-20 га бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Экин майдонларининг навбатдаги кенгайтирилиши иқтисодий самарадорликка эга ҳисобланмайди. Ҳисоблашлар натижалари кўрсатишича, ишлов бериш картасининг оптимал узунлиги қуйидаги оралиқлар қийматларида бўлиши талаб қилинади:

- 15 га майдонга эга картада $A = 850$ м, карта кенглиги $B = 170$ м.
- карта майдони 20 га ҳолатда карта узунлиги $A = 1100$ м, карта кенглиги $B = 180$ м.

Ишлов бериш картаси элементлари. Ишлов бериш картаси – бу доимий ҳисобланган, суғориш каналлари билан чегараланган, бирламчи ҳудудий бирлик бўлиб, битта турдаги қишлоқ хўжалиги экин тури экиладиган майдонлардан ташкил топган, суғориладиган ва битта ёки иккита йўналишда машина-трактор агрегатлари билан ишлов бериладиган экин майдонларини акс эттиради.

Ишлов бериш картасининг геометрик жиҳатдан шакли ҳаракатланишнинг нисбатан оқилона усулларидан фойдаланиш имконини бериши, бурилиш йўлаклари нисбатан кам майдонларни ташкил қилиши, қишлоқ хўжалиги экинларини экишда эса ўсимликларнинг шамол таъсиридан ҳимояланишини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Карта (пайкал) узунлиги A ҳарфи билан белгиланади.

Ишчи йўлнинг узунлиги A_p билан белгиланиб, қуйидагига тенг:

$$A_p = A - 2E, \quad (3)$$

бу ерда E – бурилиш йўлагининг эни, м.

Шундай қилиб, агрегат кинематикаси, машина-трактор агрегатлари ҳаракатининг самарали усулларини асослаш ва далани тайёрлашда қуйидаги асосий талабларни ҳисобга олишдан иборат: ишнинг юқори сифатли бажарилиши; энг юқори иш унумига, бажариладиган иш бирлигига ёнилғи ва бошқа ресурсларнинг энг кам сарфи орқали эришиш; механизаторларни хавфсиз иш шароити билан таъминлаш; атроф муҳитга кам салбий таъсир кўрсатиш (тупрокка, ўсимликка ва бошқалар).

ЗИРК БИОХИЛМАХИЛЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ШАКЛЛАРИНИ ТАНЛАШ

Ф.М. Чоршанбиев

Тошкент давлат аграр университети

Марказий Осиёда табиий тарқалган 8 та зирк турини 3 таси Ўзбекистон ҳудудининг тоғли қисмида учрайди: қорақанд зирк (*Berberis oblonga*) қизил зирк (*B. integerrima*) ва тангасимон зирк (*B. nummularia*). Ушбу зирк турлари табиатда 2,5-3,0 (3,5) м баландликдаги буталар кўринишида ўсадилар. Қорақанд зирк муътадил иқлимли юқори тоғ зонасини хуш кўрса (1500-3200 м), қизил ва тангасимон зирк иссиқсевар ва тоғ дарёлари водийлари бўйлаб 600-700 м баландликдаги тоғолди ҳудудларга дарё водийлари бўйлаб тушган. (Норин, Зарафшон дарёси).

Қорақанд зирк мевасига аҳоли талаби юкори, у доривор ва зиравор сифатида кенг ишлатилади, қизил ва тангасимон зирк мевалари қисман терилади. Зирк популяцияларида ўтказилган танлаш ишларида асосан йирик мевалилик ва серҳосиллик каби хусусиятларга эътибор қаратилди, чунки айнан зирк мевасидан олинадиган мева шарбатида витаминлар ва биологик фаол моддалар мавжуддир.

Назорат вариантлар сифатида қорақанд ва қизил зиркнинг табиатда кенг тарқалган оддий буталаридан терилган мевалар ва уруғларидан фойдаланилди. Зирк мевалари табиатда турлича шаклда ва рангда бўлиши қайд этилди.

Қорақанд зирк мевалари чўзинчоқ, бочкасимон кўринишда ва тўқ-қора рангда бўлса қизил зирк мевалари тўқ қизил, қизил пушти, сиёҳранг бўлиб, чўзинчоқ эллипсимон шаклда бўлиши кузатилди. Тангасимон зирк мевалари ёрқин оч пушти қизил рангда ва шарсимон шаклда бўлишлиги қайд этилди. Меваларни сифат кўрсаткичларидан бири – 100 дона мевасининг оғирлигидир. Куйида танланган зирк шакллари ҳақида маълумотлар келтирилади.

1-жадвал

Зиркнинг мева узунлиги таҳлили

№	Танланган шакллари	Ўртача кўрсаткич			Статистик таҳлил					
					Σ	V	p	N	Назоратга нисбатан, %	Назорат ва вариантлар орасидаги фарқ, t
1	Назорат	8,2	±	0,08	0,5	6,5	1,0	41	100	0,0
2	Сижжак -1	5,9	±	0,05	0,3	5,6	0,9	41	71,3	-24,0
3	Сижжак - 2	9,0	±	0,13	0,8	9,2	1,4	41	109,8	5,2
4	Сижжак - 3	12,4	±	0,08	0,5	4,0	0,6	41	150,6	36,4
5	Боғистон - 4	11,9	±	0,11	0,7	6,0	0,9	41	144,7	26,2
6	Нанай - 5	10,2	±	0,07	0,4	4,1	0,6	41	124	18,6
7	Чимган - 6	10,2	±	0,06	0,4	3,9	0,6	41	123,7	18,6
8	Чимган - 7	10,7	±	0,13	0,8	7,9	1,2	41	129,9	15,8
9	Чимган - 8	11,6	±	0,08	0,5	4,7	0,7	41	140,8	28,2
10	Чимган - 9	10,7	±	0,10	0,7	6,3	1,0	41	130,2	18,5
11	Чимган - 10	11,9	±	0,14	0,9	7,4	1,2	41	143,8	22,4

2-жадвал

Зиркнинг мева диаметри таҳлили

№	Танланган шакллар	Ўртача кўрсаткич			Статистик таҳлил					
					Σ	V	p	N	Назоратга нисбатан, %	Назорат ва вариантлар орасидаги фарқ, t
1	Назорат	6,6	±	0,11	0,7	10,5	1,6	41	100	0,0
2	Сижжак -1	7,1	±	0,13	0,8	11,5	1,8	41	107,7	3,0
3	Сижжак - 2	5,6	±	0,10	0,6	11,1	1,7	41	83,8	-7,4
4	Сижжак - 3	6,3	±	0,09	0,6	9,6	1,5	41	94,9	-2,4
5	Боғистон - 4	5,6	±	0,08	0,5	8,8	1,4	41	84,6	-7,7
6	Нанай - 5	7,9	±	0,11	0,7	9,1	1,4	41	118,8	8,0
7	Чимган - 6	7,7	±	0,10	0,6	8,1	1,3	41	115,4	7,0
8	Чимган - 7	6,9	±	0,09	0,6	8,4	1,3	41	103,3	1,6
9	Чимган - 8	6,6	±	0,08	0,5	7,6	1,2	41	99,3	-0,4
10	Чимган - 9	6,2	±	0,09	0,6	9,7	1,5	41	93,4	-3,1
11	Чимган - 10	7,7	±	0,13	0,8	10,5	1,6	41	116,3	6,5

Сижжак-1 шакли. Тангасимон зиркнинг серҳосил бутаси бўлиб, Сижжак Ўрмон бўлими қарағайзордаги дала ҳовли ёнида жанубий тоғ ёнбағрида ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 3,0

м, ўртача ҳосилдорлиги 5,5 кг. Мевалари қизғиш пушти, шарсимон 5,9±0,05 мм диаметрга эга. 100 та резавор мевасининг оғирлиги 14,5 г. 1 кг мевасида шарбат чиқиши 73,5 % 1000 та уруғининг оғирлиги 11,5 г.

3-жадвал

Зиркнинг мева оғирлиги таҳлили

№	Танланган шакллар	Ўртача кўрсаткич			Статистик таҳлил					
					Σ	V	p	N	Назоратга нисбатан, %	Назорат ва вариантлар орасидаги фарқ, t
1	Назорат	0,2	±	0,00	0,0	12,5	2,0	41	100	0,0
2	Сижжак -1	0,1	±	0,00	0,0	19,1	3,0	41	60,7	-14,8
3	Сижжак - 2	0,2	±	0,00	0,0	10,9	1,7	41	87,9	-4,9
4	Сижжак - 3	0,3	±	0,00	0,0	10,3	1,6	41	129,6	10,3
5	Боғистон - 4	0,2	±	0,00	0,0	11,6	1,8	41	111,8	4,2
6	Нанай - 5	0,3	±	0,01	0,0	13,8	2,2	41	151	13,4
7	Чимган - 6	0,4	±	0,01	0,1	13,4	2,1	41	188,6	20,2
8	Чимган - 7	0,2	±	0,01	0,0	18,7	2,9	41	112,9	3,4
9	Чимган - 8	0,3	±	0,01	0,0	13,6	2,1	41	138,5	10,9
10	Чимган - 9	0,2	±	0,01	0,0	13,8	2,2	41	110	3,2
11	Чимган - 10	0,5	±	0,02	0,1	19,0	3,0	40	239,4	18,7

4-жадвал

Зирк мевасидаги уруғлар сони таҳлили

№	Танланган шакллар	Ўртача кўрсаткич			Статистик таҳлил					
					Σ	V	p	N	Назоратга нисбатан, %	Назорат ва вариантлар орасидаги фарқ, t
1	Назорат	2,9	±	0,09	0,6	20,8	3,3	41	100	0,0
2	Сижжак -1	2,1	±	0,12	0,8	38,1	6,0	41	72,9	-5,0
3	Сижжак - 2	2,0	±	0,12	0,7	37,1	5,8	41	69,5	-5,9
4	Сижжак - 3	1,0	±	0,00	0,0	0,0	0,0	41	34,7	-20,0
5	Боғистон - 4	2,5	±	0,08	0,5	20,1	3,1	41	87,3	-3,0
6	Нанай - 5	1,7	±	0,07	0,5	28,9	4,5	41	57,6	-10,2
7	Чимган - 6	2,1	±	0,11	0,7	33,1	5,2	41	72	-5,7
8	Чимган - 7	2,2	±	0,06	0,4	18,3	2,9	41	76,3	-6,1
9	Чимган - 8	2,5	±	0,10	0,6	25,4	4,0	41	87,3	-2,7
10	Чимган - 9	1,5	±	0,08	0,5	34,0	5,3	41	51,7	-11,3
11	Чимган - 10	2,5	±	0,08	0,5	20,6	3,3	40	85,1	-3,5

Сижжак-2 шакли. Қизил зиркнинг серхосил йирик мевали бутаси бўлиб, Сижжак 1 шаклдан 15 м юқорирокда ўсиб турибди. Бута баландлиги 2,8 м, ўртача ҳосилдорлиги 3,5 кг. Меваси тўқ қизил рангда, чўзинчоқ 9,0±0,13 мм узунликка эга. 100 та мевасининг оғирлиги 18 г. 1 кг янги терилган мевасидан 68,5 % шарбат чиқади. 1000 та уруғлари оғирлиги 15,5 г.

Сижжак-3 шакли. Қорақанд зиркнинг кечпишар йирик мевали шакли бўлиб, унинг бутаси Сижжаксойнинг ўнг қирғоғи ёнғоқзор террасада (Конда адири) ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 2,5 м, ўртача ҳосилдорлиги 3 кг. Мевасининг узунлиги 12,4±0,08 мм, 100 та мевасининг оғирлиги 29,5 г. 1 кг мевасидан 72,5 % шарбат ажратиш олиш мумкин. 1000 та уруғлари оғирлиги 37,4 г.

Зиркнинг уруғ узунлиги таҳлили

№	Танланган шакллар	Ўртача кўрсаткич			Статистик таҳлил					
					Σ	V	p	N	Назоратга нисбатан, %	Назорат ва вариантлар орасидаги фарқ, t
1	Назорат	5,7	±	0,07	0,5	8,3	1,3	41	100	0,0
2	Сижжак -1	4,3	±	0,07	0,4	10,5	1,6	41	75,1	-13,9
3	Сижжак - 2	6,0	±	0,13	0,8	14,0	2,2	41	104,7	1,8
4	Сижжак - 3	8,0	±	0,03	0,2	2,7	0,4	41	141,6	29,2
5	Боғистон - 4	6,4	±	0,08	0,5	7,8	1,2	41	113,3	7,0
6	Нанай - 5	6,8	±	0,10	0,7	9,6	1,5	41	119,3	8,7
7	Чимган - 6	6,4	±	0,10	0,6	9,9	1,5	41	113,3	6,1
8	Чимган - 7	6,3	±	0,07	0,5	7,3	1,1	41	110,7	5,9
9	Чимган - 8	5,8	±	0,06	0,4	6,5	1,0	41	102,6	1,5
10	Чимган - 9	6,5	±	0,08	0,5	7,7	1,2	41	115	7,9
11	Чимган - 10	7,0	±	0,08	0,5	7,1	1,1	41	122,7	12,0

Боғистон-4 шакли. Қорақанд зиркнинг йирик мевали бутаси бўлиб, Боғистон қишлоғида Ҳакимов Холмуроднинг томорқасида ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 3,2 м ўртача ҳосилдорлиги 4.8 г.

Меваси тўқ кўк-қора узунлиги 11,9±0,11 мм, 100 та мевасининг оғирлиги 25.2 г. 1 кг мевасидан 67,8 % шарбат олиш мумкин. 1000 та уруғининг оғирлиги 28.1 г.

Нанай-5 шакли. Қизил зирк турининг йирик мевали бутаси бўлиб, Нанай қишлоғининг эски автомобил йўли чеккасида темир симёғоч яқинида ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 3,3 м, ўртача ҳосилдорлиги 4,3 кг. Меваси қизғиш-пушти, 10,2±0,07 мм узунликда бўлиб, 100 та мевасининг оғирлиги 31,4 г келади. 1 кг мевасидан 65 % шарбат олиш мумкин. 1000 та уруғларининг оғирлиги 32,1 г.

6-жадвал

Зиркнинг уруғ диаметри таҳлили

№	Танланган шакллар	Ўртача кўрсаткич			Статистик таҳлил					
					Σ	V	p	N	Назоратга нисбатан, %	Назорат ва вариантлар орасидаги фарқ, t
1	Назорат	2,4	±	0,08	0,5	20,6	3,2	41	100	0,0
2	Сижжак -1	3,2	±	0,03	0,2	5,3	0,8	41	134,9	10,3
3	Сижжак - 2	2,9	±	0,07	0,5	15,6	2,4	41	123,1	5,3
4	Сижжак - 3	3,0	±	0,00	0,0	0,0	0,0	41	126,8	8,3
5	Боғистон - 4	2,8	±	0,07	0,4	15,1	2,4	41	117,5	4,1
6	Нанай - 5	2,8	±	0,06	0,4	13,5	2,1	41	119,6	4,8
7	Чимган - 6	2,7	±	0,07	0,5	17,0	2,7	41	114,4	3,3
8	Чимган - 7	2,0	±	0,00	0,0	0,0	0,0	41	84,5	-4,8
9	Чимган - 8	2,5	±	0,08	0,5	20,1	3,1	41	106,2	1,3
10	Чимган - 9	2,6	±	0,08	0,5	18,5	2,9	41	111,3	2,5
11	Чимган - 10	3,3	±	0,05	0,3	8,9	1,4	41	141,4	11,0

Чимган-6 шакли. Қорақанд зирк турининг йирик мевали бутаси бўлиб, Чимган тоғ-чанғи комплексига етмасдан, самолёт қўйилган дам олиш зонаси ёнида ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 2,8 м, ўртача ҳосилдорлиги 2,7 кг. Меваси тўқ кўк-қора рангда бўлиб, узунлиги 10,2±0,06 мм. 100 та мевасининг оғирлиги 38,7 г. 1 кг меваларидан 71,3 % шарбат ажратиш олиш мумкин. 1000 дона уруғи оғирлиги 21,1 граммга тенг.

Чимган-7 шакли. Қорақанд зирк турининг йирик мевали бутаси бўлиб, сой ўзанидаги оралиғида ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 2,7 м, ўртача ҳосилдорлиги 3,8 кг. Мевалари чўзинчок тўқ кўк-қора рангда бўлиб, узунлиги $10,7\pm 0,13$ мм, диаметри $6,9\pm 0,09$ мм. 100 та мевасининг оғирлиги 24,8 г. 1 кг янги терилган меваларидан 69 % шарбат олиш мумкин. 1000 дона уруғининг оғирлиги 17,5 граммга тенг.

Чимган-8 шакли. Қорақанд зирк турига тегишли бўлиб, Чимган 7 шаклига яқин 3 танали арча дарахтидан 10 м масофада ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 3,6 м, ўртача ҳосилдорлиги 3,4 кг. Мевалари йирик кўк-қора рангда бўлиб, $11,6\pm 0,08$ мм узунликка эга. 100 дона мевасининг оғирлиги 30,1 кг келади. 1 кг мевасидан 68 % шарбат олиш мумкин. 1000 дона уруғининг оғирлиги 21,2 граммга тенг.

Чимган-9 шакли. Қорақанд зирк турига тегишли бўлиб, чанғи-канат йўли олдидаги Чимгансой бўйлаб сўқмоқ йўлда Семенов зарангидан 15 м масофада ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 2,8 м, ўртача ҳосилдорлиги 4,1 кг. Меваси тўқ кўк-қора рангда бўлиб, $10,7\pm 0,10$ мм узунликда. 100 та мевасининг оғирлиги 24,2 г. 1 кг мевасидан 70,1 % шарбат олиш мумкин. 1000 дона уруғининг оғирлиги 29,1 г.

Чимган-10 шакли. Қорақанд зиркнинг энг йирик мевали шакли бўлиб, Сижжак қишлоғи Наволисой ўрта оқимида Кўкдала дараси ёнида Жумаев Алимбойга тегишли асалари уяларидан юқоридаги қоятош остида ўсиб турибди. Бутанинг баландлиги 2,5 м, ўртача ҳосилдорлиги 3,3 кг. Мевалари тўқ кўк-қора рангда, чўзинчок, $11,9\pm 0,14$ мм узунликка ва $7,7\pm 0,13$ мм диаметрда эга. 100 дона мевасининг оғирлиги 41,5 г. 1 кг меваларидан 64 % шарбат олиш мумкин. Йирик мевалар бўлганлиги сабабли, уруғлари ҳам йирик, ($7,0\pm 0,08$ мм узунликда ва $3,3\pm 0,05$ мм диаметрда эга). 1000 дона уруғларининг оғирлиги 20,5 г келади.

Ушбу кўрсаткичга кўра қорақанд зирк тури пешқадамлик қилади (24,8-41,5 г). Меваларини йириклиги бўйига Сижжак - 3 ($12,4\pm 0,08$ узунликда ва $6,3\pm 0,09$ мм диаметрда) шакли, Боғистон – 4 шакли ($11,9\pm 0,11$ мм ва $5,6\pm 0,08$ мм), Чимган – 8 шакли ($11,6\pm 0,08$ мм ва $6,6\pm 0,08$ мм), Сижжак – 10 шаклини ($11,9\pm 0,14$ ва $7,7\pm 0,13$ мм) алоҳида кўрсатиш мумкин.

100 дона мева оғирлигига кўра Чимган – 6 (38,7 г) ва Сижжак – 10 (41,5 г) шаклларининг мевалари жуда йириклиги билан ажралиб турибди. Сижжак 10 шаклининг уруғлари кўчатзорга экилган ва 1 йиллик уруғкўчатлари яхши ўсиб турибди. Зирк шакллари 1 кг мевасидан шарбат чиқишига кўра ҳам баҳоланди. Барча шаклларда 64-73,5 % шарбат чиқиши имкониятлари мавжуд.

Зиркларнинг 1000 дона уруғи оғирлигига кўра Сижжак – 3 шакли (37,4 г) Нанай – 5 шакли (32,1 г) ва Чимган – 9 шаклини (29,1 г) кўрсатиш мумкин. Тиканлар билан қопланганлик даражаси ўртача. Буталарнинг ўрта ҳосилдорлиги 3-5,5 кг атрофида. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра Сижжак-1, Чимган-7, Чимган-8, Сижжак -10 шакллари истиқболли шакл сифатида ажратилди.

МОЙЛИ КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИНГ УРУҒ ҲОСИЛИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

С.С.Тоғасева, С.Файзуллаева, Б.Норбўтаева

Тошкент давлат аграр университети

Ўсимлик мойлари хайвон ёғлари билан бир қаторда озиқ-овқат аҳамиятига эга. Ўсимлик мойи бевосита озиқ-овқатга ишлатилади ва консерва, қандолатчиликда, нон тайёрлашда, шунингдек маргарин, олиф, стеарин, линолеум, лак, бўёқ саноатида, мойлаш материали сифатида, медицинада фойдаланилади. Уларнинг кўпчилиги қимматли асал берувчи ўсимлик.

Кунгабоқар уруғида 50-54% ярим курийдиган сифатли мой сақланади. Унинг мойидан бевосита озиқ-овқатга, балиқ, сабзавот консерваларини тайёрлашда, маргарин, нон ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Кунгабоқарнинг мойида – линол ва олеин, тўйинмаган ёғ кислоталари кўп бўлиб уларнинг таркиби 75-80% олеин ва 12-17 % линол кислоталари сақланади. Бундай мойлар сифатига кўра зайтун ёғига яқин туради. Уруғларни мой олиш учун қайта ишлашда 33-35% юқори сифатли кунжара олинади. Кунжараси алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга бой.

Кунгабоқар етиштириш мой масаласини ҳал қилиш билан бирга, озиқ-овқатга доғланмаган (қиздирилмаган), тозаланган салат, ўсимлик мойларини ишлатиш инсон организмидага холестерин моддаси тўпланишининг олдини олади, қон томирларининг эластиклигини оширади, қаришнинг олдини олади ва соғлигини тиклаб мустаҳкамлайди. Бу

борада олиб борилган илмий - тадқиқот ишларидан олинган натижалар таҳлил этилганда қишлоқ хўжалиги аҳолини муҳим оқсилга бой мой билан таъминлаш, турли хил тупроқ - иқлим - шароитларида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг илғор технологияларни яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш каби қишлоқ хўжалигидаги муҳим ва долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Шуни назарга тутиб кунгабоқарнинг янада юқори ва сифатли ҳосил олинишини таъминлайдиган янги замонавий етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу муаммоларни ечиш учун илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги ғалла экинларидан бўшаган далаларга мойли кунгабоқардан сифатли уруғ ҳосили олишнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш ва ем-хашак базасини мустаҳкамлашда ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида 2015 йилда ТошДАУнинг кичик тажриба станциясида илмий тажрибалар олиб бордик.

Тажриба даласи ўтмишдош экиндан бўшагандан кейин тозаланди ва суғорилди, кейин плуг билан ҳайдалиб, борона ва мола босилди. 70 см кенгликда эгатлар олиниб, вариантлар ва такрорланишлар махсус иплар ва қозиклар ёрдамида ажратилиб чиқилди. Экиш схемаси аниқ бўлиши учун махсус белгиланган таёқчалардан (маркер) фойдаланилди.

Тажрибада мойли кунгабоқарнинг тезпишар Жаҳонгир, Родник навлари 15 июн ва 1 июл кунлари 70x30, 70x35 схемаларда экилди. Дала тажрибасида навларнинг ўсув даври давомийлигини баҳолаш учун фенологик кузатишлар, ўсимликлар морфологик қисмларининг ўзгаришини ўрганиш учун биометрик ўлчашлар Ўсимликшунослик ИТИ ва мойли экинлар тадқиқоти станциясининг усулларида, барг сатҳининг юзаси Губенко жадвали ёрдамида, навларнинг маҳсулдорлиги (ўсимликдаги саватчалар сони, диаметри, оғирлиги, ундаги уруғлар сони ва оғирлиги, 1000 та уруғ оғирлиги, саватчалардан уруғ чиқиши ўлчаш, санаш ва электрон тарозида тортиш йўли билан) аниқланди.

Родник навида ўсимлик бўйи (187,5-202,7 см) Жаҳонгир навида нисбатан (148,0-160,9 см) иккала муддат ва схемаларда баланд бўлиши кузатилди

Кунгабоқар маҳсулдорлиги ошишида битта ўсимликдаги барглarning шаклланиши ва барг юзасининг сатҳи катта аҳамиятга эга, чунки барглarning сатҳи йирик бўлса, унда кечаётган фотосинтез жараёни туфайли ўсимликнинг репродуктив органларида органик модданинг ҳосил бўлиши шунчалик кўп миқдорда амалга ошади. Бизнинг тажрибада битта ўсимликдаги барглар сони эрта (15 июн) экилганга (битта ўсимликда 30,8 ва 26,0 дона) нисбатан кечки муддатда (1 июл) экилганда (битта ўсимликда 30,9 ва 33,2 дона) иккала навда ҳам кўп бўлди.

Саватчаларнинг катта бўлишига ҳамда унинг вазнига экиш муддатлари ва схемаларининг таъсири сезиларли даражада бўлиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар эрта экилганда (15 июн) кеч (1 июл) экилганга нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Бунда Родник нави Жаҳонгир навида нисбатан устунликка эришди. Бунда 70x30 схемада саватча диаметри 52,6 см, оғирлиги 136,6 грамм, 70x35 схемада саватча диаметри 56,0 см, оғирлиги 192,3 грамм бўлди. Жаҳонгир навида 70x30 схемада саватча диаметри 1,2 см га кичик, оғирлиги 15,0 граммга енгил, ҳамда 70x35 схемада саватча диаметри 1,0 см га кичик, оғирлиги 50,7 граммга енгил бўлди.

Мойли кунгабоқарнинг Родник нави уруғ ҳосилдорлиги 15 июнда 1чи муддатда 70x30 схемада экилган вариантда 38,2 ц/га ва 70x35 схемада экилган вариантда 35,9 ц/га бўлди. Жаҳонгир навида эса уруғ ҳосили 70x30 схемада экилган вариантда 36,6 ц/га ва 70x35 схемада экилган вариантда 33,8 ц/га бўлди.

Родник нави уруғ ҳосилдорлиги 1 июлда 2чи муддатда 70x30 схемада экилган вариантда 36,8 ц/га ва 70x35 схемада экилган вариантда 34,9 ц/га бўлди. Жаҳонгир навида эса уруғ ҳосили 70x30 схемада экилган вариантда 27,2 ц/га ва 70x35 схемада экилган вариантда 22,8 ц/га бўлди.

Бу тажрибадан кўринадики, эртаги муддатда экилганда ҳосили юқори бўлиб, аксинча 15 кун кеч экилса кам бўлади. Демак, кузги ғалла экинларидан кейин, ёки экин майдонини 1 июлгача бўшатадиган ҳар қандай асосий экиндан кейин суғориладиган ерларда мойли кунгабоқар навлари биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда қулай муддатларда ва схемаларда экилганда яхши ўсиб ривожланади ва юқори ҳосил олинади.

НҲҲАТ ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЭКИШ МУДДАТИГА БОҒЛИҚЛИЛИГИ

З.Юлдашева, Ч.Улуғов

Тошкент давлат аграр университети

Республикамизда ғалла экинларидан бугдой билан бир қаторда дон-дуккакли экинларнинг маҳсулоти ҳам муҳим ўринга эга. Дон-дуккакли экинлар орасида Ўзбекистонда қадимдан лалми ерларда нўхат экиб келинган. Нўхат етиштириш оқсил масаласини ҳал қилиш билан бирга, дон етиштиришни кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни ҳал этишга ёрдам бериб, экологик тоза маҳсулотлар олишни таъминлайди. Бу борада олиб борилган илмий - тадқиқот ишларидан олинган натижалар таҳлил этилганда қишлоқ хўжалиги аҳолини муҳим оқсилга бой озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турли хил тупроқ - иқлим - шароитларида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг илғор технологияларни яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш каби қишлоқ хўжалигидаги муҳим ва долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Нўхатнинг экиш муддати тупроқнинг механик таркиби ва об-ҳавога боғлиқ ҳолда тупроқнинг етилганлиги билан белгиланади. Лалмикор майдонларнинг қир-адирлик минтақаларда март ойининг биринчи ўн кунлигида тоғолди ва тоғ минтақаларида эса март ойининг учинчи ўн кунлиги ва апрелнинг биринчи ўн кунлигида уруғини экиш энг мақбул ҳисобланади. Қир адирлик минтақаларида жойлашган лалмикор майдонларида аскохитоз касаллигига чидамли нўхатнинг “Лаззат” навини гектарига 50-55 кг. Йирик уруғли “Жаҳонгир”, “Ирода-96”, “Юлдуз” навларини 60-70 кг, тоғ олди ва тоғли минтақаларда эса 70-80 кг экиш мақбулдир. С.Ғайбуллаев, Х.Юсупова ва бошқалар.

И.Ҳ.Ҳамдамов, Н.Ж.Ходжаева, С.Б.Мустановлар нўхатни Самарқанд вилоятининг тоғ олди адир минтақасидаги суғориладиган бўз тупроқлар шароитида баҳорги муддатларда экиб, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганганлар. Бунда 20 февралда экилганда, гектаридан “Юлдуз” навидан 25,9 центнер, “Милютин-6” навидан 23,4 центнер ҳосил олинган.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида нўхатнинг “Умид”, “Ўзбекистон-32” навлари 20 апрелда экилганда, доннинг вазни ва ҳосилдорлиги камайганлиги кузатилди. Эрта экилганда эса, навлар бўйича 32,4-23,7 ц/га ҳосил олинди. Кеч экилганда, ҳосил анча камайиб, 24,8-18,9 ц/га олинган.

Нўхат ҳосилига экиш муддатларининг таъсирини ўрганиш учун дала тажрибалари ЎзПИТИнинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” методик услуби асосида кўйилди. Тажрибада нўхатнинг Ўзбекистон-32 нави ўрганилди.

Нўхат ҳосилдорлигига ўсимликда ҳосил бўладиган дуккаклар ва ундаги дон сони кўп ёки кам бўлиши асосий омил сифатида бевосита таъсир этади. Нўхат дуккак ва донни қанчалик кўп ёки кам туғиши, энг аввало нав биологиясига, кейин ўтказиладиган агротехник тадбирларга ва намликнинг етарлик бўлишига амалий жиҳатдан боғлиқдир.

Намуна ўсимликлардан олинган дуккаклар саналиб, ўртача бир тупдаги дуккаклар ва донлар сони аниқланди. Ўзбекистон-32 навининг 25 феврал куни 1 чи муддатда экилган вариантда бир туп ўсимликдаги 69,7 дона дуккакдан ўртача 83,0 дона дон ажратиб олинган. 5 март куни 2 чи муддатда экилган вариантда 77,0 дона дуккакдан 88,7 дона дон, 15 март куни 3 чи муддатда экилган вариантда 72,0 дона дуккакдан 82,9 дона дон, 25 март куни 4 чи муддатда экилган вариантда 60,3 дона дуккакдан 71,7 дона дон, 5 апрел куни 5 чи муддатда экилган вариантда 57,0 дона дуккакдан 67,0 дона дон ва 15 апрел куни 6 чи муддатда экилган вариантда 55,1 дона дуккакдан 62,7 дона дон чиқиши аниқланди. 15 апрелда, ёки экиш муддатини 50 кунга кечиктирилганда барча муддатлардаги ҳосил бўлган донлардан сон ва вазн жиҳатидан кам бўлганлиги кузатилган.

Эрта 25 феврал куни 1 чи муддатда экилган вариантдан 21,3 ц/га дон ҳосили олинган. 5 март куни 2 чи муддатда экилган вариантдан эса 22,8 ц/га олиниб, тажрибадаги бошқа вариантлардан энг кўп дон ҳосили олинган вариант бўлган. Бу вариантда 10 кун олдин экилган вариантга нисбатан 1,5 ц/га га ҳосил юқори бўлган. 15 март куни 3 чи муддатда экилган вариантдан 21,7 ц/га дон ҳосили олинган бўлиб, бу вариантдаги дон ҳосили 1 чи муддатда экилган вариантга нисбатан 0,4 ц/га ва 2 чи муддатда экилган вариант га нисбатан 1,1 ц/га кам бўлганлиги аниқланган.

25 март куни 4 чи муддатда экилган вариантдан 20,6 ц/га дон ҳосили олиниб, 1 чи муддатда экилган вариантга нисбатан 0,7 ц/га, 2 чи муддатда экилган вариантга нисбатан 2,2 ц/га 3 чи муддатда экилган вариантга нисбатан 1,1 ц/га дон ҳосили кам бўлганлиги аниқланган. Экиш муддатлари март ойидан кечиктириб апрел ойида экилган вариантларда ҳосилдорликнинг камайиб кетиши кузатилган. Буни кунларнинг исиб кетиши ўсимликнинг тез ривожланишига ва ўсув даврини қисқартириб юбориши билан изоҳлаш мумкин. 5 апрелда экилган бешинчи вариантда 19,5 ц/га ҳосил олиниб, эрта экилган биринчи вариантга нисбатан 1,8 ц/га га, март ойи бошида экилган иккинчи муддатга нисбатан 3,3 ц/га, учинчи муддат экилган вариантга нисбатан 2,2 ц/га ва тўртинчи муддатда экилган вариантга нисбатан 1,1 ц/га га ҳосилдорликнинг камайиб кетиши кузатилган.

15 апрелда экилган олтинчи вариантдан 17,0 ц/га ҳосил олиниб, эрта экилган биринчи вариантга нисбатан 4,3 ц/га га, март ойи бошида экилган иккинчи муддатга нисбатан 5,8 ц/га, учинчи муддат экилган вариантга нисбатан 4,7 ц/га, тўртинчи муддатда экилган вариантга нисбатан 3,6 ц/га га ва 5 апрелда экилган бешинчи вариантга нисбатан 2,5 ц/га ҳосилдорликнинг камайиб кетиши кузатилган.

1 жадвал

Нўхат ҳосилдорлиги экиш муддатларининг таъсири

Вариантлар	Экиш муддатлари	Дуккак сони, дона	Дон сони, дона	1000 дона уруғ вазни, гр	Ҳосилдорлик ц/га
1	25 феврал	69,7	83,0	252,0	21,3
2	5 март	77,0	88,7	254,0	22,8
3	15 март	72,0	82,9	252,3	21,7
4	25 март	60,3	71,7	248,2	20,6
5	5 апрел	57,0	67,0	232,0	19,5
6	15 апрел	55,1	62,7	224,0	17,0

Ўзбекистон-32 навининг 1000 дона дон оғирлигига экиш муддатларининг таъсири катта бўлиши тажрибадан аниқланган. 25 февралда эрта экилган вариантда 1000 дона уруғнинг оғирлиги 252 грамм оғирликда бўлган. 5 мартда экилган вариантда 254,0 грамм, 15 мартда экилган вариантда 252,3 грамм, 25 мартда экилган вариантда 248,2 грамм, 5 апрелда экилган вариантда 232,0 грамм ва, 15 апрелда экилган вариантда 224,0 грамм бўлган. 1000 дона уруғ 15 апрелда экилган вариантда барча муддатлардан энгил эканлиги аниқланган. Бунда 1 чи муддатга нисбатан 28 граммга, 2 чи муддатга нисбатан 30 граммга, 3 чи муддатга нисбатан 28,3 граммга, 4 чи муддатга нисбатан 24,2 граммга ва 5 чи муддатга нисбатан 8,0 граммга энгил эканлиги кузатилган. 1000 дона уруғ 5 мартда экилган вариантда барча бошқа муддатлардан оғир вазнга эга бўлган.

ЭКИШ УСУЛИ ВА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ч.Х.Улуғов

Тошкент давлат аграр университети

Сўнгги йилларда Республикамиз пахта экин майдонларига чигитни кўш қатор қилиб экиш усули илгари сурилмоқда. Чунки, кўш қатор қилиб экилган майдонларда туп сонини ортиши ҳисобига олинадиган ҳосил миқдори ҳам ошади. Кўш қатор экиш схемасини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш учун, авваламбор чекланган шохланиш типига эга бўлган ва турли хил шароитда ҳам ҳосилдорлиги жиҳатидан устун бўлган ғўза навларини яратиш, ҳамда кўш қатор экиб етиштириш технологиясини такомиллаштириш лозим.

Тажрибада ғўзанинг ўртапишар С-6524 ва Султон навлари турли кўчат қалинлигида ўрганилди. Бу навнинг кўчат қалинлиги ва мақбул озикланиш майдони мукаддам ўрганилмаган.

Тажриба Б.А.Доспеховнинг дала тажрибаларини олиб бориш методикасига кура олиб борилади.

Кўчат қалинлиги ва озикланиш майдони экин тури, навнинг биологик хусусиятлари, тупрок иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Тажрибада турли экиш схемаси ва экиш усулини ғўзанинг янги, тезпишар Султон навининг кўчат қалинлигига таъсири 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ғўзанинг кўчат қалинлиги

№	Нав	Экиш усули	Кўчат қалинлиги, минг/ га		
			назарий	ҳақиқий	%
1	С-6524	90x11-1(якка катор)	100	85	85
2		90x11x30-2(кўш катор)	200	146	73
4	Султон	90x11-1(якка катор)	100	90	90
5		90x11x30-2(кўш катор)	200	165	82

Тажрибада ҳар иккала ўрганилаётган ғўза навларида кўчат қалинлиги бўйича юқори кўрсаткичлар чигит кўш каторли усулда экилган вариантларда кузатилди.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики ғўзанинг назарий кўчат қалинлиги чигит якка каторли экилганда 100 минг/га, кўш каторли усулда экилганда 200 минг/га га тенг.

Маълумки ғўзанинг ҳақиқий кўчат қалинлиги назарий кўчат қалинлигига нисбатан кам бўлади. Вариантлар бўйича ҳақиқий кўчат қалинлиги икки марта: баҳорда майсалар тўлиқ униб чиққандан кейин ва кузда ҳосил йиғим теримидан олдин аниқланди.

Тажрибада ҳақиқий кўчат қалинлиги бўйича энг паст кўрсаткич 85 минг/га назорат вариантда ғўзапнинг С-6524 нави якка каторлаб экилган шароитда кузатилди.

Кўчат қалинлиги бўйича энг юқори кўрсаткич эса 165 минг/га ғўзанинг Султон нави кўш каторлаб экилган вариантда кайд этилди. Тажрибада чигит якка каторлаб экилган шароитда кўчатларнинг 85-90% сақланиб қолган бўлса, кўш каторли экиш усули кўлланилган вариантларда кўрсаткич 73-82 % ни ташкил этди.

Ўсимликларнинг сақланиб қолиши бўйича энг паст кўрсаткич 74% ғўзанинг С-6524 нави кўш каторлаб экилган вариантда кайдэтилди. Энг юқори кўрсаткич эса 90% ғўзанинг Султон нави якка каторлаб экилган вариантда кузатилди.

Ўтказилган кузатишлар ва натижаларни тахлили шуни кўрсатадики чигит экиш меъёри ва кўчат қалинлиги ортиб бориши маълум даражада уларнинг сақланиб қолиш даражасини пасайишига олиб келади.

Тажрибада ўрганилаётган ғўза навлари ичида ҳар иккала экиш усулида ҳам кўчатларнинг сақланиб қолиши бўйича бироз устунлик ғўзанинг Султон навида кузатилди.

Кўш каторли усулда экиш учун янада ихчам, нисбатан паст бўйли тезпишар ғўзанинг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш лозим.

Тажрибада турли экиш усуллари ғўзанинг С-6524 ва Султон навларининг биологик ҳосилдорлигига ижобий таъсири тўғрисидаги маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

2- жадвал

Ғўзанинг умумий биологик ҳосилдорлиги

№	Навлар	Экиш усули	Пахта ҳосили	Вегетатив масса ҳосили	Умумий биологик ҳосил
1	С-6524	90x11-1 (якка катор)	28.1	54.6	82.7
2		90x11x30-2 (кўш катор)	37.4	65.7	102.8
3	Султон	90x11-1 (якка катор)	30.8	57.4	88.2
4		90x11x30-2 (кўш катор)	41.2	68.5	109.7

Тажрибада биологик ҳосилдорликнинг барча элементлари бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар ғўза кўш каторлаб экилган вариантларда кузатилди.

Тажрибада ҳар иккала экиш усулида ҳам биологик ҳосилдорлик бўйича устунлик ғўзанинг Султон навида кайд этилди. Бу навда биологик ҳосилдорлик чигит якка қаторлаб экилганда 89.2 ц/га ни, кўш қаторлаб экилганда 109.7 ц/га ни ташкил этди.

Ќўза кўш қаторлаб экиб етиштирилган вариантларда эса пахта ҳосили 37.4-41.2 ц/га, вегетатив масса ҳосили 65.7-68.5 ц/га, умумий биологик ҳосил 102.8-109.7 ц/га га тенг бўлди.

Тажрибада ҳосилдорлик бўйича энг паст кўрсаткич 28.1 ц/га назорат вариантыда, Ғўзанинг С-6524 нави одатдаги якка қатор усулида экилган вариантда кузатилди. Энг юқори пахта ҳосили эса 41.2 ц/га ғўзанинг янги Султон нави кўш қаторли усулда экилган вариантда қайд этилди. Бу вариантда назоратга нисбатан 13.1 ц/га кўшимча пахта ҳосили етиштирилди.

Тажрибада ўрганилаётган ҳар иккала ғўза навларида ҳам пахта ҳосилдорлиги бўйича устунлик чигит кўш қаторли усулда экилган шароитда кузатилди.

Чигит кўш қаторли усулда экилганда 1 дона ўсимликдаги кўсақлар сони якка қаторли усулда экилган вариантларга нисбатан кам бўлишига қарамай 1 гектар майдондаги жами кўсақлар сони кўп бўлди.

Шунингдек чигит кўш қаторли усулда экилганда кўсақларнинг очилиш суръати якка қаторли усулда экилганга нисбатан жадал кечди. Натижада кўш қаторли экилган шароитда пахтанинг салмоқли қисми илиқ кунларда пишиб етилди ва юқори навларга топширилди.

Олинган тажриба натижаларига кўра қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

➤ тажриба натижалари пахтачиликда чигитни кўш қаторлаб экиш иқтисодий самарадорликни сезиларли оширишини кўрсатди.

➤ ғўза кўш қаторлаб экилган шароитда даладаги умумий кўчат қалинлиги сезиларли даражада ошади;

➤ чигит кўш қаторлаб экилган шароитда битта ўсимликдаги кўсақлар сони кам бўлишига қарамай, даладаги умумий кўсақлар сони якка қаторли экилган вариантларга нисбатан юқори бўлади;

➤ энг юқори пахта ҳосили эса 41.2 ц/га ғўзанинг янги Султон нави кўш қаторли усулда экилган вариантда қайд этили. Бу вариантда назоратга нисбатан 13.1 ц/га кўшимча пахта ҳосили етиштирилди.

ARTISHOK O'SIMLIGI ZARARKUNDALARI VA ULARGA QARSHI KURASH

Z.T.Umarova, M.U.Muhammadov

Toshkent davlat agrar universiteti

Bugungi kunning eng dolzarb muammosi – bu jahon moliyaviy inqrozi, uning ta'siri va salbiy oqibatlarini, yuzaga kelayotgan vaziyatdan chiqish yo'llarini izlashdan iborat (I.A.Karimov,2009).

O'zbekiston Respublikasi jahon iqtisodiy inqrozidan chiqish davrida barcha yetishtirilayotgan qishloq xo'jalik mahsulotlarini jahon bozor talablariga javob beradigan darajada sifat ko'rsatkichlariga ega bo'lishini taqozo etadi. Endilikda qishloq xo'jaligining barcha sohalarida isloxotlar o'tkazilib mamlakatimizning oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash yuzasidan bir qator ishlar amalga oshirilmogda.

Jumladan, aholi jon boshiga yetarli miqdorda qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirish va iste'mol qilish bo'yicha eng rivojlangan davlatlar qatoriga olib chiqish Respublikada olib borilayotgan agrar siyosatning negizi hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov o'z ma'ruzalarida qishloq xo'jaligi – Respublika iqtisodiyotining keng ko'lamli, hal qiluvchi bo'g'ini bo'lib, Respublikaning taqdiri ko'p jihatdan shu sohaning qanday rivojlanishiga bog'liq - deb ko'rsatib, qishloq xo'jaligining taqdiri, demakki, eng muhim ijtimoiy, iqtisodiy muammolarimizning hal etilishi, pirovard natijada, mamlakatimiz oziq-ovqat ta'minoti xavfsizligi bu boradagi ishlarning ko'lamli va samaradorligi bilan bog'liqligini ta'kidlab o'tgan.

Bizga ma'lumki, qishloq xo'jaligi ekinlariga zararli organizmlar, ya'ni zararkunanda, kasallik va begona o'tlar katta zarar yetkazib, ularni sifatini va miqdorini keskin pasaytirmogda. BMTning dunyo miqyosidagi ma'lumotlariga ko'ra, har yili qishloq xo'jaligida yetishtirilgan mahsulotlarning 30% dan yuqorisi, rivojlanmagan davlatlarda 50% yetishtirilgan mahsulot zararli organizmlar tomonidan nobud bo'lmoqda. Bundan ko'rinib turibdiki, o'simliklarni himoya qilish qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida muhim ahamiyat kasb etadi.

O'simlik bitlarining tabiiy kushandalari ichida oltinko'zlar oilasiga mansub hashoratlar alohida o'rin tutadi.

Ўсимлик битларига қарши олтинкўз қушани асгани қўлани самардорлиги.

(ТошДУУ тажриба хўжалиги, 2008 - 2010 й.й.)

Олтинкўзни Ўсимлик битларига	Ҳар бир баргдаги битлар миқдори, дон						Биологик самардорлик %, кунлар бўйича						
	Кушанда			Кушанда чиқарилгандан									
	чиқаришда	3	5	7	14	3	5	7	14	3	5	7	14
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10				
1:20	10	36	30	24	18	10	25	40	55				
1:10	20	17	13	9	5	15	35	55	75				
1:5	25	20	14	10	3	20	44	60	88				
Назорат	25	31	39	44	62								
1:20	50	40	38	28	24	8	24	44	52				
1:10	30	25	20	13	8	16	33,3	56,6	73,3				
1:5	20	16	11	7	92	20	45	65	90				
Назорат	30	35	11	46	82	-	-	-	-				
1:20	40	35	30	23	17,0	12	25	42,5	57,5				
1:10	30	26	21	14	7,0	13	30	53,3	77,6				
1:5	20	17	11	7	2,3	15	45	65	88,5				
Назорат	30	36	43	51	73								

Ilmiy manbaalarda ochiq dala sharoitida o'simlik bitlariga qarshi oltinko'zni 1:10 nisbatda qo'llash tavsiya etilgan.

Biz ta'hlil qilgan adabiy manbalardan (Mirzalieva, 1981; 1986; Alimuhamedov va boshq. 1986; Rashidov, 2001) ma'lum bo'lishicha o'simlik bitlariga qarshi oltinko'zni qo'llash bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borilgan. Oltinko'z o'simlikni shonalash, gullash va meva tugish davrlarida, turli nisbatlarda (1:20, 1:10, 1:5) qo'llanib, uning samaradorligi aniqlanadi.

Ma'lumotlarga ko'ra 1:10 va 1:5 nisbatlarda qo'llanilgan oltinko'zni biologik samaradorligi ancha yuqori bo'ldi. Xususan, birinchi variantimizda samaradorlik 55-88% orasida bo'lib, eng yuqori ko'rsatkich (88%) oltinko'zni o'simlik bitlariga nisbati 1:5 bo'lganda, kushanda tarqatilgandan keyin 14-kunda olindi.

Ikkinchi variantida esa eng yuqori ko'rsatkich (90%) xuddi shu variantda 14-kuni kuzatildi. Bu holat uchinchi variantda ham qayd etildi. Oltinko'zni o'simlik bitlariga nisbati 1:20 bo'lganda samaradorlik birmuncha pasaydi. Bunda biologik samaradorlik 52%ni tashkil etdi. Xulosa qilib aytganda barcha rivojlanish davrlarida o'simlik bitlariga qarshi oltinko'zni 1:10 yoki 1:15 nisbatlarda tarqatilsa eng yuqori samaradorlikka erishish mumkin.

Artishok ekilgan maydonlarida o'simlik bitlariga qarshi gallista pashshasini qo'llash biologik samaradorligi aniqlangan edi. Gallista pashshasi o'simligiga turli nisbatlarda (1:5, 1:10, 1:15) qo'llanib, uning samaradorligi aniqlangan. Hamda bu entomofagga etalon qilib oltinko'z entomofagini 1:10 nisbatini olindi.

Ma'lumotlarga ko'ra 1:5 va 1:10 nisbatlarda gallista pashshasi qo'llanilgan biologik samaradorligi ancha yuqori bo'ldi. Xususan, birinchi variantida samaradorlik 62,1-89,1% orasida bo'lib, eng yuqori ko'rsatkich (89,1%) gallista pashshasi o'simlik bitlariga nisbati 1:5 bo'lganda, kushanda tarqatilgandan keyin 14-kunda olindi.

Ikkinchi variantida esa eng yuqori ko'rsatkich (81,9) xuddi shu variantda 14-kuni kuzatildi. Bu holat uchinchi variantimizda ham qayd etildi. Gallista pashshasi o'simlik bitlariga nisbati 1:15 bo'lganda samaradorlik birmuncha pasaydi. Bunda biologik samaradorlik 74,2%ni tashkil etdi. Xulosa qilib aytganda o'simlik bitlariga qarshi gallista pashshasi 1:5 yoki 1:10 nisbatlarda tarqatilsa eng yuqori samaradorlikka erishish mumkin. Etalon variantimizda esa oxirgi kunga borib samaradorlik 79,4%ni tashkil qildi.

O'simlik bitlariga qarshi gallista pashshasining samaradorligi (Mirzalieva, 1986)

Variantlar	Har bir bargdagi bitlar miqdori, dona				Biologik samaradorlik %,		
	Entomofag chiqarishdan oldin	Entomofag chiqargandan keyin, kunlar					
		3	7	11	3	7	11
1:15	37	21	14	4	43,2	62,1	89,1
1:10	33	20	13	6	39,3	60,6	81,8
1:15	35	22	16	9	37,1	54,2	74,2
1:10 Oltinko'z (yetalon)	34	23	14	7	32,3	58,8	79,4
Nazorat	28	35	39	42			

ГЕРБИЦИД - МЎЛ ХОСИЛ КАФОЛАТИ

З.Т.Умарова., Б.Алимов

Тошкент давлат аграр университети

Қишлоқ хўжалиги, мамлакатимиз иктисодиётида етакчи ўрин эгаллагани ҳолда, мустақиллик йилларида янада ривож топмоқда.

Ҳозирги кунда аҳоли сонининг тезкорлик билан ўсиб бориши ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги, аграр фани олимлари олдига юқори ҳосилли, тезпишар, экологик тоза маҳсулотларни бера олиш имкониятига эга бўлган экинлар турлари, навларини танлаш ва уларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш каби долзарб масалаларни кўймоқда.

С.Усмонов (1995) нинг таъкидлашича, кузги оралиқ экинлар ҳайдаб юборилгандан сўнг ғўза парвариш қилинганда ундан иккинчи ва учинчи йиллари гектаридан 30,4 центнер пахта ҳосили олишга эришилган.

Х.С.Романов (1986) нинг фикрича, соя кўпгина алмашлаб экиш тизимларида ўзидан кейин экилувчи ўсимликка яхши ўтмишдош бўлиб, тупроқни азот билан гектарига 130-150 кг/гача бойитади, илдиз қолдиқлари эса 35-40 ц/гани ташкил этиб, тупроқда чиринди миқдорини ортишига сабаб бўлади.

Кузги буғдойнинг такрорий экинлар ва ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқда тўпланган анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда уларни таркибидаги озиқа унсурларининг умумий шакллари миқдори 1-жадвалда келтирилган.

2013-2014 йиллар шароитида назорат вариантыда нисбатан кўпроқ анғиз ва илдиз қолдиқлари мутаносиб равишда 15,5 ва 19,3 ц/га ни ташкил қилган ҳолда ўғитлар N-200, P-140, K-100 кг/га меъёрда қўлланилганда аниқланган бўлса, улар таркибидаги жами NPK миқдорлари мутаносиб равишда 1,570; 0,930 ва 2,130% ни ташкил қилди.

Маккажўхоридан кейин экилган кузги буғдойни илдиз ва анғиз қолдиқлари жами 35,3 ц/гани ташкил қилиб, уларда 1,715 % умумий азот, 1,080 % фосфор ва 2,180 % калий борлиги аниқланди.

Айтиш жоизки, назорат билан маккажўхоридан кейин экилган кузги буғдойни кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлди.

Бу борада ҳам юқори натижалар мош ўсимлигидан кейин экилган кузги буғдойда олинди. Ўғитлар N-150, P-105, K-75 кг/га меъёрда қўлланилган (7) вариантда илдиз ва анғиз қолдиқларини миқдори жами 39,8 ц/га ни ташкил қилиб, улар таркибида 2,000 % умумий азот, 1,210 % фосфор ва 2,280 % калий борлиги аниқланди.

Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан 5,0 ц/га, 0,430 %, 0,720 % ва 0,90 % га, маккажўхоридан кейинги буғдой кўрсаткичларидан эса 4,5 ц/га 0,285 %; 0,130 % ва 0,100 % га ортикчадир.

Ловиядан кейин экилган кузги буғдой амал даври охирида энг мақбул (10) вариантда 18,4 ц/га анғиз ва 20,1 ц/га илдиз жами 38,5 ц/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдирган ҳолда, илдизи таркибидаги NPK миқдорлари мутаносиб равишда 1,185; 0,870; 1,260 % ва 0,750; 0,295; 0,810 % ни жами 1,935 % азот, 1,170 % фосфор, 2,150 % калий қолганлиги аниқланди.

Бу кўрсаткичларни жамини ҳисоблаганда албатта назоратга нисбатан юқори, маккажўхорини сўнгги таъсиридан эса 3,2 ц/га, 0,220 %, 0,030 % фосфор ва 0,00 % калий ортикча эканлиги аниқланди, лекин мошдан кейинги таъсирига нисбатан эса 1,3 ц/га, 0,075 %, 0,040 % ва 0,100 % га камроқдир.

Соядан сўнгги таъсирида N-150, P-105, K-75 кг/га меъёрда ўғитларни қўллаб ўстирилганда кузги буғдойни умумий илдиз ва анғиз қолдиқлари 39,1 ц/га ни ташкил қилган ҳолда таркибида жами 1,970 % N, 1,195 % P, 2,240 % калий борлиги кузатилди.

Демак, такрорий экинлардан мошдан кейин ўстирилган кузги буғдойда ўғитларни N-150, P-105, K-75 кг/га меъёри мақбул бўлиб, нисбатан юқори миқдордаги илдиз ва анғиз қолдиқлари тўпланиб, уларни таркибида ҳам кўпроқ миқдордаги NPK ни умумий шакллари борлиги аниқланди.

Тупроқда кузги буғдойдан кейин қолган илдиз ва анғиз қолдиқлари ундан сўнг экиладиган такрорий экин учун озиқа бўлиб ҳисобланади, натижада йил бўйи бир даладан 2 марта дон ҳосили олишга замин яратилади.

**Кузги буғдойни илдиз ва анғиз қолдиқлари (ц/га) ҳамда улар таркибидаги озика унсурларининг умумий шаклларини
миқдорлари, (%) 2013-2014 йиллар (1-дала)**

Вар. тартиб и	Такрорий экинлар	Ўғит меъёрлари, кг/га			Анғиз қолдиқлари				Илдиз қолдиқлари				Жами			
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	ц/га	N	P	K	ц/га	N	P	K	ц/га	N	P	K
1	Такрорий экин экилмаган	150	105	75	14,5	0,910	0,570	1,250	18,1	0,570	0,280	0,900	32,6	1,480	0,850	2,150
2		200	140	100	15,5	0,890	0,680	1,200	19,3	0,580	0,250	0,890	34,8	1,570	0,930	2,190
3		250	175	125	14,5	0,925	0,670	1,280	17,9	0,585	0,240	0,910	32,4	1,510	1,60	2,190
4	Макка- жўхори	150	105	75	15,3	0,800	0,680	1,200	19,1	0,650	0,280	0,980	34,2	1,500	0,960	2,100
5		200	140	100	15,8	0,890	0,750	1,150	18,2	0,670	0,290	0,960	34,0	1,660	1,040	2,210
6		250	175	125	16,1	0,825	0,780	1,200	19,2	0,690	0,300	0,980	35,3	1,715	1,080	2,180
7	Мош	150	105	75	19,0	1,250	0,110	1,280	20,8	0,760	0,310	0,1000	39,8	2,090	1,210	2,280
8		200	140	100	17,1	1,240	0,1000	1,270	19,1	0,680	0,300	0,910	36,2	1,920	1,300	2,180
9		250	175	125	17,8	1,200	0,0910	1,250	19,2	0,670	0,310	0,960	37,0	1,870	1,220	2,210
10	Ловия	150	105	75	18,4	1,185	0,870,	1,260	20,1	0,750	0,295	0,870	38,5	1,935	1,170	2,180
11		200	140	100	17,9	1,200	0,890	1,265	17,1	0,680	0,240	0,990	35,0	1,880	1,180	2,255
12		250	175	125	18,0	1,200	0,680	1,264	17,6	0,670	0,270	0,790	34,6	1,870	1,30	2,054
13	Соя	150	105	75	18,6	1,200	0,910	1,260	20,5	0,760	0,285	0,780	39,1	1,970	1,195	2,240
14		200	140	100	17,1	1,190	0,890	1,240	19,1	0,700	0,290	0,900	36,2	1,890	1,180	2,140
15		250	175	125	17,2	1,180	0,780	1,250	19,2	0,700	0,275	0,910	36,4	1,880	1,055	2,150

ДОРИВОР *LEONURUS TURKESTANICUS* V. KREZC & KUPRIAN –ТУРКИСТОН АРСЛОНҚУЙРУҒИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ХОМ АШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

Ш.М.Орифова, М.А.Ихтиёрхонова
Тошкент давлат аграр университети

Доривор ўсимликларнинг инсонлар томонидан истеъмол қилиниши жуда қадимдан маълумдир. Кейинчалик эса, бу ўсимликларнинг дориворлик хусусиятларини ўрганилиши ва халқ табобатида қўлланилиши қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Римда кенг тарқалди. Ўрта асрларда доривор ўсимликларнинг халқ табобатида фойдаланилиши Ўрта Осиё, Кавказ, Араб давлатларигача ёйилди, уларни ўрганиш, маданий ўсимликлар сифатида ўстириш ва етиштириш эҳтиёжи ҳам йилдан йилга ортиб борди. Халқ табобатининг ривожланиши асосида илмий табобат ҳам жадаллик билан ривожланиб борди.

Ҳозирги вақтга келиб Ўзбекистонда ҳам доривор ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиш устида бирқанча илмий асосланган тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Республикамизда 112 тур доривор ўсимликлардан расмий табобатда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80% ни табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хом ашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хом ашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир. Бундан ташқари республика фармацевтика саноатини доривор ўсимликлар хом ашёси билан таъминлаш мақсадида ҳам улрани тупроқ, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган майдонларда экиб, янги технологиялар асосида парвариш қилиш, етиштириш ва улардан сифатли доривор маҳсулотлар тайёрлашдан иборат.

Шундай доривор ўсимликлардан бири *Leonurus turkestanicus* V. Krecz & Kuprian –Туркистон арслонқуйруғи Ясноткадошлар – *Lamiaceae* оиласига мансуб. Ўсимлик Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг тошли ва майда шағалли қояларида ўсади. Ўсимлик бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган. Географик тарқалишига кўра Беларус, Украина, Россия давлатининг Европа қисмлари, Кавказ ва Ғарбий Сибирда аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда, экинзорларда ҳам ўсади.

Кўп йиллик, бўйи 50-150 баъзан 200 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тўрт қиррали, тик ўсувчи, шохланган. Барги оддий, панжасимон беш бўлакли, юқоридагилари уч бўлакли бўлиб, пояда банди билан қарама-қарши жойлашган. Гуллари 5 бўлакли, икки лабли, поянинг юқори қисмидаги барглар қўлтиғида халқа шаклида ўрнашиб, бошқосимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси уч қиррали, тўқ жигарранг 4 та ёнғоқчадан ташкил топган. Июнь ойидан бошлаб, сентябрь ойигача гуллайди ва меваси етилади. Ўзбекистон шароитида арслонқуйруғ ўсимлигининг учта тури мавжуд бўлиб, турлар бир-бирига жуда ўхшаш, улар баргларининг тузилиши ва сертуқлиги билан фарқ қилади. Туркистон арслонқуйруғининг кимёвий таркиби ўрганилганда флавоноидлар, 2,01-9% гача ошловчи моддалар, 0,035-0,4% гача алкалоидлар, гулларида 0,05% эфир мойи, п-кумар кислота, витамин С, иридоидлар, сапонинлар, қанд ва бошқа моддалар борлиги аниқланган. Маҳсулотнинг флавоноидлар йиғиндиси рутин, кверцитрин ва квинквелозид, алкалоидлар йиғиндисидан тортиб (мевасидан) леонурининг алкалоиди ва 0,4% гача стахридин ажратиб олинган. Ўсимликнинг доривор препаратлари тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилиб, валериана препаратларига тенглаштирилади. Гипертония, нерв кўзғалиши ва баъзи юрак (юрак неврози, кардиосклероз) касалликларини даволаш учун ишлатилади. Доривор препаратлар сифатида дамлама, настойка, суюқ экстракт ва тинчлантирувчи чой йиғмалари таркибига қўшилади.

Ўзбекистон минтақасида Туркистон арслонқуйруғини табиий тарқалган захиралари мавжуд. Асосан Тошкент, Жиззах вилоятларидан чегараланган миқдорда хом ашёсини йиғиб териш мумкин. Белгиланган дала майдонида ўсимликнинг плантациясини 3-4 йилгача сақлаш мумкин. Доривор ўсимлик сифатида, ҳамда табиий захираларини сақлаб қолиш мақсадида ўсимликни суғориладиган, структурали чириндига бой, сув билан яхши таминланадиган ерларда етиштириш тавсия этилади.

Ерларни ҳайдашдан олдин гектарига 30 тонна органик ўғит, 50-80 кг фосфор ўғитлари солинади. Тупроқ 22-25 см чуқурликда ҳайдалади. Қуритилган уруғлар кеч кузда ёки баҳорда гектарига 7 кг ҳисобида экилади. Суғориладиган майдонларда уруғ қадалгандан кейин 60-70 см суғориш эгатлари олинади ва кетма-кет суғорилади. Уруғни органик ўғитга аралаштириб экиш тавсия этилади. Сабаби, тупроқни юза қисмидаги қатқалоқ кўпинча экинни бутунлай нобут қилади. Уруғ экилгандан 20-25 кундан кейин майсалар уна бошлайди. Парвариш ишлари культивация қилиш,

қўлда ўтоқ қилиш ва яғоналашдан иборат. Бунда туплар ораси 15-20 см бўлиб, ҳар бир уяда 1-2 та ўсимлик қолдирилади. Тўпбарг гул чиқариш даврида культивация билан бир вақтда гектарига 50-80 килограмм азотли ўғитлар солинади. Вегетация давомида 7-8 марта суғорилади ва 110 килограмм азот, 80 килограмм фосфор ва 60 килограмм калий ўғити берилади. Ўғитлаш тўпбарг гул чиқарганда, шоналаш ва гуллаш фазаларида ўтказилади. Туркистон арслонқуйруғини пояси 50 см баландликка етганда қирқиш тавсия этилади. Биринчи йилда унинг ҳосилдорлиги гектарига ўртача 5-6 центнерни, кейинги йилларда эса 10-12 центнердан ҳосил йиғиб олиш мумкин. Уруғларининг ҳосилдорлиги ўртача гектарига 0,5-0,6 центнерни ташкил қилиши мумкин. Ҳом-ашёсини сифатли тайёрлаш учун ўсимликнинг ер устки қисми ўсимлик гулга қирган вақтда қўлда ёки механизацияланган шаклда териб олинади.

Экин майдонларининг қулай ҳаётчанлигини сақлаб қолиш учун генератив новдаларнинг 2/3 қисmini териб олиш, терилган далалардан эса уч йил муддат ўтгандан сўнг фойдаланиш талаб этилади. Ҳом ашё ҳаво алмашиб турадиган хоналарда ёки айвонларда қоғоз устига юпқа қилиб ёйилиб, доимий аралаштириб турилган ҳолда қурилади. Махсулотни қуруқ ва ҳаво яхши айланадиган омборхоналарда 3 йил давомида сақлаш мумкин. Ҳом ашёси поясининг 30-40 см узунликда қирқиб қурилган барг ва гулларидан иборат. Пояси 4 қиррали, ичи ковак, қизғиш бинафша рангли. Миқдорий кўрсаткичларига кўра намлик 13%, умумий кул 12%, ўсимликнинг пояси қисми 2%, органик қўшимчалар 3% дан кўп бўлмадлиги тавсия этилади.

ЎСИМЛИКЛАРНИ БИОЛОГИК УСУЛДА ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭКИНЛАР ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

М.А.Эрхонова

*Тошкент давлат аграр университети қошидаги
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институти*

Республикамизда ҳар йили зараркунанда ва касалликлар туфайли 25-30 фоиз ва хатто айрим ҳудудларда 40-45 фоизгача қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили йўқотилмоқда. Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг экинлар ҳосилига таъсирини баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда ушбу масала юзасидан бир қатор олимлар томонидан маълум даражада илмий изланишлар олиб борилган. С.Н.Алимухаммедов, А.Ш.Шамуратов ва Э.К.Адиловларнинг фикрича ўсимликларни биологик ҳимоялаш тизимини экинлар ҳосилдорлигига таъсирини баҳолашда бир нечта омилларни ҳисобга олиш лозим деб ҳисоблашади. Чунки ҳосилдорликни сақлаб қолиш фақатгина биологик махсулотларнинг ўзигагина боғлиқ бўлибгина қолмай балки, ундан ташқари агротехник тадбирлар, ташкилий хўжалик чоралар ҳамда зараркунанда ва касалликларга қарши қўлланилган кимёвий усуллардан фойдаланилганлигига боғлиқ бўлади⁷. Шунинг учун келгусида республикамизда ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш воситалари сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш, фойдали хашоратларни қўллаш ҳудудларининг, айниқса, трихограмма ва габробраконларнинг кўпайиш ҳудудларида иқлим хусусиятларини (ҳарорат, ҳавонинг намлиги ва бошқ) ўрганиш, экинлар ҳосилдорлигини ортисининг фойдали энтомофагларни қўллаш билан боғлиқлигининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Олимларнинг таъкидлашича, самарадорлик тажриба ва назорат майдонларидаги ҳосилдорликларнинг фарқи (олинган қўшимча ҳосил) билан белгиланади. Бундан ташқари олинган ҳосилнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ҳам муҳимдир. Бунинг учун масалан буғдойдаги клейковина миқдори, пахтадан тола чиқиш даражаси, узум ёки қанд лавлагидеги шакар миқдори ва бошқалар асос бўлиши мумкин. Маълумотлар ишончли бўлиши учун тажриба майдонларида биологик воситаларни айнан бир хил тартибда камида уч йил давомида қўллаш натижаларини олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Танлаб олинган ҳудудда маълум бир экин тури бўйича ўртача олинган қўшимча ҳосил аниқлаб олинishi керак. Буни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

⁷Алимухаммедов С.Н., Шамуратов А.Ш. и Адылов Э.К. Экономический эффективность биологических средств защиты. Эффективность биологического метода защиты растений. Кишинев-1981 г. 92-109 стр.

$$\Pi_y = \frac{\sum(\Pi_{yi} - S_i)}{\sum S_i} \quad (1)$$

Бу ерда:

Π_y - танлаб олинган хуудда маълум бир экин тури бўйича ўртача олинган қўшимча хосил, ц\га;

Π_{yi} - кишлок хўжалиги экиннинг заракунанда ёки касалликдан маълум даражада() зарар кўришидаги ўртача олинган қўшимча хосили, ц\га;

S_i - заракунанда ва касалликка қарши ишлов берилган майдон, га.

Зарар кўрилган ва ишлов бериладиган майдонлар сони бир нечта бўлгани боис ушбу хууддаги маълум бир экин тури бўйича олинган қўшимча хосил меъерини аниқлаш лозим бўлади.

Бу эса қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$N_{np} = \frac{\Pi_y^1 \cdot S^1 + \Pi_y^2 \cdot S^2 + \dots + \Pi_y^n \cdot S^n}{S^1 + S^2 + \dots + S^n} \quad (2)$$

Бу ерда:

N_{np} - олинган қўшимча хосил меъери, ц\га;

Π_y, Π_y^n - танлаб олинган хуудда маълум бир экин тури бўйича ўртача олинган қўшимча хосил, ц\га

S - заракунанда ва касалликка қарши ишлов берилган майдон, га.

Шундай қилиб, олинган қўшимча хосил меъери хууддаги маълум бир экин тури бўйича сақлаб қолинган хосилнинг ўртача миқдорини акс эттиргани ҳолда жорий ва келгуси йилларда кишлок хўжалигини биологик химоя қилиш воситаларига бўлган талабини режалаштиришда асос бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Ҳозирда республикамизда фаоолият юритаётган барча биологический лабораторияларда ассий ишлаб чиқарилаётган фойдали ҳашорат бу трихограммадир. Бунинг бош сабаби трихограмма жуда кўплаб зараркунандаларга қарши курашда комплекс тарзда фойдаланилади. Масалан, кузги тўнлам, кўсак курти, шира трипс, ўргамчаккана ва бошқа заракунандаларга қарши курашда кенг фойдаланилади.

Ушбу энтомофагнинг ижобий томонларидан бири ривожланиш муддатининг қисқалиги ва жинсларнинг фойдали нисбати юқорилигидир, бу эса ушбу ҳашоратнинг лаборатория шароитида юқори суръатлар билан кўпатириш имконини беради.

Олимлар ушбу ҳашоратнинг экинлар хосилдорлигига таъсирини баҳолашда унинг сифат кўрсаткичлари муҳим ўрин тутишини таъкидлашади. Жумладан, энтомофагларни урғочи зотларининг пуштдорлик даражаси кўрсаткичи муҳим бўлиб, бунда уларнинг лабораторияда кўпайиш интенсивлиги ошишига олиб келади. Бу кўрсаткич эса қуйидагича аниқланади⁸ :

$$P = H : N \quad (3)$$

Бунда:

P - урғочи зотларнинг пуштдорлик даражаси;

H - умумий қўйилган тухумлар миқдори, дона;

N - урғочи зотлар миқдори, дона.

Яна бир муҳим сифат кўрсаткичи бу эркак ва урғочи зотлар нисбати кўрсаткичи бўлиб у қуйидагича аниқланади:

$$C_2 : C_1 \quad (4)$$

Бунда:

C_2 – урғочи зотлар сони, дона;

C_1 - эркак зотлар сони, дона;

Лабораторияда ишлаб чиқарилаётган биомасулотларнинг сифати унда етказилаётган фойдали ҳашоратларнинг соғлом, шикастланмаган қисмининг устуворлиги билан аниқланади. Бунинг учун

⁸Биологический лабораторияларда қўнайтирилаётган энтомофагларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича услубий қўлланма. "Биосифат" лабораторияси. Тошкент-2006 йил, 15 бет.

лабораториядан чиқаётган хашоратларнинг шикасланган зотларининг миқдорини аниқлаш йўли билан белгланади, яъни:

$$D = M:Cx \cdot 100\% \quad (5)$$

Бу ерда:

D - шикастланган зотлар даражаси, %;

M - шикастланган зотлар миқдори, дона;

C - жами текшириш (тест) учун олинган зотлар миқдори, дона.

Дарҳақиқат, экинлар хосилдорлигини сақлаб қолиш ва олинадиган қўшимча хосилнинг миқдори биологический лабораторияларда етиштирилаётган энтомофаглар сифатига боғлиқ бўлиб, ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Энг кўп қўлланиладиган фойдали энтомофаг, яъни трихограмманинг самарадорлигини аниқлаш бўйича усуллар айрим адабиётларда келтирилган, жумладан, Россия Федерацияси, Ўсимликларни химоя қилишнинг биологический усуллари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан маълум изланишлар мавжуддир⁹. Ушбу институт томонидан трихограммалар қўллашнинг самарадорлигини аниқлашда экин майдонида зараркундаларнинг тухумларини зарарланиши даражасини асос қилиб олишни тавсия этилади. Демак, трихограммаларни қўллашнинг самарадорлигини қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Theta = \frac{M_0 \cdot \Pi_k - M_k \cdot \Pi_0}{(\Pi_k - M_k) \cdot \Pi_0} \cdot 100\% \quad (6)$$

Бу ерда:

Π_0 - тажриба экин майдонидан йиғиб олинган тухумлар сони, дона;

Π_k - назорат майдонидан йиғиб олинган тухумлар сони, дона;

M_0 - тажриба экин майдонидан йиғиб олинган зарарланган тухумлар сони, дона;

M_k - назорат майдонидан йиғиб олинган зарарланган тухумлар сони, дона;

Лекин ушбу усул фақатгина трихограмманинг биологический самарадорлигини ифода эта олади холос. Биз унинг иқтисодий самарадорлигини билишимиз учун эса яна қўшимча маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилишимиз зарур бўлади.

А.П.Твердюков, П.В.Никонов ва Н.П.Юшенколар томонидан биомасхулотларни қўллашнинг самарадорлиги аниқлаш услублари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ўсимликларни биологический химоя қилиш чора-тадбирлари баҳолаш уларнинг биологический, хўжалик фаолияти ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш билан белгиланиши лозим деб ҳисоблайдилар¹⁰.

Жумладан, ўсимликларни химоя қилишнинг биологический самарадорлиги дала шароитида зараркундаларнинг нобуд бўлиши ёки улар сонинг камайиши ёхуд химоя қилинаётган ўсимликнинг улар билан зарарланиш даражаси кўрсаткичлари билан ифодаланиши зарур. Ишлаб чиқариш шароитида (назорат майдони мавжуд бўлмаганда) буни аниқлаш етарли даражада оддий ва универсал бўлган қуйидаги формула билан аниқланади:

$$B_3 = \frac{a - b}{a} \cdot 100 \quad (7)$$

Бу ерда:

B_3 - биологический самарадорлик, %;

a - ишлов берилмасдан аввалги зараркунадалар ёки зарарланган ўсимликлар сони, дона;

b - ишлов берилгандан кейинги зараркунадалар ёки зарарланган ўсимликлар сони, дона;

Назорат майдонлари мавжуд бўлган ҳолатларда зараркундалар ва зарарланган ўсимликлар фоизи, назоратга тўғрилаш орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{M_0 - M_k}{100 - M_k} \cdot 100 \quad (8)$$

P - зараркундалар ва зарарланган ўсимликлар фоизи

⁹Применение трихограммы в борьбе с комплексом вредителей полевых культур(рекомендация) Москва, ВО "Агропромиздат" 1990 год, 35-36 стр.

¹⁰А.П.Твердюков, П.В.Никонов ва Н.П.Юшенко. Биологический метод борьбы с вредителями и болезнями в защищенном грунте. (Спробаочник) Москва. «Колос» 1993 г. 90-93 стр.

M_0 - тажриба майдонидаги зараркунандалар ва зарарланган ўсимликлар фоизи;

M_k - назорат майдонидаги зараркунандалар ва зарарланган ўсимликлар фоизи.

Авлодларини тез ўзгартириши ва миграцияга сезиларли даражада мойиллиги билан тавсифланувчи бўғимоёқлиларга қарши кураш воситаларининг биологик самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

$$B_3 = \left(1 - \frac{K_1 \cdot K_k}{K_0 - K_2} \right) \quad (9)$$

Бу ерда:

B_3 – биологик самарадорлик, %

K_0 - тажриба майдонидаги ишлов беришдан аввалги зараркунандалар сони, дона;

K_1 - тажриба майдонидаги ишлов берилгандан кейинги зараркунандалар сони, дона;

K_k - назорат майдонидаги ишлов беришдан аввалги зараркунандалар сони, дона;

K_2 - назорат майдонидаги ишлов беришдан кейинги зараркунандалар сони, дона.

Ўсимлик касалликларидан химоя қилиш тадбирларининг самарадорлиги эса қуйидагича аниқланади:

$$B_3 = \frac{(P_k - P_0) \cdot 100}{P_k} \quad (10)$$

Бу ерда:

B_3 - ўсимлик касалликларидан химоя қилиш тадбирларининг самарадорлиги, %;

P_k - назорат майдонидаги касалликларни ривожланиш даражаси;

P_0 - тажриба майдонидаги касалликларни ривожланиш даражаси;

А.П.Твердюков, П.В.Никонов ва Н.П.Юшенколар ўсимликларни биологик химоя қилишнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва ҳажми билан белгилашни тавсия қиладилар.

Ўсимликларни биологик химоя қилиш тадбирлари натижасида олинган қўшимча ҳосилни ҳисоблаш учун қуйидаги формулани тавсия этишган:

$$\Pi = \frac{(a - b)}{a} \cdot 100 \quad (11)$$

Бу ерда:

Π - олинган қўшимча ҳосил, %;

a - ишлов берилган майдондан олинган ўртача ҳосилдорлик, ц/га;

b - назорат майдонидан ан олинган ўртача ҳосилдорлик, ц/га;

Ушбу кўрсаткич ёрдамида ялпи ҳосил таркибида қанча маҳсулот сақлаб қолинганлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Келтирилган услубий асослар, кўпроқ биологик самарадорликни ва хўжалик фаолияти самарадорлигини ифодалайдигина ҳолос. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда химоялаш тизимини экинлар ҳосилига таъсирини бевосита эмас балки, билвосита баҳолашга имкон беради.

Шу боисда, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда химоялаш тизимини экинлар ҳосилига таъсирини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишда кўпроқ иқтисодий самарадорлик нуқтаи-назардан ёндошилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш жоизки, ўсимликларини биологик усулда химоялаш тизимини таъсирини баҳолаш ушбу тадбир туфайли сақлаб қолинган ҳосилнинг миқдорига бевосита боғлиқдир ва у жами ёки бир бирлик ер майдонидан олинган ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот ва биологик химоялаш тадбири натижасида қўшимча олинган ҳосил қиймати, соф фойда ва қўшимча харажатларнинг қопланиш муддати каби кўрсаткичлар билан ва пировард кўрсаткич ҳисобланмиш меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи билан аниқланиши лозим.

Шуларни ҳисобга олиб, ўсимликларни биологик химоялаш тадбири учун кетган харажатларнинг таннарх таркибидаги улушини ўзгаришини аниқловчи кўрсаткични тавсия қиламиз ва бундай кўрсаткич ёрдамида ўсимликларини биологик усулда химоялаш тизимини экинлар

хосилига таъсирини баҳолаш имконини беради деб ҳисоблаймиз, бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$T_y = (T_c - T_x) \frac{X_c}{X_x - X_c} \quad (12)$$

Бу ерда:

T_y – биологик химоялаш тадбири натижасда 1центнер маҳсулот таннархи таркибининг ўзгариши, сўм;

T_c – сақлаб қолинган хосилнинг уни йиғиштириб олиш ва сотиш харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги таннархи, сўм;

T_x - хўжаликнинг ҳақиқатдаги таннархи, сўм;

X_c – сақлаб қолинган хосил, центнер;

X_x - ҳақиқатда олинган хосил, центнер.

Бундан ташқари ўсимликларини биологик усулда химоялаш тадбирлари туфайлибир бирлик сақлаб қолинган хосилга боғлиқ равишда меҳнат унумдорлигини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлашни таклиф қиламиз:

$$M = \frac{K + K_\delta}{X} \quad (13)$$

Бу ерда:

M – биологик химоялаш тадбир натижасидаги меҳнат унумдорлиги;

K – маълум бир экин турини етиштиришдаги меҳнат сарфи, киши-соат/га ;

K_δ – биологик тадбир қўллашдаги меҳнат сарфи, киши-соат/га

X – хосилдорлик, центнер/га.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ўсимликларини биологик усулда химоялаш тизимини экинлар хосилига таъсирини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлади ва ушбу масаланинг услубий жиҳатларини доимо такомиллаштириб бориш тақозо этилади.

ПАХТА TOLASINING FIZIK XUSUSIYATLARIGA TASHQI OMILLARNING TASIRINI O'RGANISH

A.A.Alayev, A.P.Nomozov
Toshkent davlat agrar universiteti

Respublikamiz agrosanoat majmuasini rivojlantirishda paxtachilik eng muhim o'rinlardan birini egallaydi. Ekologiyaning o'zgarishi natijasida ob'-havo sharoitlari yildan yilga o'zgarib ketmoqda. Bu esa iqlim o'zgarishlariga moslashgan va ertapishar paxta navlarini etishtirishni taqozo qiladi. Respublikamiz olimlari tomonidan ko'p yillardan beri paxta hosildorligini oshirish, tola sifatini yaxshilash, turli kasalliklarga chidamliligini oshirish va ertapishar navlarni etishtirishda elektr texnologiyalarning ta'sirini o'rganish bo'yicha ko'p ishlar qilingan [1÷3]. Shunga qaramay bu sohani rivojlantirish va yuqori hosildorlikka ega bo'lgan sifatli paxta etishtirishda chigitning unib chiqishi, g'o'zaning rivojlanishi va tola sifatining yaxshilanishiga fizikaviy omillarning ta'sirini yanada chuqurroq o'rganishni taqozo etadi.

Chigit unuvchanligi va paxta hosildorligini oshirishda o'zgaruvchan va o'zgarmas elektr tokini ta'siri, ultrabinafsha nurlarining ta'siri, radioaktiv nurlarning ta'siri, ultratovush va boshqa omillarning ta'siri olimlarimiz tomonidan o'rganilgan va bu ishlar davom ettirilmoqda. Ushbu magistrlik dissertatsiyamning maqsad va vazifalari ultrabinafsha nurlar va boshqa elektrofizik omillarning Respublikamiz foydali qazilmalari tarkibida ko'p uchraydigan ekologik toza tabiiy mineral *bishofit* va xitozan bilan birgalikda qo'llashda chigit unuvchanligi, paxta hosildorligi va tola sifatiga ta'sirini o'rganishdan va shuningdek, paxta tolasining fizik xususiyatlarini tadqiq qilishdan iborat.

Tajriba ishlari O'zbekiston Milliy Universitetining tajriba uchastkasida va fizika fakulteti ilmiy laboratoriyalarida olib borildi. Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, chigitga ekish oldidan ultrabinafsha (UB) nurlar bilan ishlov berish ko'p qirrali ta'sirga ega. Birinchidan, urug'ni turli tabiiy sharoitlarda tez va sifitli unib chiqishini ta'minlaydi. UB nurlar bilan namlangan chigitga ishlov berishda unuvchanlik 8÷10% ga, *bishofit + HCl* eritmasida ivitilgan chigitga ishlov berishda unuvchanlik 10÷14% ga oshgan.

Ikkinchidan urug`ni turli kasalliklar, chirituvchi bakteriyalar va zararli mikroorganizmlardan zararsizlantiradi. UB nurlar bilan ishlov berilgan chigitda turli kasalliklar bilan zararsizlanish darajasi 60-65% ga oshgan. Xitazan eritmasida ivitilib, ultrabinafsha nurlar bilan ishlov berilanda esa yuqoridagi ko`rsatkichlar yanada oshgan. Paxtaning pishib etilishi namunaga nisbatan 10-15 kunga qisqargan. Paxta tolasining og`irligi, tolasining uzunligi, uziluvchanlik ko`rsatkichlari yaxshilangan.

Paxta tolasi tabiatning o`zi yaratgan polimer moddalar bo`lib, ularning molekulari yuqori darajada mukammal shakllangan tuzilishga ega ekanligi, ularda o`ziga xos noyob fizik, fizik-kimyoviy va ekspluatatsion xossalarni belgilab beradi [4]. Paxta, ipak, jun, kanop, lox, va boshqa tabiiy tolalar nanoo`lchamli polimer tuzilmalardan tashkil topgan bo`lib, akademik A. T. Mamadolimov rahbarligida bu tolalarda yarim o`tkazuvchanlik xossasi mavjudligi aniqlandi va ular asosida noyob yarim o`tkazgichli asboblarni yaratish imkoniyati paydo bo`ldi.

Tolalarning noyob fizik xossalari bevosita tashqi omillar, ayniqsa, yorug`lik, issiqlik, namlik, elektr va magnit ta`siri ostida yorqin namoyon bo`ladi. Ammo tabiiy tolalarning bu xossalari va xususiyatlari bevosita ularning turlari va strukturalariga bog`liqligi to`liq o`rganilmagan. Jumladan, paxta tolasida yorug`lik ta`sirida fotolyuminesstenstiya hosidasi namoyon bo`lishi, ipak tolasini qizdirilganda elektr tokini paydo bo`lishi va uni legirlangan tolaning elektr xossasidan tubdan farq qilishi, harorat va namlik darajasi oshganda tolaning anizotropik xossasini o`zgartirishi, yorug`lik nurlariga sezgirligi esa bu tolalar asosida quyosh elementlari yaratish imkoniyatlarini berishi, tolalarni sirti va hajmi turli xil elementlar bilan to`ldirilganda yoki polimerlar bilan qoplanganda ularni fizik xossalarini o`zgarishini o`rganish kabi bir qator jarayonlarning qonuniyatlari deyarli aniqlanmagan. Ushbu masalalarni inobatga olgan holda tabiiy tolalarning turlari va strukturaviy tavsiflariga nisbatan fizik xossalari namoyon bo`lish qonuniyatlarini o`rganish dolzarb fundamental muammolardan hisoblanadi, chunki bu yo`nalishdagi izlanishlar tabiiy tolalar asosidagi turli tuzilmalar, materiallar, detallarni yaratishning ilmiy asoslarini belgilab beradi va amaliyotga qo`llashning keng va istiqbolli yo`llarini ochadi.

Ushbu ishda mahalliy tabiiy tolalarning fizik xossalari tashqi omillarning ta`sir etish qonuniyatlarini o`rganilgan va olingan natijalarni amaliyotga tadbiiq qilish mumkin bo`lgan sohalarni aniqlandi.

ATM – 1 navli oq va och jigarrangli yetilgan paxta tolalarining sirt xossalari polyarizatsion mikroskopda tadqiq qilindi va natijada tolalarning yorqin optik anizotropiyaga ega ekanligi ulardagi sellulozaning molekulyar tuzilishiga bog`liq bo`lishi aniqlandi. Paxta tolasining haqiqiy rangini aniqlash uchun optik mikroskop, raqamli fotoapparat, kompyuter texnikasidan iborat maxsus qurulma yig`ildi. Oq rangli paxta tolasi aslida qizildan ko`kgacha bo`lgan turli ranglar bilan tavsiflanishi aniqlandi.

Fizik ishlov berilgan F175 navli paxta tolasining quyidagi elektrofizikaviy xususiyatlari aniqlandi:

- yod bilan legirlangan paxta tolalarida fotoo`tkazuvchanlikning uzoq muddatli relaksatsiyasi va infraqizil so`nishi namoyon qilindi. Bu hodisa elektronlarni chuqur sathlar orqali optik o`tishlari bilan tushuntiriladi;

- haroratni 4 marta oshishi, ya`ni 20 °C dan 100 °C gacha o`zgarishi paxta tolasi tarkibidagi selluloza molekularining orientatsion strukturaviy holatini 35 % gacha pasayishini ko`rsatdi. Bunday o`zgarishlar, garchi paxtaning kristallik darajasini deyarli o`zgartirmasada, uning amorf fazasida makromolekulalar joylashishini yanada tartibsiz bo`lishiga olib keladi;

- anizotropik holatdan izotropik holatga o`zgarishi molekulararo bog`larni susayishiga hamda fizik ta`sirlarga nisbatan nobarqaror bo`lishiga olib kelishi kuzatiladi.

Yo`dni paxta tolalariga singdirish va tabiiy sublimatsiya qilinganda yod polimerlarni o`zaro ta`sirlashishi tufayli tolalar sirtida qobiq hosil bo`lishiga, ya`ni legirlanishga erishildi. Legirlash natijasida tolalar sirti och jigarrang tus oldi. Uni legirlanmagan oq tola bilan qiyosiy taqqoslash tadqiqotlari polyarizatsion optik mikroskopda olib borildi va legirlash natijasida tolalarda optik anizotropiyani 5 – 10 % gacha pasayganligi aniqlandi. Bu o`zgarish asosan ularning amorf qismida ro`y berishi va kristall qismlarida, ya`ni kristallik darajasi deyarli o`zgarmaganligi ko`rsatildi.

Tadqiqotlar legirlangan paxta tolalari asosida yorug`likka sezgir opto – elektron qurilmalar yasash imkonligini ko`rsatdi. Ushbu natijalar asosida yorug`likning ko`rish va ultrabinafsha sohalarda yuqori sezgirlikka ega bo`lgan signallarni qayd etuvchi va shakllantiruvchi fotoelementlar yaratish mumkin. Ushbu tabiiy tolalarning elektrofizik xossalari – termostiklik keskin o`zgarishlar ta`siriga turg`unligi, olingan natijalarning aniq qaytaruvchanligi va ma`lum bir sharoit uchun takrorlanuvchanligi, elektr xususiyatlarining namlik o`zgarishiga o`ta sezgirligi, ular asosida elektron namlik o`lchagichlar yaratish imkoniyatini tug`diradi.

Elektron namlik o`lchash asbobini tayyorlashda tabiiy tolalardan eng mukammal mexanik va elektrofizik parametrlarga ega bo`lganlari ajratib olinadi. Ularga ma`lum haroratda kirishmalar kiritish yo`li bilan namlik o`lchagich uchun zarur bo`lgan elektrofizik xususiyatlarga erishiladi. Kirishmalar bilan

boyitilgan tolalar to'plami g'illoflarga joylashtiriladi va ularni tashqi zanjirga ulash uchun maxsus elektr o'tkazuvchan elim tanlanib, harorat va namlikni nazorat qiluvchi maxsus ishlab chiqilgan elektron sxemaga payvandlanadi. Elektr o'tkazuvchi qismlari germetiklar yordamida tashqi muhitdan himoyalanaadi. Ishlab chiqilgan namlik o'lchagich boshqa sanoatda qo'llanilayotgan namunalardan sezgirligi, paxta, g'alla va boshqa qishloq xo'jalik mahsulotlari namligini o'lchashda qulayligi, uzoq yillar davomida qo'llanilganda o'lchash aniqligi va boshqa parametrlarining turg'unligi, hamda tayyorlashdagi texnologik jarayonlarning atrof-muhitga bezararligi bilan farq qiladi.

ДОРИВОР АРТИШОКНИНГ БАРГЛАРИДАГИ АЗОТНИНГ ТУРЛИ БИРИКМАЛАР МИҚДОРИГА АЗОТЛИ ЎЎГИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

А.Х.Рахмонов, С.Х.Алиқулов, Ш.Ф.Мирзаев

Тошкент давлат аграр университети

Маълумки Ўзбекистон Республикаси флораси доривор ўсимликларга бой бўлиб, уларнинг турларини сони 500 та дан ортиқ. Бу ўсимликларнинг талайгина қисмини флавоноидлар сақловчи ўсимликлар ташкил қилсада, бироқ уларнинг хом ашё таркибида номи юқорида баён қилинган биологик фаол моддаларининг миқдори доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи мутахассисларнинг талабини қондирмайди. Мазкур мақолада Ўзбекистон шароити учун ноёб ҳисобланадиган тиканли артишок ўсимлигининг хом ашёси ва унинг таркибидаги флавоноидларнинг миқдорини ошириш ва атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлашга қаратилган. Маълумки азот аминокислоталар, оксиллар, нуклеин кислоталар, хлорофиллар ва бошқа бир қатор моддаларнинг таркибига кирганлиги учун азотли ўғитларнинг турли шакллари кўллашнинг муддатлари, дозалари, усуллари ва бошқалар флавоноидларнинг биосинтези ҳамда уларнинг хусусиятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатадилар.

Шунинг учун ҳам азотли озикланишни тўғри амалга оширилганда ўсимлик хом ашёси таркибида углеводлар, оксиллар, липидлар, флавоноидлар ва бошқа моддаларнинг кўп миқдорда тўпланиши кузатилади. Юқорида кўрсатилган моддаларнинг мутлоқ кўпчилиги қайтарилиш жараёнлари кучли бўлган органик моддалар гуруҳларига мансубдир. Шу сабабли ўсимликларни қайтарилиш жараёнларини стерилизация қиладиган моддалар билан озикланиши натижасида ўсимликларнинг хом ашёси таркибида турли органик моддаларнинг, жумладан флавоноидларнинг кўп миқдорда тўпланиши кузатилади. Азотли ўғитларнинг турли шакллари тиканли артишокнинг биомассаси ҳамда унинг таркибидаги флавоноидларнинг турли шакллари биосинтезга таъсирини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Фармацевтика саноати корхоналарида ишлатиладиган баъзи бир хом ашёси таркибида флавоноидлар сақловчи доривор ўсимликларнинг, жумладан тиканли артишокни хом ашёси ҳамда ундаги флавоноидлар миқдорини турли агротехник тадбирлар кўллаш орқали ошириш мумкин.

Фармацевтика саноати корхонасининг тиканли артишок ўсимлиги экиладиган далаларга маъдан, айниқса азотли ўғитларни меъридан ортиқча кўллашни хом ашё таркибини сифати ва атроф-муҳит тозалигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам тиканли артишок етиштиришда турли шаклдаги азотли ўғитларни жумладан секин таъсир қилувчи азотли ўғитларни кўлланиши, бу ўғитлар нитрификация жараёнини ингибировать қилиши ва у орқали кўлланиладиган азотли ўғитлар миқдорини тежаш ҳамда атроф муҳитнинг ифлосланишининг олдини олиш имкониятларини беради. Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари каби доривор ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳам кўлланилаётган азотли ўғитларнинг меъерини янада кўпайтириш талаб этилади. Бироқ кўлланилаётган азотли ўғитларнинг меъерини оширилиши ўз навбатида ўсимлик томонидан ўзлаштирилмай қолаётган азотнинг миқдорини ортишига сабаб бўладики у гидросфера ва тропосферанинг атроф муҳитини ифлосланишига сабаб бўлади. Юқорида баён этилган фикрларга асосланган ҳолда азотли ўғитларни ўсимлик талаб қилгандан кўра юқори меъерда кўлланилиши тупроқда, сув манбалари ва озиқа муҳитида ўсимлик фойдалана олмай қолган азотли моддаларнинг тўпланишига олиб келади. Бундан ташқари денитрификация жараёни ва турли кимёвий реакциялар натижасида азотли ўғитни N_2 ва N шаклларида йўқолиши юз беради. Бу газлар атмосферага ўтиб кўпдан-кўп нохуш ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлади.

Шу сабабли ҳам азотли ўғитнинг ўсимликлар учун самарадорлигини ошириш ҳамда атроф муҳитнинг ифлосланишини камайитиришга қаратилган тадбирларнинг олдини олиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Азотли ўғитларнинг янги шакллари яратиш ва амалда кўлланилаётган азотли ўғитларнинг азотни тупроқда стабиллашувини оширишга қаратилган тадбирларни азотли

Ўғитларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган усуллардан деб ҳисоблаш мумкин. Маълумки мочевина ва аммоний селитраси дехқончиликда қўлланилаётган азотли ўғитларнинг энг асосий шакллари ҳисобланиб, улар тупроқда ўта ҳаракатчанлиги билан характерланади. Азотли ўғитларнинг аммонийли ва амидли шакллари Марказий Осиё тупроқларининг юқори биогенлик хусусиятига эга бўлганликлари туфайли тезлик билан нитрат шаклига ўтадилар. Нитратларнинг тупроқда катта ҳаракатчанлик каби қобилятига эга бўлиши уларнинг ёз вақтида ўсимликларни суғорилганда тупроқни чуқур қатламларига ювилиб кетишига олиб келади. Суғориш тўхтатилгандан кейин эса намликнинг юқорига кўтарилувчи оқими билан тупроқни юқори қатламларида, пушталарида 0-5 см чуқурликда кўп миқдорда тўпланади ва шу орқали бў азотли ўғитларнинг самарадорлиги камаёди. Бундан ташқари азотли ўғитни бир қисми газ шаклида (NO N_2) ҳавога учиб чиқиб кетиши ёки тупроқнинг остки қатламларига ювилиб кетиши натижасида ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмай қолади. Азотли ўғитни суғорганда ёки ёмғир сувлари билан ювилиб кетиши асосан нитратлар ёки нитритлар шаклида юз беради. Азотли ўғитларнинг самарадорлигини оширишнинг энг қулай усулларида бири бў ўсимликларни парвариш қилишда секин таъсир қилувчи азотли ўғит шакллари қўллаш ҳисобланади.

Маълумки азот элементи ўсимликларда учрайдиган аминокислоталар, оқсиллар, ферментлар, нуклеин кислоталари, хлорофиллар, фосфатидлар, алкалоидлар ва кўплаб бошқа ҳар хил моддаларнинг таркибига киради. Табиийки номлари юқорида зикр қилинган моддаларнинг биосинтезини кўпайиш ёки камайиш томонга ўзгариши ўсимликларнинг хўжалик учун фойдали бўлган ҳосилини, шу жумладан доривор гиёҳларнинг хом ашёси ва уларнинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдорига сезиларли даражада таъсир этади. Ўз таркибида азот элементини сақловчи моддаларнинг миқдорини у ёки бу томонга ўзгариши ўсимликларнинг организмда, жумладан доривор гиёҳлардаги биологик фаол моддаларнинг миқдори ва уларнинг сифати ҳақида олдиндан башорат қилиш имкониятини яратади. Зикр қилинган мулоҳазаларнинг ҳаммаси азотли ўғитларнинг турли шакллари ўсимликларнинг, шулар қатори бир йиллик артишок таркибидаги азотнинг турли бирикмаларини миқдорига таъсирини ўрганишда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ўз тадқиқотларимизда азотли ўғитларнинг ҳар хил шакллари артишок таркибидаги азотнинг турли бирикмаларини миқдорига таъсирини ўрганилди. Тадқиқотларда артишокнинг баргларидаги азотнинг турли бирикмаларини миқдорига таъсирини Б.П. Плешков усули ёрдамида аниқланди.

Тупроқ иқлим шароити ўсимликларнинг тури, нави, генетик хусусиятлари, сув ва озика элементлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда бошқа кўпдан-кўп омилларнинг таъсирида уларнинг барглари тўқималари таркибидаги умумий азотнинг миқдори катта диапазонда ўзгариб туради. Масалан кўпчилик ўсимликларнинг янги қавлаб олинган илдиэлари ва илдиэ пояларида умумий азотнинг миқдори ҳўл оғирликка нисбатан 1,1-0,2 % ни, картошка туганагида 0,3-0,5 % ни, кўпчилик ўсимликларнинг баргаларида 0,3-1,0 % ни, ғалладош ўсимликларнинг уруғларида эса 4,0-6,0 % ни ташкил этади.

ТАНАЗЗУЛГА УЧРАГАН ВА ШўРЛАНГАН ЕРЛАРДА ЖИЙДАЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ

С.А.Турдиев, Ж.Номозов

Тошкент давлат аграр университети

Жийда дарахт кўпгина қимматли хўжалик-биологик белгиларга эга бўлиб, пластик ўсимлик сифатида турли ноқулай шароитларга яхши мослашади, шу сабабли у ўрмон хўжалигида шўрланган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.

Жийда дарахти шўрга чидамлигига кўра саксавул, шўра, қандим ва юлғундан кейинги ўринда туради. Жийда дарахти таркибида 3,5% гача тузлар мавжуд шўрхок тупроқларда бемалол ўса олади.

Кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида шўр тупроқларда барпо этилган жийдазорларни минераллашган ер ости сувлари билан суғориш, яхши ўсиб ривожланиш ва ҳосилга киришини таъминлайди

Қурғоқчиликка ва тузга чидамлилиги, тупроқ шароитларига талабчан эмаслиги ҳамда вегетатив кўпайишга мойиллиги жийда турларини ўрмон мелиорациясида қимматли дарахт сифатида кенг қўлланишига олиб келган. Жийда турлари ташқи муҳит ўзгаришига мослашган ҳолда модда алмашувини бошқариш хусусиятига эга, шу сабабли ҳам у зарур пайтларда гидроморфлик, мезоморфлик ва ксероморфлик хусусиятларини намоён қила олади.

Кўпгина дуккакли дарахт-буталар шу жумладан жийда турлари ҳам тупроқдаги озик моддалар ва сувни микориза ҳосил қилувчи замбуруғлар ёрдамида ўзлаштирадilar. Жийда илдиздаги тугунаклар уларни азотни ўзлаштирувчи бактериялар билан зарарлангандан кейин пайдо бўлади. Бактериялар ўсимлик илдизига илдиз попуклари орқали киради ва илдиз пўстлоғи остида тугунаклар шаклида тўпланади.

Тугунакли ҳосилалар морфологик думалок, гуручсимон, оқиш кораллсимон, баъзан шингилсимон кўринишга эга бўлиб, улар ўсимлик илдизи билан боғланган. Ўртача катталиқдаги ҳар бир кўчат илдизларида ўртача 1,3 грамм гача, тугунакларнинг диаметри 1-1,5 мм. Ушбу тугунакли бактериялар жийда кўчати илдизига 70-80 кун мобайнида шаклланадилар ва 100-120 кун мобайнида тўлиқ азотни ўзлаштириш хусусиятларини намоён қиладилар ва дарахтнинг интенсив ўсишини таъминлайдилар.



Расм. Жийда илдизларида шаклланган микориза ҳосилалари

Жийдадошларнинг ушбу муҳим атмосфера азотини ўзлаштириш хусусияти ўсимликни яхши ўсиб ривожланишини таъминлайди, жийдазорлар остидаги тупроқ йилига дарахтлар қалинлигига қараб 30-180 кг/га азотга бойийди.

Жийданинг новда қаламчаларини илдиз олдириш усулида кўчатларини етиштириш уни кўплаб генетик бир хил клонлар олинишини таъминлайди. Кўчатларни интенсив ўсиши ва ривожланиши ёзнинг иккинчи ярмида қайд этилди. Бир йиллик кўчатларнинг ўртача баландлиги вегетация охирида 70-221 см ни (макс 300 см), кўчатларни сақланиши 60-88% ташкил этади [1].

Етиштирилган кўчатларнинг 80% дан ортиғи стандарт кўчатлар ҳисобланадилар. Кўчатларни жийдазорга экиш асосан эрта баҳорда, лалмикор ерларда 4 x 4 м ва 4 x 5 м, суғориш имконияти қисман мавжуд ерларда 5 x 5 ёки 6 x 6 м схемаларда юқори агротехник талблар асосида экилади. Жийдазорларни суғориш учун коллекторларнинг минераллашган сувларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўчатлар олдиндан 40 x 50 x 50 см ўлчамда қовланган чуқурликларга экилади.

Чуқурликни пастки диаметри 50 см да бўлиши илдизларни яхши шаклланишига қулайлик туғдиради. Жийда кўчатларини илдизлари экиш олдиндан махсус органик ўғит, майдаланган тугунакли бактериялар, тупроқ ва сув қўшиб тайёрланган лойқа-бўтқага ботириб олинади. Кўчатлар экилгач тупроқ зичланади ва кўчатлар атрофи мульчланади, кўчат қаторлари бўйлаб ариқча олинади ва захлатиб суғорилади. Суғорилмайдиган лалмикор ерларда кўчат қаторлари бўйлаб ариқча олинади ва кўчатларнинг остида табиий ёгинғарчилик сувлари йиғиладиган жой очилади.

Шундай қилиб, лалмикор ерларда 4 x 4 схемада барпо этиладиган плантацияда 625, дона, 5 x 4 м схемада эса 500 дона, суғориладиган ерларда барпо этиладиган плантацияда 6 x 5 схемада 333 дана, 6 x 6 схемада барпо этилган плантацияда эса 278 дона, жийда кўчатларини жойлаштириш имконини беради. Жийда плантацияларида олиб бориладиган асосий агротехник тадбирлардан бири

тарвақайлаган шохларини кесиш яъни узун буташ шаклида кесиш -суғоришга эътибор қаратилади. Тупроқ намлигини 50-60% йўқотмасдан экилган кўчатларни суғориш уларни ривожланишига ва бўлғуси ҳосилдорлигига ижобий натижа кўрсатади.

Шу сабабли жийда дарахтини шўрланган, таназулга юз тутган, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ва унумсиз ерларда экишда айнан шу қимматли биологик хусусиятини ҳисобга олиш зарур. Жийда дарахтини унумдорлиги паст ерларда яхши ўсиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашининг сири ҳам айнан шу микориза ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолатдир.

Жийда дарахти тупроқни азотга бойитади, мевалар беради ва озик овқат ҳамда дориворлик аҳамиятига эга ўрмон ва халқ хўжалиги учун қимматли ўсимликдир.

ГЛОБАЛЬНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОСТИ

¹Р.Н.Холмуратов, ²З.З.Абдиалимов
¹ТИТУ, ²ТГАУ

Стремительное развитие научно-технического прогресса и рост масштабов хозяйственной деятельности человека, усилили отрицательное воздействие на природу, привели к нарушению экологического равновесия на планете.

Действие научно-технического прогресса здесь ярко проявляется в росте тяжелой промышленности, аграрного сектора, а также в энергетике, которая является основой для развития базовых отраслей народного хозяйства. Масштабная производственная деятельность приводит к потреблению большого количества энергии, кислорода и вызывает значительные выбросы в атмосферу различных вредных газов.

Глобальное загрязнение всей биосферы, воздушной и водной среды, почв и подземных вод вызвано выбросами промышленных предприятий, бытовыми и хозяйственными отходами, неправильным применением ядохимикатов и удобрений.

Но несоблюдение элементарных правил поведения в окружающей нас природной среде уже отразилось и отражаются на жизни современного человечества. Следует отметить, что каждая экологическая катастрофа может унести жизни многих тысяч людей, но и повседневное загрязнение окружающей среды каждым из нас будут напоминать о себе еще не одно столетие. Неоспорим тот факт, что вмешательство человечества во все сферы природы вызывает резкое ухудшение состояния экологических систем, иногда даже гибель уникальных природных комплексов, сокращение и исчезновение популяций отдельных видов растений и животных, изменения в структурах экологических сфер, которые могут привести к непрогнозируемым отрицательным последствиям.

В результате структурных преобразований, проводимых в Узбекистане, произошли серьезные прогрессивные сдвиги в решении проблем охраны окружающей среды, организации рационального природопользования, воспроизводства энергетических ресурсов на основе возобновляемых источников энергии, обеспечения экологической безопасности населения и экологических систем.

Политика экологической безопасности Республики Узбекистан проводится на основе Конституции, Законодательства, Концепции национальной безопасности Республики Узбекистан, принципов международных Деклараций по окружающей среде и устойчивому развитию, с учетом обязательств Республики, вытекающих из международных конвенций и соглашений. Экологическая политика нашей страны направлена на осуществление перехода от защиты отдельных элементов природы к всеобщей защите экосистем, гарантирования оптимальных параметров жизненной среды обитания человека. Реализация такой экологической политики должна стать одним из основных условий устойчивого развития экономики и общества в целом.

Актуальность данной проблемы обусловлена и необходимостью смены системы ценностей, ухода от одностороннего технократического подхода к природе, необходимостью учета при ее освоении и использовании законов природы.

Каждая эпоха в развитии общества оказывала определенное воздействие на природу. Антропогенная деятельность человека год - за годом усиливалась, вследствие чего природа разрушалась. К антропогенным факторам относятся все формы деятельности общества, приводящие к изменению природы, как среды обитания других видов. В ходе истории человечества развитие сельского хозяйства, промышленности и транспорта сильно изменило экологию планеты. Антропогенные воздействия на весь живой мир земли продолжают стремительно возрастать.

В результате техногенной и природной катастрофы в атомных электростанциях городах Чернобыль и Фукусима погибли огромные количества людей, впоследствии которого, до сих пор продолжается излучение людей.

Состоящая конференция в Индонезии, в декабре 2007 года, указала, что повышается температура атмосферы. Прогноз утверждает, на ближайшие годы температура воздуха повысится на 5⁰С, и впоследствии население африканского континента вынуждены мигрировать в другие страны.

Явления, происходящие в результате экологической катастрофы, не имеют определенной территории и границ. Только добрыми помыслами и поступками можно спасти родную природу.

Человек в процессе своего исторического развития, все в большей мере вмешивается в природные процессы, небрежно извлекая из природы нужные ему вещества, выбрасывая в окружающую среду отходы производства.

Воздействие человека на природу в последние десятилетия стало настолько велико, что коренным образом меняет лицо нашей планеты.

На фоне загрязнения окружающей среды, у людей, в последнее время, значительно возросли различные заболевания. Вопрос охраны окружающей среды перешагнул государственные границы и приобрел глобальный характер.

Человечество желает найти решение экологических проблем. Эти проблемы разделяются на три группы: глобальные, региональные и местные.

Ученые пришли к выводу о том, что в течение последних ста лет температура воздуха нашей планеты повысилась на 1⁰С. В результате айсберги тают, и земля вместе с флорой и фауной останется под водой. Причиной тому послужат увеличение количества СО₂ в атмосфере и другие экологические факторы.

По данным специалистов, ежегодно в атмосферный воздух поступает около 4 млн. тонн вредных веществ. Около половины из них - окись углерода; 15% - выбросы углеводородов; 14% - двуокись серы; 9% - окисей азота; 8% - твердых веществ и около 4% приходится на увеличение концентрации углерода в атмосфере. Это приводит к повышению температуры воздуха земли, глобального парникового эффекта.

Согласно Киотскому Протоколу, промышленно-развитые страны взяли на себя четкие обязательства сократить эмиссию парниковых газов до определенного предела.

В последние года в отношении между обществом и природой наблюдаются противоречия. Примером, служит экологическая катастрофа XX века – Аральское море. Трагедия Аральского моря оказывает отрицательное воздействие на людей и природу в Средней Азии и Казахстане. В этом регионе за один год в атмосферу выбрасывается 100 млн. тонн пыли и соли, в результате чего загрязняются воздух, вода и почва. В одном литре морской воды Арала содержится 40-50 граммов соли.

Президент Узбекистана И.А.Каримов, неоднократно выступая на заседаниях ООН, подчеркивал, что эта проблема является глобальной.

Часть магистральных коллекторов (Главный Пойменный — ГПК, Шурузяк, Западный, Северный и Концевой) впадает в Сырдарью, а остальные (Арнасайский, Кызылкумский, Центрально-Голодностепский — ЦГК) сбрасывают воду в Арнасайское понижение.

Управление мелиоративных систем в Голодной степи и Сырдарьинском ОблУОСе было организовано в 1963 г. Начиная с этого времени проводится ежемесячный отбор проб коллекторное дренажных вод на химический анализ. В настоящее время оно входит в состав Нижне-Сырдарьинского бассейнового управления ирригационных систем (БУИС).

Наименьшая минерализация (0,65 г/л) была установлена в коллекторе К-1, а наибольшая (5,59 г/л)—в Машинном коллекторе. Наибольшие расходы воды (22,9—30,25 м³/с) наблюдались в Центрально-Голодностепском коллекторе.

Согласно проведенному анализу, состав дренажных вод преимущественно хлоридно-сульфатный — кальциево-магниевый-натриевый (ХС — КМН).

Для лучшей водообеспеченности земель построено Джизакское водохранилище объемом 60 млн. м³, питающееся стоком р. Санзар.

Дренажные воды отводятся р. Клы и коллекторами Токурса-ем, Акбулакским, Пограничным и Кутайли. Минерализация воды в них изменяется от 2,6 до 5,3 г/л, состав воды преимущественно сульфатно-натриевый (С — Н).

В Арнасайском понижении минерализация воды неодинакова: наиболее повышена она в приплотинной зоне, а также в районе впадения коллекторов Акбулак и Клы — до 13—15 г/л, в южной части (бывшее оз. Тузкан)—9—10 г/л и в западной части—4—6 г/л; по составу вода везде сульфатно-натриевая (С — Н). Использование этой воды для орошения требует глубокого обоснования с постановкой полевых опытов.

Заключение. Наиболее крупные коллекторы Голодной степи: Баяутский, Джетысайский, Центрально-Голодностепский, Шурузяк, Главный пойменный. Средняя минерализация воды в рассматриваемых коллекторах изменяется в настоящее время от 2,29 (ГПК-С) до 5,51 г/л (ЦГК). Состав воды в большинстве коллекторов хлоридно-сульфатный — кальциево-магниевый-натриевый (ХС-КМН), а в Джетысайском и ЦГК — хлоридно-сульфатный — магниевый-натриевый (ХС-МП) (табл. 20). Центральный Голодностепский коллектор образуется ниже слияния Джетысайского и Баяутского коллекторов.

В настоящее время коллекторные воды Голодной степи без всякого учета сбрасываются в р. Сырдарью и Арнасайскую впадину.

К использованию воды перечисленных выше коллекторов нужно подходить дифференцированно. Воду из Шурузяка и Главного Пойменного коллектора целесообразно использовать для промывок засоленных почв, освобождая при этом объемы пресной речной воды, которые можно использовать в нижележащих орошаемых массивах бассейна Сырдарьи. Эту воду можно также частично использовать для орошения хлопчатника, риса, кормовых культур в следующих вариантах: при смешении с речной водой и без смешения. В обоих случаях необходимо соблюдать необходимые требования (выбор почв с легким механическим составом, наличие необходимой дренажной сети, создание отрицательного баланса и др.). Конкретный объем используемых вод должен определяться расчетным путем для каждого коллектора.

Воду из Баяутского, Джетысайского и Центрально-Голодностепского коллекторов лучше всего использовать для промывок солончаков или для орошения солеустойчивых культур на пустующих целинных землях (с выбором участков легкого механического состава).

Воду Центрально-Голодностепского коллектора можно использовать и для создания водного природного комплекса (ВПК) им базе Арнасайского водоема. Для этого необходимо добиться, чтобы минерализация воды во всех его зонах не превышала 8 г/л (биологический барьер для ценных пород рыб).


При пользовании коллекторными водами в их нижних участках необходимо построить различные по объему «пруды-стокохранилища». Величина используемого для (различных целей) объема коллекторных вод зависит не только от расходов воды в коллекторах, но и от существующих отраслевых норм водопотребления.

Проблема использования коллекторных вод в народном хозяйстве в перспективе, по нашему мнению, не потеряет своей актуальности, несмотря на постоянное развитие способов орошения и

мелиорации (в рамках общего научно-технического прогресса), направленных на уменьшение безвозвратных потерь внутри орошаемых массивов и увеличение коэффициентов полезного действия оросительных систем, в перспективе отвод коллекторных вод из оазисов, несомненно, сохранится, по крайней мере, в ближайшие 25—35 лет. Поэтому приведенные рекомендации по унифицированию коллекторных вод можно использовать и в будущем.

1-расм

Кузги бугдойнинг суғориш режимини мослаштирилган ФАО қўлланмаси билан графо-аналитик усули билан аниқлаштириш



Кузги бугдойни суғориш режимлари ва меъёрларини асослашда метеоролагик шароитларни хар-хил таминланиши ва экиш технологиясини ҳисобга олишни керак.

Кузги бугдойни суғориш режимига метеоролагик шароитларини ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш учун асосий параметр сифатида унинг вегетация вақтидаги атмосфера ёгинларини ёгиндиси қабул қилиш мақсадга мофикдир. Ёгингарчиликни кўп йиллар мобайнида ва ойма-ойига вегетация даврида ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш учун В.И.Мокляк услуги билан фойдаланиш мақсадга мофикдир. Хар-хил фойзда таминланган ёгинлар асосида ва адаптация қилинган ФАО услуги билан кузги бугдойни суғориш режимини ҳисоб-китоб қилиш учун 25%,50%,90% анолог йиллар қабул қилинади.

3-жадвал

Суғориш меъёрлари ва сони(2014-2015йй.)

№	Экин тури	Сизот сувлари сатҳи, м	Суғоришлар					Суғориш меъёри, м ³ /га	
			Нам сув бериш (яхоб суви), м ³ /га	1	2	3	4		5
5	Кузги бугдой 20%	1.2	900 (25.10)	-	-	-	-	-	900
6		2.0	900 (22.10)	476 (16.04)	556 (01.05)	556 (15.05)	-	-	2489
7		3.0	900 (27.10)	476 (18.03)	476 (08.04)	476 (22.04)	556 (05.05)	556 (20.05)	3442
8	Кузги бугдой 50%	1.2	900 (23.10)	-	-	-	-	-	900
9		2.0	900 (28.10)	476 (18.04)	556 (02.05)	556 (15.05)	556 (28.05)	-	3045
10		3.0	900 (27.10)	476 (22.03)	476 (14.04)	476 (27.04)	556 (10.05)	556 (20.05)	3442
11	Кузги бугдой 90%	1.2	900 (23.10)	-	-	-	-	-	900
12		2.0	900 (25.10)	476 (11.04)	476 (24.04)	556 (06.05)	556 (18.05)	-	3006
13		3.0	900 (27.10)	476 (17.03)	476 (19.04)	476 (29.04)	557 (09.05)	557 (19.05)	3442

Хулоса. Халқаро методика ФАО маҳаллий шароитга дала тажрибалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган тафсиялар асосида мослаштириб қўлланиши зарур. Келтирилган кузги буғдой суғориш режимини амалётда қўллаш тафсия этилади. 2000-2013 йиллардаги атмосфера ёғинларининг 20, 50 ва 90 % ли таъминланганлик натижасига тўғри келган реал йиллар 2001-2002; 2006-2007; 2000-2001 танланди ва кузги буғдой вегетацияси учун суғориш меъёрлари ва сони аниқланди.

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI XUDUDIDAGI ER TUPROQ SHAROITIDA "TOPINAMBUR YETISHTIRISH"

O.Babajanov

Toshkent davlat agrar universiteti

Qoraqalpog'iston respublikasi xududi haqida qisqacha ma'lumot: Tabiiy-geografik sharoitni turli xilma-xilligi tasirida tipik saxro avtomorf tuproqlar bilan bir qatorda azonal (zonaga xos bo'lmagan) gidromorf tuproqlar tarkib topgan. Ular orasida sur tusli qo'ng'ir, qumli-cho'l, taqirli tuproqlar va taqirlar, qoldiq gidromorf ,o'tloqi va botqoq-o'tloqi shuningdek qantinentall xamda dengiz bo'yi bazida sho'rxok tuproqlar mavjud. Sug'oriladigan dexqonchilikda foydalaniladigan yerlar irrigatsiya-melioratsiyalash ishlarini va uzoqmuddat sug'orish natijasida vegetatsiya davomida sug'orish va sho'ryuvish uchun qulay nishablikgacha tekislanadi. Tuproq xosil qiluvchi jinslarning litalo'gik kesimi Amudaryoning allyuvial (qayir) oqizma loyqalardan tarkib topgan va juda murakkab qatlamli tuzilishga ega. Butun allyuvial qatlam mehanik tarkibni xam kesma va shuningdek maydon bo'yicha tez-tez keskin o'zgarishi bilan tasniflanadi.

Xududni gidrogeologik va meliorativ sharoitlari noqulay, bu esa er osti suvlari oqmining umumiy sustligi bilan bog'liqdir. Bunga sabab deltaning kuchsiz nishabliligi, yuqori changliligi bilan ajraladigan tuproq xosil qiluvchi jinslarning tarkibi va tuproq-zamin qatlamining tuzilishida bir tekis suv o'tkazuvchi qatlamlarning mavjud bo'lmaganligi. Shuning uchun bu yerda sizo't suvlarining joylanish chuqurligi rejimi ularning kirimi va chiqimi nisbati bilan belgilandi. Sizo't suvlarining oqimi sustligi hisobiga suvning sarfi asosan parlanish va o'simliklarning transpiratsiyasi orqali bo'lishligi minerallanish darajasini xilma-xilligini belgilaydi va u kuchsizdan o'ta kuchli sho'rланishgacha farqlanadi. Shunday qiyin sharoitda xam bu o'simlik o'sib rivojlana oladi.

O'simlikning tarkibi va foydali xususiyatlari: Topinambur tuganagidagi S va V vitaminlari kartoshka tuganagiga nisbatan 2 barobar ko'p, unda temir, kalsiy mikroelementlari kartoshka, sabzi, lavlagiga nisbatan yukori saqlaydi. Bundan tashqari uglevodlar ya'ni inulin saqlaydi va bu inson organizmda fruktozagacha parchalanadi. Bu esa qandli diabet bilan og'rigan bemorlarga ijobiy tasir qiladi. Topinambur oshqozon ichak kasallik lariga, buyraktoshi, kamqonlik holatlarda tuganaklari o'simtalaridan tayyorlangan parhez taomlar tavsiya etiladi. Topinambur to'yimli, chorvachilik uchun yaxshi, silosbop, senaj bostirishga qulay o'simlikdir. O'simlik qishloq xo'jaligida chorva mollari, echki, qo'y, ot, kuyonlar sevib iste'mol qiladilar, oziq-ovqat sifatida kartoshkaga teng bo'lib, turli xilsalatlar, pishiriqlar, ovqatlar tayyorlash mumkin.

Eng muhimi yukori ko'payish koeffisientiga ega, arzon, ekologik toza mahsulot hisoblanadi. Topinambur farmasevtika sanoatida qimmatli xom-ashyo ekanligini aytib, undan sof inulinni ajratib olish texnologiyasi ishlab chiqilgan. Topinamburni qo'lda ko'mib, yangiligicha, qovurilgan, qaynatilgan va quritilgan holda iste'mol qilish mumkin. Uy sharoitida dietikpivo, sharbat tayyorlash mumkin.

Bugungi kunda dunyo bo'yicha qandli diabet kasalligidan 150 milliondan ortiq aholi aziyat chekmoqda. Markaziy Osiyoning 2 foiz, respublikamizda esa 3,0-7,8 foiz aholi ushbu kasallikka chalinganligi va yildan-yilga qandli diabet bilan og'riyotgan bemorlar soni ortib borayotganligi aniqlangan (2006). Qandli diabet kasalligi yurak sistemasi, miya, buyrak va ko'z tomirlarini zararlantirib, infarkt, miokard, insult, gangrena va ko'r bo'lib qolishdek hafli kasalliklarni rivojlanishiga sabab bo'lishi haqidagi ko'plab ma'lumotlarni keltirish mumkin. Endokrinologiy ailmiiy-tadqiqot instituti olimlari tomonidan so'ngi o'n yillik kuzatishlar natijasi tahlil qilinganda esa, respublikamizda yildan-yilga qandli diabet bilan og'riyotgan bemorlar soni 6-8 foizga ortib borayotganligi qayd etiladi. Bundan tashqari bu kasallik yosh bolalarda xam uchramoqda.

ВЛИЯНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ СОВРЕМЕННОГО МИРА НА СОЦИАЛЬНОЕ ТВОРЧЕСТВО МОЛОДЕЖИ

С.Газинарова

Ташкентский институт ирригации и мелиорации

Отмечают три следующие основные особенности, которые теснейшим образом взаимосвязаны и взаимообусловлены:

Во первых, мир становится все более дифференцированным.

Во вторых, мир стремительно изменяется и скорость осуществления процессов изменений, охватывающих все большее количество сфер человеческой жизнедеятельности, становится с каждым годом быстрее.

И в третьих, мир наполняется все большим количеством информации. Другими словами, мир становится все более разнообразным, изменчивым и наполненным информацией.

Итак, подобная дифференциация мира самым непосредственным образом влияет на процесс жизнедеятельности и самое главное, на развитие человека, во многом оптимизируя его и, одновременно усложняя.

Итак на современном этапе развития общества, человек, принимая решение любого уровня и направленности, постоянно оказывается перед выбором, осуществляя который он должен учитывать большое количество разнообразных факторов. Для того, чтобы жизнедеятельность в условиях подобной многофакторности была оптимально соответствующей реальности и эффективной, человеку необходимо обладать гибким, вариативным и мобильным мышлением, которое, в свою очередь, необходимо развивать. Развитие данных качеств мышления невозможно без развития навыков творческой деятельности вообще. Очевидно, что процесс развития навыков творческой деятельности наиболее эффективен, когда он осуществляется с детства и молодости - в этом возрасте человек лучше усваивает всё новое, объективно его сознание более гибко, нежели в зрелом возрасте (хотя сегодня, опять же, имеется много исключений). В детстве и молодости человека важны даже не столько освоение опыты творческой деятельности (любой опыта – это, в первую очередь, стандарты и стереотипы, что не вполне соответствует самой сути понятия «творчество»), сколько сохранение и реализация того богатейшего индивидуального творческого потенциала, которым изначально, от рождения, обладает любой человек. Соответственно, актуальным становится вопрос о создании определенных социальных и педагогических условий, оптимизирующих процесс актуализации, развития и реализации творческого потенциала формирующейся личности. Именно творческий потенциал его развития применение является движущей силой эффективных рыночных отношений в Узбекистане.

В сложившихся условиях родители и педагоги должны акцентировать свои усилия на развитии способностей своих детей и воспитанников самостоятельно действовать и принимать конструктивные решения. Это позволяет создавать креативную среду, благоприятную для развития творческих способностей человека.

Информация сегодня становится все более доступной, причём, практически в любом объеме и по любому вопросу. Многочисленные, разнообразные и стремительно совершенствующиеся средства связи позволяют не только передавать большие объемы информации в минимальные единицы времени и на максимальные единицы пространства, но также размножать и хранить её. Расчет количества возможных источников получения информации. Всё это делает практически невозможным осуществление контроля над процессом получения информации отдельным человеком, живущим в современном обществе. К примеру, родители и педагоги сегодня должны особенно чётко осознавать, что наряду с той информацией, которую дают растущему человеку они, ребенок или молодой человек получает большие объёмы различной информации (в том числе противоречащей информации родителей и педагогов) из многих других источников. Это делает процесс социализации и образования личности более стихийным, бессистемным, часто подверженным случайным факторам.

Почти на каждого современного человека ежедневно обрушиваются мощные потоки информации самого разного рода, отдельные разделы которой (особенно, имеющие оценочное суждения) часто бывают диаметрально противоположными, разнонаправленными и по разному эмоционально окрашенными.

Человеку становится всё сложнее осваивать получаемую им информацию, объем которой продолжает расти. В результате особенно острой становится проблема нехватки времени (которое

преимущественно тратится на освоение информации), понижается стрессоустойчивость личности и др.

Особенно тяжело приходится детям и молодым людям, у которых во многом ещё не сформировались и не закрепились чёткие представления об истинности, выраженные в ценностных ориентациях, моральных принципах, жизненных кредо. Неокрепшее сознание попадает под самый настоящий информационный удар, где подавляющий процент - это информация довольно низкого качества. Медики в начале XXI в. Фиксируют новое заболевание, особенно у молодых людей, принимающие характер эпидемии «кибершизофрении», в основе которой лежит «интернет - зависимость». Несформировавшаяся, неокрепшая ещё личность молодого человека вместо реального самосовершенствования и духовной работы над собой вполне может (по сколько это легче) выбрать мир виртуальных иллюзий, алкоголь или наркотики.

Сегодня как никогда ранее, важно включать детей и молодых людей в реальные, «живые» социальные отношения, благодаря которым он сможет освоить мир таким, какой он есть, стать не только частью этого мира, но и его строителем. Именно «строительство» мира, его творчество - миротворчество (выстраивание гармоничных, созидательных отношений с окружающими людьми, организация взаимопродуктивного общения с ними и т.п.) – даёт возможность молодому человеку, во первых, получать актуальную, объективную, целостную информацию об окружающем мире и о себе, а во вторых, изменять само содержание этой информации, делая его более позитивно окрашенным.

И, поэтому, сегодня человеку необходимо:

- активно участвовать в реальной практической деятельности;
- критически, много аспектное и, одновременно, мобильно и гибко осмысливать получаемую информацию.

Таким образом, говоря о развитии детей и молодых людей в современном мире, можно выделить два основных направления в организации педагогической профилактики, нейтрализации и разрешения обозначенных выше проблем, вытекающих из особенностей и тенденций развития современного мира (социальной реальности):

1) Привлечение детей и молодежи к активному и самостоятельному участию в различных формах социальной практики;

2) Создание благоприятных условий для развития творческих особенностей детей и молодёжи, привлекая их к научному творчеству через участия в экспериментах, внедряя результаты своих исследований и используя в производстве.

Научная творчество – сфера исследовательской деятельности, на получение новых знаний о природе, обществе и мышлении. Эксперимент в ходе развития науки выступал мощным средством исследования явлений природы и технических объектов. Но лишь сравнительно недавно он стал предметом исследования. Пристальное внимание ученых и инженеров к тому, как лучше и эффективней проводить эксперимент, возникало не случайно, а является следствием достигнутого уровня и масштаба экспериментальных работ на современном этапе развития науки и техники.

Этот этап рассматриваемой точки зрения характеризуется ростом общего числа проводимых экспериментальных работ; увеличением количества специалистов, занимающихся экспериментальной деятельностью; существенным усложнением объектов исследования и используемого экспериментального оборудования; тенденций к удлинению среднего времени экспериментирования и удорожанию исследований, начавшихся процессом внедрения средств и систем автоматизации эксперимента. Известно, что новая наука может возникнуть, если существует объективная необходимость ее появления и имеется предмет новой науки, представляющий общенаучный интерес. Сказанное в полной мере относится к теории планирования эксперимента. Предмет исследования этого научного направления – эксперимент. Однако особенности планирования, постановки эксперимента рассматриваются и в физике, и в химии, и в прикладных науках. Для того, чтобы эксперимент стал предметом исследования отдельного научного направления, необходимо, чтобы он характеризовался некоторыми чертами, общими для любого эксперимента независимо от того, в какой конкретной области знаний эксперимент проводится, а именно:

- контролировать любой эксперимент, т.е. исключать влияние внешних переменных, не принятых исследователем по тем или иным причинам к рассмотрению;
- определять точность измерительных приборов и получаемых данных;
- уменьшать до разумных пределов число переменных в эксперименте;
- составлять план проведения эксперимента, наилучший с той или иной точки зрения;

- проверять правильность полученных результатов и их точность;
- выбирать способ обработки экспериментальных данных и форму представления результатов;
- анализировать полученные результаты и давать их интерпретацию в терминах той области, где эксперимент проводится.

Создание необходимых условий для молодежи для научного творчества с последующим применением новых результатов и получением прибыли в современных рыночно - ориентированных условиях является необходимостью, если мы хотим развивать и эффективно использовать огромный творческий потенциал молодежи.

В многих развитых странах развитие осуществляется во многом благодаря созданию свобода вебера творчества и условий для практического применения полученных новых знаний. Правильное использование этого опыта может быть осуществлено через изучение их особенностей во всех их проявлениях и сферах деятельности.

БЕЗОПАСНАЯ РАБОТА НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР В ОТРАСЛИ СЕЛЬСКОГО И ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА

С.Газинарова

Ташкентский институт ирригации и мелиорации

В современных условиях развития Узбекистана решение производственных, технических, социальных и других проблем в многом зависит от степени развития наука, создания новых знаний и широкого внедрения их в практике хозяйствования республики. Всесторонняя поддержка научной и инновационной деятельности под руководством Президента Ислама Каримова дает мощный импульс экономическому росту нашей страны, расширению масштабов научно – исследовательских работ, защите и дальнейшему развитию интеллектуальной собственности, внедрения новых изобретений в производство, выпуска экспортноориентированной продукции, экономии природных ресурсов, обеспечению экологической стабильности. Этим целям служат постановление главы нашего государства «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производства» от 15 июля 2008 года и Указ о Программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизация и диверсификации производства на 2015 – 2019 годы от 4 марта 2015 года.

Научные сотрудники института «Энергетика и автоматика» Узбекистана разработали инновационные разработки по энергосбережению и альтернативной энергетике. Так, группой авторов была разработана микрогидроэлектростанция, работающая при помощи водяного колеса и гидравлической турбины. Она предназначена для бесперебойного снабжения электроэнергией объектов в труднодоступных местностях – небольших населенных пунктов, пастбищ, гидрометеостанций и других. МикроГЭС отличается высокой экологичностью, полностью сохраняет природный ландшафт и окружающую среду. Первый опытный образец установлен в одном из фермерских хозяйств Уртачирчикского района и демонстрирует отличные результаты выработки энергии.

Огромное внимание уделяется такому направлению, как использование альтернативных источников энергии. Для промышленных предприятий и субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства заработал еще один новый раздел – «Энерго и ресурсосберегающие технологии». Здесь представлены разработки по экономии энергетических ресурсов, эффективным методам использования возобновляемых источников энергии, энергосберегающих зданий и сооружений, а также по энергетическому аудиту.

Созданное на научной базе Ферганского политехнического института с привлечением иностранного инвестора ООО “Maidai-zoi-Invest” защитное энергосберегающее покрытие и наночастиц. Это вещество идентично обычной краске и наносится на различные технологические устройство. Нанопокрывание застывает за пять минут и надежно сберегают тепловую энергию. Слой в один миллиметр способен выдержать до 650 градусов тепла. Старые аналоги и теплоизоляторы – пенопласт и стекловата – могут показать такой результат лишь в пятисантиметровом слое. К тому же инновация ферганских ученых в 2 – 3 раза дешевле других изоляторов.

Особенно актуальными становятся вопросы, связанно с обеспечением безопасностей жизнедеятельности человека производства и защиты их от действия опасных, вредных факторов. Во всем мире происходит множество чрезвычайных ситуаций, различного характера и степени опасности, которые сопровождаются авариями, катастрофами, загрязнением окружающей среды,

промышленными отходами, вредными, и опасными веществами, что может приводить к стихийным бедствиям и даже локальным войнам. В условиях глобализации мировой экономики такие войны усиливают потенциальные конфликты, стимулируют терроризм и приводят порой к катастрофическим результатам, разрушениям, страданиям населения и даже смерти. Эти тенденции нежелательного негативного развития и ликвидации последствий их действия связаны с значительными финансовыми, экономико-социальным затратам.

Поэтому во всем мире стремятся умело и грамотно противостоять последствиям возникновения таких опасностей в чрезвычайных ситуациях, направляя основные усилия на их предупреждения, прогнозирование через развития науки, менеджмента, совершенствования стратегии и тактики управления безопасной жизнедеятельности в стране.

В разные периоды развития стран меняются приоритеты отраслей экономики в зависимости от потребностей и значимости их результатов. Можно признать поэтому отрасль безопасности жизнедеятельности человека на современном этапе и в будущем важнейшей приоритетной отраслью экономики в Узбекистане и в других странах.

В свою очередь развития этой отрасли зависит от совершенствования уровня подготовки научно-технической, опытно-экспериментальной, проектной базы отрасли и соответственно от подготовки кадров, специалистов различных профилей, способных правильно решать весь комплекс взаимосвязанных задач отрасли, насосных станций в частности. Насосные станции в экономике республики является важным ключевым звеном.

ЯНГИ ИСТИКБОЛЛИ НАВЛАРНИ ТОЛА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

С.Т.Жўраев, М.Исроилов, И.Исраилов, А.Хакимов, Р.Эгамбердиев

ТошДАУ, ПСУЕАИТИ

Дехқонларимиз хозирги кун талабидан келиб чиқиб, экилаётган ғўза навларининг эрта пишар бўлиши билан бир қаторда, яратиладиган янги навларнинг тола сифати бўлиши орқали мамалакатимизда тайёрланаётган пахта ҳосилдорлигини сақлаган ҳолда, тола ҳосилдорлигини 30-35 минг тоннага ошириш имкони бор. Бунинг учун яратиладиган янги ғўза навларининг тола сифат курчаткичлари экилаётган ғўза навлариникидан тола сифати кўрсаткичлари юқори бўлишига аҳамият бериш керак.

Республикаимизда тайёрланаётган пахта толасига жаҳонда талабни ортиб бораётганлиги, мамлакатимизда янада кўпроқ пахта толаси етиштиришга заруриятни юзага келтирмоқда. Бунинг учун янги яратилган навни тола чиқими 1-2% устун, технологик хусуситлари юқори, хозирги туманлашган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 5-10% га ошиқ, турли иқлим шароитларига мосланувчан, яъни касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини яратиш тақоза этади. Жумладан, толани майинлиги, узунлиги ва пишиқлиги ошади, ушбу белгиларни ошиши ҳисобига тўқимачилик саноатида олинандиган маҳсулот сифати яхшиланади.

Ҳозирда экилаётган ғўза навларининг тола чиқими унинг тола сифат кўрсаткичлари билан кучсиз манфий боғланганлигини кўраимиз. Масалан, Наманган-77 ғўза навининг тола чиқими юқори 37,0-39,0 фоизни ташкил этган ҳолда толаси V типга мансуб бўлса, Бухоро-6 ва С-6524 навларида тола чиқими 34-36 % ташкил этган ҳолда толаси IV типга мансубдир.

Ҳар бир андоза ва селекцион тизмалардан кўсақлар тўлиқ пишиб етилгандан кейин, 50 та кўсақли намуналар териб олиниб тола чиқими ва унинг сифат кўрсаткичлари (I намуна) ҳамда 25 сентябр ва 10 октябрда 1-2 терим ҳосилдорлиги аниқланиши билан бир қаторда, 1-теримдан 250-300 грамм атрофида 2 та намуналар олиниб, бунда ҳам тола чиқими ва унинг сифат кўрсаткичлари аниқланди. 1-2 намуналарда тола чиқими ва унинг сифат кўрсаткичлари авваламбор бир-бири билан кейинчалик андоза навлар билан таққослаб ўрганилди.

Андоза IV тип С-6524 навида 1-намунада 34,3 ва 2 блокда 34,6 фоизни, 2-намунада эса 35,1-35,4 фоизни ташкил этган бўлса, V тип Наманган-77 навида эса 1-намунада 37.8-37.9 фоизни, 2-намунада эса 37,5-38,0 фоизни ташкил этиб, 1-намунага қараганда 2-намунада тола чиқими С-6524 навида 0,5-1,1 фоизга, Наманган-77 навида эса 0,2 фоизга юқори эканлиги маълум бўлди. Бундай ҳолат 11 та селекцион тизмаларнинг деярли барчасида кузатилди, яъни биринчи намунага қараганда 2-намунада 0,1-0,8 фоизгача юқори бўлган бўлса, фақат Т-1014 тизмасида 1-2 намуналарда тола чиқими бир хил ва Т-3869, Т-7777, Т-7549 ва Т-880 тизмаларида 1-намунага нисбатан 2-намунада тола чиқими 0,1-0,4 фоизга юқори бўлди.

Ўртача тола чиқими бўйича барча ўрганилаётган селекцион тизмаларда С-6524 навиға нисбатан 0,6-3,9 фоиз юқори бўлган бўлса, сертолали Наманган-77 навиға нисбатан эса 12 та тизмада 0,2-2,5 фоизга кам тола чиқимига эға эканлиги маълум бўлди. Лекин Т-2119, Т-1014, Т-7777 ва Т-2505 селекцион тизмаларида тола чиқими сертолали V типга мансуб Наманган-77 навиға қараганда ҳам 0,2-1,0 фоизга юқори бўлди.

Тола чиқими каби толанинг сифат кўрсаткичлари ҳам 2 та намуналар бўйича ўрганилди (Республика “Сифат” маркази маълумотлари асосида).

Тола микронейри IV типга мансуб С-6524 навида 1-намунада 4,6 - 4,4 ни ташкил этган бўлса, 2-намунада эса 4,4 - 4,1 кўрсаткичига, V типга мансуб Наманган-77 навида эса 1 ва 2 намунада 5,1 бўлган бўлса, 2- намунада эса 4,5 - 4,7 кўрсаткичларига эға эканлиги маълум бўлди ва 2- намунадаги тола микронейри 1-намунадагига қараганда анча пастлиги (енгил саноат талабларига мос келиши) маълум бўлди.

Бундай ҳолат ўрганилган 16 та тизмада ҳам ўз тасдиғини топди. Демак тола микронейрини аниқлашда 1 - намунадаги тола фақат 2-3 ҳосил шохдаги 1-2 ўринда турган кўсақлардаги пахталарга баҳо берган бўлса, 2-намунадаги пахта эса шу нав ва селекцион тизмаларнинг тола микронейрини ўртача кўрсаткичи деган фикр туғилади.

Тола микронейри бўйича ўрганилаётган селекцион тизмалардан Т-7027, Т-1014 ва Т-375 тизмалари 1-намунада 4,9 ни 2-намунада эса 4,5 га тенг бўлиб, енгил саноат талабларига тола майинлиги бўйича тўлиқ мос келади. Т-7777 ва Т-880 тизмалари 1-намуна бўйича 5,0-5,1 ни ташкил этиб, толаси дағаллигини кўрсатмоқда, лекин 1-терим бўйича олинган 2-намунада тола микронейри майинлиги билан (4,3-4,8) енгил саноат талабларига тўлиқ жавоб беришини кўрсатди. Қолган барча тизмаларда тола микронейри IV типга мансуб С-6524 навининг толасидан ҳам майинлиги билан ажралиб турди.

Толанинг узилиш узунлиги IV типга мансуб С-6524 навида 1-намунада 35,0 - 36,0 кўрсаткичига эға бўлган бўлса, V типга мансуб Наманган-77 навида 30,4 - 31,2 ни ташкил этди. 1-намуна натижаларига кўра ўрганилаётган тизмалар ичида Т-7027 толасининг узунлиги V типга мансуб Наманган-77 нави билан деярли бир хилда эканлигини кўрсатди. Қолган тизмаларда 1 ва 2 намуна кўрсаткичлари билан толанинг узилиш узунлиги С-6524 нави билан деярли бир хилда лекин Т-2-50 тизмасининг бу хусусияти андоза навларидан ҳам (36,-38,0) юқорилигини намоён бўлди.

ЃЎЗА НАВЛАРИНИ ДУРАГАЙЛАРИДА БЕЛГИЛАРНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

С.Т.Жўраев, И.Исраилов, А.Ҳакимов, Р.Эгамбердиев

Тошкент давлат аграр университети

Ѓўза навлари тезпишар, серҳосил, тола чиқими юқори, унинг технологик сифати яхши, чигити сермой, оксил моддаларга бой, ташқи муҳитларга (тупрокнинг шўрланиши, паст ҳарорат, гармсел, қурғоқчилик ва бошқалар) касаллик ва зараркунандаларга чидамли, агротехника муҳотида самарали фойдаланиладиган, қатор ораларини ишлашни механизациялашга, машина теримига мослашган, ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгиларига ва хусусиятларига эға бўлмоғи керак.

Ѓўзанинг янги нав ва дурагайларини яратиш муддатини қисқартириш, селекция ишларининг савиясини ва самарадорлигини ошириш каби масалаларни ҳал этиш мамлакатимизда селекция-уруғчилик ишларининг жадал суръатлар билан ривожланиши учун кенг йўл очиб беради.

Ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ғўза генетикаси ва селекциясида ҳам кейинги йилларда бир нечта йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу изланишларда ҳар хил селекция услублари орқали яратилган ашёлардан кенг миқёсда фойдаланиш туфайли кўплаб янги ғўза навлари яратилмоқда.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда ғўза селекциясида дурагайлашнинг ноанъанавий услубларини қўллаш лозим бўлади. Аввало, мазкур белги ва хусусиятларга эға бўлган бошланғич ашёларни чатиштириш ишларига жалб қилиш ҳамда бир нечта ота-она шаклларига хос бўлган ирсий белгиларни дурагайлаш орқали битта генотипда мужассамлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим. Селекцияда муқобил белгиларга эға ота-она шаклларни чатиштириб, дурагайлар орасидан ноёб белгилари мавжуд рекомбинантларни ажратиш олиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда ғўза селекциясида бошланғич ашё яратишда селекционерлар томонидан ҳар хил услубларни (навлараро дурагайлаш, узоқ шаклларни дурагайлаш, беккросс, мутагенез ва ҳ.к) қўлланиши натижасида янги генотиплар ажратиш олинмоқда. Ушбу услублар орқали яратилган янги ғўза навларининг ҳосилдорлиги 10-12% оширилса, композит дурагайлаш асосида олинган навларда

эса ҳосилдорлик 20-30% ва ундан юқори кўрсаткичга ошганлиги бир қатор хорижий олимларнинг илмий ишларида ўз тасдиғини топган (Қадар, 1995).

Шунингдек, бошланғич шаклларнинг комбинатив қобилятини аниқлашнинг факторли, поликросс, топкросс, дискриминацион ва бошқа усуллари ҳам мавжуд. Тадқиқотларимизда чатиштирилаётган шаклларни қимматли хўжалик белгилари бўйича яқинлигига кўра гуруҳларга ажратиш имконини берувчи кластер таҳлил усулидан фойдаланилди. Ҳосил бўлган кластерлар (гуруҳлар) ичида, ҳамда кластерлараро диаллел усулда чатиштириш ишлари олиб борилди.

Кластерли таҳлилнинг асосини кўп миқдордаги объектлар ва белгиларни ўзаро яқин ёки бир хил бўлган гуруҳларга - кластерларга ажратиш ташкил қилади. Кластерлаш усуллари энг оддий гуруҳлаш ишларида ҳам қўллаш мумкин. Бу усулнинг энг яхши жиҳати шундаки, унинг ёрдамида объектларни бутун бир белгилар тўплами бўйича ажратиш мумкин.

Тадқиқотларимиз натижаси асосида олинган оилаларда қимматли хўжалик белгиларининг шаклланиши, олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида бир кластерга мансуб навларнинг дурагай авлодларидан ажратиб олинган оилаларни қимматли хўжалик белгилари ўрганилди.

Маълумотларидан аниқландики, деярли барча оилалар тезпишарлик, бир ўсимликдаги кўсак сони, бир дона кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни белгиларининг кўрсаткичлари бўйича андоза Наманган 77 навидан устун бўлди.

Турли кластерларга мансуб навлар иштирокида олинган дурагайларда белгилар бўйича кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик қайд қилиниб, тезпишарлик бўйича 95,0-99,0 кун (Омад нави), бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони бўйича 23-25 дона (Наманган 77, Оққўрғон 2, Турон), битта кўсакдаги пахтанинг вазни бўйича 7,0-7,4 г. (С-2609, Турон, Омад), тола чикими бўйича 40,0-40,9% (Наманган 77, Оққўрғон 2, Турон), тола узунлиги бўйича 39,0-40,0 мм (С-2609, Наманган 77, Турон навлари иштирокидаги комбинацияларидан) бўлган юқори кўрсаткичли ўсимликлар ажралиб чиқди.

Ўрганилган оилаларда юқори тола узунлигига эга бўлиб, 35.5 мм бўлди. Қолган барча оилаларнинг тола узунлиги таққословчи нав кўрсаткичи даражасида ва ундан юқори бўлганлиги аниқланди.

Барча оилаларни толасининг микронейр кўрсаткичи бўйича асосан ўрта толали ғўзанинг I-II-чи навлар кўрсаткичига мос келди.

Ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, ғўза селекциясида кластерлараро навларни диаллел усулда чатиштириш натижасида қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари юқори бўлган оилалар ажратиб олиш истиқболли ва самарали ҳисобланади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А.А.Сафаров, Ш.Ф.Дурходжаев, Ш.Э.Умидов

Тошкент давлат аграр университети

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига технологик, физиологик ва эстетик талаблар қўйилади. Шу сабабли маҳсулотнинг сифатини маълум бир кўрсаткич бўйича баҳоланиши унча тўғри бўлмайди. Маҳсулотнинг сифати комплекс баҳоланиши лозим. Масалан, чигитли пахтанинг сифати толанинг пишиқлиги, толанинг узилиш кучи, пишганлиги, ранги, ташқи кўриниши, эластиклиги, намлиги, ифлосланганлиги ҳамда касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши каби кўрсаткичларнинг йиғиндисидан аниқланади.

Маҳсулотни ишлатиш мақсадига кўра унинг сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ўзгаради. Масалан, озиқ-овқатга ишлатиладиган арпага қўйиладиган талаблар билан ем-хашак мақсадида ишлатиладиган арпага ёки уруғлик арпага бўлган талаблар бир-бирига мос келмайди. Ҳар бир мақсадда ишлатиладиган арпанинг сифат кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади.

Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи унинг маълум бир хоссасининг миқдор жиҳатдан характеристикаси ҳисобланади ва маълум шароитда сифатини белгилайди. Сифат кўрсаткичлари маълум бирликларда ифодаланади ва стандартларда яқка ёки комплекс тартибда ўз аксини топади.

Маҳсулотнинг намлиги, ифлослиги, унувчанлиги, маълум кимёвий ва органик моддаларнинг миқдори (оқсил, крахмал, углевод ва бошқалар), технологик, агрономик, эстетик, иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлари унинг бир кўрсаткичли сифат белгиси ҳисобланади[1].

Маҳсулот сифатини назорат қилиш унинг миқдор ва сифат хоссаларига характеристика бериш бўлиб, бунда маълум турдаги ўлчаш асбоб-ускуналаридан ва турли усуллардан фойдаланилади. У ишлаб чиқариш ва эксплуатация даврида назорат қилинади. Маҳсулот сифатини ишлаб чиқариш мобайнида назорат қилишда мутахассислар асосий ролни ўйнайдилар. Улар маҳсулотни сифатли етиштиришни, ўз вақтида йиғиштириб топширишни таъминлашлари лозим. Шу билан бирга, уларни қайта ишлашни ҳам турли ташкил қилиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати уларни давлатга ёки истеъмолчига топширишда назорат қилинади. Бу жараён маҳсулот қабул қилиш пунктларида амалдаги стандарт ва синаш усуллари ёрдамида амалга оширилади. Маҳсулотларни қабул қилишда, қабул қилинган маҳсулотларнинг сифатини текширишда инспекцион назорат ўрнатилади. Бунда тайёрлаш пункти томонидан маҳсулотлар қабул қилиниши, стандартдан тўғри фойдаланиш, синаш усулларининг стандартга тўғри келиши, маҳсулотларнинг сақланиши, сортларга ажратилиши, жойлаштирилиши, белгиланиши текширилиши керак.

Маҳсулотнинг сифатини назорат қилишда қўлланиладиган улчаш воситаларига қараб назорат турлари куйидагиларга бўлинади: ўлчаш, органолептик, қайд, ҳисоблаш, социологик ва эксперт.

Ўлчаш усули. Маҳсулот сифатини улчаб назорат қилиш маълум бир улчаш асбоб-ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Улчаш усуллари қўлланиладиган усулнинг асосига қараб кимёвий, физик, биологик, механик, микроскопик, физико-кимёвий, технологик ва физиологик бўлиши мумкин.

Маҳсулот сифатини *кимёвий усулда* аниқлашда унинг кимёвий таркибининг асосий моддалари аниқланади. Масалан оксил, углевод, мой, крахмал, витаминлар ва бошқаларнинг миқдори аниқланиши мумкин.

Маҳсулотларнинг сифатини кимёвий усулда аниқлаш объектив усул бўлиб, маҳсулот сифатини бирмунча аниқ белгилайди. Маҳсулотнинг кимёвий таркибини аниқлашда органик, анорганик, аналитик ва коллоид кимёда қўлланилаётган аниқлаш усулларидан фойдаланилади.

Маҳсулотларнинг сифатини *физик усулда* аниқлаш маҳсулотнинг физик хоссаларига асосланган. Маҳсулотнинг физик хоссаларига унинг эластиклиги, тўкилувчанлиги, намлиги, иссиқлик хоссалари ва бошқалар киради. Маҳсулотларнинг физик хоссаларини аниқлашда диэлектрик, рефрактометрик, поляриметрик ва реологик усуллардан кенг фойдаланилади. Диэлектрик усулда маҳсулотнинг намлиги аниқланади. Рефрактометрик усулдан маҳсулотнинг сифати, унинг асосий кимёвий моддаларини аниқлашда фойдаланилади. Поляриметрик усул моддаларнинг оптик ҳиссасини, реологик усул маҳсулотларнинг структура ва механик хоссаларини аниқлашга асосланган.

Маҳсулотларнинг сифатини аниқлашда қўлланиладиган хроматография, кондуктометрик эритманинг ток ўтказувчанлиги, потенциометрик (потенциометр ёрдамида эритмадаги водород ионларини аниқлаш), колориметрик, сектроскопик, люминесцент усуллар физико-кимёвий усулга киради.

Биологик усулда уруғларнинг унвчанлиги, улардаги захарли моддалар, микроорганизмлар, касаллик ҳамда зараркундалар билан зарарланиши аниқланади.

Физиологик усулда озиқ, моддаларнинг озиқавийлик қиммати, калорияси ва биологик қиммати аниқланади.

Пахта, зиғир ва каноп толасининг пишиқлигини, улардаги айрим зарарли микроорганизмлар ва маҳсулотнинг зарарланиш даражасини микроскопик усулда аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг технологик хоссалари ва қиммати технологик усулда аниқланади. Маҳсулотнинг технологик хоссалари унинг сифати билан тўғридан-тўғри боғланган.

Органолептик усул. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини аниқлашда асосий усул ҳисобланади. Бу усулда кишининг сезги органлари улчаш асбоблари (кўриш, таъм ва ҳид билиш, эшитиш, қаттиқликни сезиш ва бошқалар) бўлиб хизмат қилади.

Органолептик усул оддий бўлиб, махсус асбоб-ускуналар талаб қилмайди. Шу билан бирга усулнинг бир қатор камчиликлари ҳам бор. Бу усулда маҳсулот сифатини аниқлашда сифат кўрсаткичлари нисбий характерга эга бўлиб, у тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлинмайди.

Органолептик усулда маҳсулотнинг сифатини аниқлашда маҳсулот партияси кўздан кечирилади ва шундан кейин идишлар ювилиб маҳсулотнинг аҳволи, кўриниши, катта-кичиклиги, ранги ва туси, хиди, хушбўйлиги, таъми кабилар аниқланади. Маҳсулотни органолептик баҳолашда жойнинг ёруғлиги, маҳсулотни текширувчилар сони ва синовчининг малакаси каби омиллар катта таъсир кўрсатади.

Маҳсулотнинг сифатини органолептик усулда аниқлашда эталонлардан ва стандарт намуналардан фойдаланилади. Эталон ва стандарт намуналар ҳар йили давлат стандарт талабига мувофиқ тузилади.

Ҳисоблаш усули. Маҳсулотнинг сифати бу усулда назарий ва эмпирик кўрсаткичларнинг маҳсулот сифати кўрсаткичлари билан боғланиши орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш усулидан маҳсулотни лойиҳалаштиришда фойдаланилади. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғланиш ҳам шу усулда аниқланади.

Қайд қилиш усули. Маҳсулотни мунтазам равишда кузатиш, ходисаларни, буюмларни ва харажатларни ҳисобга олиш қайд қилиш усулининг асоси ҳисобланади. Масалан, маҳсулотнинг қайтарилишида улардаги нуқсонларнинг сони ва ҳажми ҳисобга олинади. Маҳсулот сифатини баҳолашда мана шундай ахборотларга эътибор берилади.

Социологик усул. Истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига берган баҳоларини йиғиш ва билдирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида унинг сифатига баҳо бериш усулидир. Бунда истеъмолчиларга анкеталар тарқатилади, фикрлари сўраб олинади, махсус конференция, йиғилишлар, дегустация, кўргазмалар ўтказилади.

Эксперт усули. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари мутахассис экспертларнинг қарорига асосан аниқланади. Кўпинча маҳсулотнинг сифатини объектив усулларда аниқлаш қийин бўлган тақдирда эксперт усулдан фойдаланилади. Бу усул кўпинча маҳсулотнинг сифати органолептик усулда аниқланган вақтда керак бўлади.

Маҳсулот сифатини эксперт усулда аниқлашда мутахассислардан иборат эксперт комиссияси тузилади ва ушбу комиссиянинг умумий қарори билан маҳсулот сифатига баҳо берилади. Маҳсулот сифатини аниқлашда маҳсулот партиясидан ўртача намуна олинади.

Ўртача намуна маҳсулот партиясининг ҳамма массасини характерлай олиши лозим.

Маҳсулот партиясининг маълум жойларидан дастлабки намуналар олингач, улардан ўртача намуна ҳосил қилинади. Намуна олиш қоидалари тегишли стандартларда кўрсатилади.

Маҳсулотнинг сифатини иқтисодий жиҳатдан баҳолайдиган кўрсаткич интеграл кўрсаткичдир. Интеграл кўрсаткич маҳсулотнинг фойдали томонларининг йиғиндисини уни яратиш, эксплуатация ва истеъмол қилиш учун сарф бўлган харажатга нисбати орқали ифодаланади. Бу эса маҳсулот сифатининг рентабеллигини, яъни сарф қилинган харажатга тушадиган фойдани белгилайди.

“ҒЎЗА:ҒАЛЛА” НАВБАТЛАБ ЭКИШДА БЕДА БИЛАН ЭКИЛГАН КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИ

М.И.Ботиров

Андижон қишлоқ хўжалик институти

Мустақилликка эришилгач, ўтган қисқа 25 йил давомида республика деҳқончилигида хўжалик юретишнинг тамомила янги шакли “фермерчилик” юзага келди. Ғўза яққа ҳокимлигидан (монокультура) воз кечилиб алмашлаб экишнинг, бозор талабаларини ҳисобга олган қисқа ротацияли ҳамда ғўза:ғалла навбатлаб экиш тизимлари жорий этилиб, ғалла мустақиллигига эришилди. Мамлакатимизнинг пахтачилик соҳасидаги нуфузи ортанлиги ҳам бор гап.

Шуни ҳам айтиш керакки, “ғўза:беда” алмашлаб экиш тизимидан воз кечилиши ва чорвани хусусий ҳамда шахсий секторларга ўтказилиши сабабли тупроқ унумдорлигини сақлаш, шу билан бирга уни муттасил ошириб боришнинг жуда самарали усули бўлиб келган ғўнг ва беда алмашлаб экиш тизими имкониятлари кескин чегараланди.

Ана шу боисдан амалиётда кенг қўлланиб келаётган “ғўза:ғалла” навбатлаб экиш тизимларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш бугунги кунда деҳқончилик фани ҳамда амалиёти олдида турган муҳим ҳамда долзарб масалага айланди.

Ҳозирда ғалла майдонларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда деҳқончилик амалиётида қўлланилаётган қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларида, масалан 1:2 тизими навбатлаб “ғўза:ғалла” бедани асосий экин бўғдойдан-ғўзагача бўлган оралиқ муддатда бўғдой билан бирга парваришлаган ҳолда юқори самарадорликка эришиш агротехнологияси илмий асосда ишлаб чиқилмаган.

Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи соз тупроқларининг ноқулай агрофизикавий, агрохимёвий хоссага эга бўлган ҳайдов ости қатламларини беданинг кучли ривожланадиган ва тупроқнинг чуқур қатламигача кириб борадиган илдиз ҳамда анғиз қолдиқлари билан бойитиш орқали тупроқларни яхшилаш имкони бўлгани ҳолда, бу долзарб масала илмий асосда ўрганилмаган.

Изланишнинг асосий мақсади “ғўза:ғалла” навбатлаб экишнинг қисқа ротацияли 1:2 (биринчи йили ғалла ва 2-3- йиллари ғўза) тизимида бедани оралиқ муддатда парваришлашнинг навбатлаб экиш маҳсулдорлигини ва тупроқ унумдорлигини оширишдаги самарадорликни дала тажрибалари асосида аниқлашдан иборат.

Илмий ишнинг янгилиги Фарғона вилоятининг оч тусли ўтлоқи соз тупроқлари шароитида биринчи бор юқоридаги тизимда беда парваришлашнинг муҳим агротехнологик элементлари ишлаб чиқилди.

Далада амалга оширилган тадқиқотлар Олтиариқ туманидаги “Темурбек Шерзод” фермер хўжалигига қарашли эскидан суғориладиган оч тусли ўтлоқи соз тупроқлар шароитида олиб борилди.

Олиб борилган изланишларда оралиқ муддатда беда етиштириш билан боғлиқ ҳолда бўғдойни экиш муддатлари, унинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳам ўрганилди.

Биринчи-дала тажрибасида кузги бўғдойни, ғўзапояни йиғиштириб олингандан сўнг, ерни шудгорлаб ноябр ойининг биринчи ўн кунлигида очиқ майдонга экилганда (10-11-вариантлар), бўғдой уруғи амалиётдаги каби сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пахтанинг 2-теримидан кейин ғўза қатор орасига экилган назорат вариантыга (1-вариант) нисбатан сезиларли устунликда ўсиб ривожланганлиги аниқланди.

Тажрибанинг назорат вариантыда бўғдой ўсимлигининг бўйи 79.2 см.ни ҳамда 1 м²даги умумий туп сони 528 донани, шу жумладан, маҳсулдор туплар сони 331 донани ташкил қилгани кўзга ташланади. Бўғдой ғўзапоядан тозаланиб очиқ майдонга экилганда (10-11-вариант) бу кўрсаткичлар бедани экиш муддатига боғлиқ ҳолда ўсимлик бўйи 83.2-85.4 см ҳамда умумий туплари сони 562-566 ва маҳсулдорлари 341-343 тупга тенг бўлгани аниқланди.

Бўғдой уруғи ғўза қатор орасига сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида экилганда (9-вариант), назорат вариантыга нисбатан бўғдой ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишида бироз устунлик кузатилди. Мазкур вариантда ўсимлик бўйи 82.7 см.ни, умумий туп сони 516 донани, шу жумладан маҳсулдор туплар сони 335 донани ташкил қилди. Ўсимлик умумий туп сонининг гектар ҳисобига 12 минг тупга кам эканлиги бўғдойни ғўза қатор орасига экишда ғўза тупи тагига қадар экилиши имконияти билан боғлаш мумкин.

Дала тажрибасида бўғдой ғўза қатор орасига бир хил муддатда, назорат вариантыдаги каби сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида экилган вариантларида (2-,3- ва 4-вариантлар) бедани бўғдой билан бирга экилганда унинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсири кузатилади.

Мазкур ҳолатда бўғдой ўсимлиги туп сонининг гектар ҳисобига 7-16 минг тупга, шу жумладан, маҳсулдор туп сонини 11-18 минг тупга кам бўлиши беда ҳисобига майдондаги жами ўсимлик сонининг тиғизлашуви билан боғлаш мумкин.

Изланишлардаги иккинчи дала тажрибасида ҳам шу каби қонуният ва боғлиқликлар, фарқланишлар кузатилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, буғдой ўсимлигининг ўсиш суръатида ўрганилган барча вариантларда 1-чи дала тажрибасига нисбатан катта фарқланиш кузатилмасда, умумий шу жумладан маҳсулдор туплар сонидан сезиларли фарқланиш борлиги аниқланди.

Жумладан, умумий туп сони гектар ҳисобига 4580-4970 минг, маҳсулдор туплар сони 2820-3190 минг донани ташкил этгани ҳолда, умумий туп сони 49-70 минг донага, маҳсулдор туп сони эса 24-38 минг тага камлиги кузатилди. Бу ҳолатнинг юзага келишига 2008 йилнинг январь-феврал ойларида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида буғдой ниҳолларини қисман нобуд бўлиши сабаб бўлди.

Олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари (1-жадвал) айтилган барча фикр ва мулоҳазаларни тўлалигича тасдиқлади.

Жумладан, 1-дала тажрибасида кузги буғдой ишлаб чиқариш амалиётидаги каби сентябрь ойининг охирида ғўза қатор орасига экилган назорат вариантыда буғдой дони ҳосили 46 ц/га.ни, сомон ҳосили 49,8 ц/га.ни ташкил қилди. 10-11 вариантларда бедани экиш муддатларига боғлиқ ҳолда буғдой дони ҳосили назоратга нисбатан 1,6-1,9 ц/га, сомон ҳосили гектаридан 2,5-3,1 центнерга кўп бўлди.

Иккинчи дала тажрибасида ҳам юқоридаги каби натижалар қайд этилди. Фақатгина буғдой очик майдонга экилганида вариантлар орасида дон ҳосилидаги фарқланиш унча катта бўлмай, 0,2-0,6 ц/га.ни ташкил этди. Беда уруғи баҳорда ғўза қатор орасига буғдой ниҳоллари ичига қоплама ҳолда сепилганда (3 ва 4-вариантда) олинган буғдой дони ҳосили назоратга (1-вариант) нисбатан 0,8-1,1 ц/га кам бўлганлиги кўзга ташланди.

Мухтасар қилиб айтиладиган бўлса, “ғўза:ғалла” жадал навбатлаб экишда, бедани асосий экин буғдойдан-ғўзагача бўлган оралик муддатда парваришлашни буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига кучли салбий таъсири кузатилмади.

1-жадвал

Экиш муддати ва усулларининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири

Тажриба вариантлари	1-дала тажрибаси				2-дала тажрибаси			
	Буғдой ҳосили ц/га		Сомон ҳосили ц/га		Буғдой ҳосили ц/га		Сомон ҳосили ц/га	
	Такрорликлар бўйича ўргача ҳосилдорлик	Назорат вариантыга нисбатан фарқи (+,-)	Такрорликлар бўйича ўргача ҳосилдорлик	Назорат вариантыга нисбатан фарқи (+,-)	Такрорликлар бўйича ўргача ҳосилдорлик	Назорат вариантыга нисбатан фарқи (+,-)	Такрорликлар бўйича ўргача ҳосилдорлик	Назорат вариантыга нисбатан фарқи (+,-)
2007 йил				2008 йил				
1	46.2	-	49.8	-	43.6	-	46.7	-
2	45.9	-0.5	50.7	+0.9	43.3	-0.3	47.9	+1.2
3	45.4	-0.7	52.1	+2.3	42.5	-1.1	49.3	+2.6
4	45.6	-0.6	51.1	+1.3	42.8	-0.8	48.1	+1.4
9	47.1	+0.8	51.4	+1.6	44.8	+1.2	48.6	+1.9
10	47.8	+1.6	52.9	+3.1	43.8	+0.2	50.3	+3.6
11	48.1	+1.9	52.3	+2.5	44.2	+0.6	49.6	+2.9

ПАТОГЕННЫЕ СВОЙСТВА ВОЗБУДИТЕЛЯ КОРНЕВОЙ ГНИЛИ ПШЕНИЦЫ

Н.Т.Хакимова, Р.К.Саттарова

Ташкентский государственный аграрный университет

Бугунги кунда амалиётда корхонанинг замонавий иш юритиш шароитларига мос келувчи бухгалтерия баланси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган шакли бўлиб, у актив ва пассив томонларга бўлинади. Актив томонида корхонанинг маблағлари, пассивида эса хўжаликнинг ўз маблағлар манбалари ва мажбуриятлар кўрсатилади. Баланснинг барча бўлим ва бандларини чуқур ўрганиш молиявий аҳволни тўлиқ ўрганишнинг асосини ташкил этади. Баланс маълумотларида ишлаб чиқаришни узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган ва ҳисобот тузиш даврига қиймат шаклидаги мол-мулки ҳамда уни қоплашга жалб қилинган манбалари ўз аксини топади. Бу кўрсаткичлар мол-мулк ҳажми, таркиби ва қийматининг қай даражадалигини ифодалайди. Шунингдек, мол-мулкнинг молиялаштириш манбалари, яъни ўзига тегишли манбалар ва ўзига тегишли бўлмаган қарз манбалари ҳолати ҳам пассивда келтирилган. Балансдаги ҳар бир банд ва бўлим корхонанинг молиявий ҳолатига боғлиқ, шунинг учун ҳам уни чуқур ўрганиш лозим [1].

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона мол-мулки таркибини ўрганиш ва уни кўпайтиришнинг ички ва ташқи имкониятларини излаб топиш, аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда корхонанинг балансини ўрганиш, унинг мол-мулки таркибини кузатиш, соф маблағлари ҳолатини аниқлаш, ички ва ташқи имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Одатда, корхона маблағларига асосан асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва пул маблағлари киради [2].

Молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири корхона мулки, захиралар ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига асосий воситалар, товар-моддий захиралари, яъни хомашё ва материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ўрнатилган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар киради. Улар корхонанинг бир меъёрида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек, захира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, тайёр маҳсулот ва бошқалар ҳам киради.

1-жадвалда «Milkolino products» масъулияти чекланган жамият мол-мулкнинг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда МЧЖ баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрганилади.

«Milkolino products» МЧЖнинг бухгалтерия баланси актив моддаларининг таҳлили¹²

Маблағларнинг таркиби	2015 йил бошига		2016 йил бошига		Ўзгариши (+;-)		
	Сумма, минг сўм	Сал-моғи, %	Сумма, минг сўм	сал-моғи, %	Сумма, минг сўм	Сал-моғи, %	2016 йил 2015 йилга нисбатан ўсиши
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6/2*100
1. Узоқ муддатли активлар	585612,7	57,4	2853832,7	88,0	+2268220,0	+30,6	+387,3
2. Жорий активлар	435226,4	42,6	386317,7	12,0	-48908,7	-30,6	-11,2
Шу жумладан:							
а) товар-моддий захиралар	-	-	-	-	-	-	-
б) пул маблағлари	1161,6	0,1	6 123,5	0,2	+4 961,9	+0,1	+427,1
в) дебиторлар	-	-	-	-	-	-	-
Баланс активининг жами	1020839,1	100	3 240 150,4	100	+2 219 113,0	X	+217,4

Келтирилган маълумотлар балансинг жами суммасига тенг бўлади. 1-жадвалда масъулияти чекланган жамият мулкнинг ҳажми ва таркиби келтирилган бўлиб, уни тузишда «Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятнинг баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрганилди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, масъулияти чекланган жамиятнинг жами активлари суммаси 2016 йил бошида 2015 йил бошига нисбатан 2219113 минг сўмга ёки 217,4 % га кўпайганини кузатиш лозим. Активларнинг кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда, маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, активларнинг кўпайиши асосан узоқ муддатли активларнинг 2 268 220 минг сўмга ортганлиги ҳисобига бўлган. Масъулияти чекланган жамиятнинг жорий активлари эса 48 908,7 минг сўмга камайганини кузатиш мумкин. Жорий активларнинг таркибини ўрганадиган бўлсак, жорий йилда ҳам ўтган йилда ҳам товар-моддий захиралари мавжуд бўлмаган. Масъулияти чекланган жамиятнинг пул маблағлари 2016 йил бошида 2015 йил бошига нисбатан 4 961,9 минг сўмга ортганини ижобий баҳоламоқ лозим. Жамиятда дебиторлик қарзи таҳлил қилинаётган йилда дебиторлик қарзлари юзага келмаган. Бундай ҳолатни ижобий баҳолаган ҳолда, шуни айтиш жоизки, масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий аҳволи барқарорлигидан далолат беради

Маблағлар манбаини таҳлил қилишдан асосий мақсад, балансинг пассив қисмида хўжалик маблағларини қоплаш манбалари кўрсатилади. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида маблағларни тўлдириш қуйидагилардан иборат:

- ўзлик маблағларининг манбалари;
- мажбуриятлар.

Бунда энг муҳим ўринни МЧЖнинг ўзига қарашли устав, захира капитали, тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди.

¹² «Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятнинг 2014 ва 2015 йиллар молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобланган.

«Milkolino products» МЧЖнинг бухгалтерия баланси пасив моддалари таҳлили¹³

Маблағлар манбаларининг таркиби	2015 йил бошига		2016 йил бошига		Ўзгариши (+;-)		
	Сумма, минг сўм	Сал-моғи, %	Сумма, минг сўм	Сал-моғи, %	Сумма, минг сўм	Сал-моғи, %	2016 йил 2015 йилга нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6/2*100
1. Ўз маблағлари манбалари	600941,0	58,9	602202,5	18,6	+1261,5	-40,3	+0,20
2. Мажбуриятлар	419898,1	41,1	2637947,9	81,4	+2218049,8	+40,3	+528,2
Шу жумладан:							
а) Узоқ муддатли мажбуриятлар	-	-	480000,0	14,8	+480000,0	+14,8	-
б) Жорий мажбуриятлар	419898,1	41,1	2157947,9	66,6	+1738049,8	+25,5	+414,0
Баланс пасивининг жами	1020839,1	100	3240150,4	100	+2219113,0	X	+217,4

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Milkolino products» МЧЖда жорий йилга нисбатан ўтган йил бошига нисбатан жами пасивлар суммаси 2 219 113,0 минг сўмга ёки 217,4 фоизга кўпайган. Маълумотлардан кўришиб турибдики, жорий йилда ўз маблағлари манбалари ўтган йил бошига нисбатан 1 261,5 минг сўмга ёки 40,3 % га пасайган. Бундай натижаларни масъулияти чекланган жаият учун салбий ҳолат деб баҳоламоқ лозим. Чунки, ўз маблағлари манбаларининг камайиши масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий мустақиллигини пасайишига, тўлов қобилиятининг ёмонлашувига олиб келади. Масъулияти чекланган жамиятнинг маълумотларини таҳлил қилиш натижасидан кўришиб турибдики, узоқ муддатли мажбуриятлари жорий йилда ўтган йилга нисбатан 480 000 минг сўмга ортганини кўришимиз мумкин. Жорий мажбуриятлари эса жорий йилда ўтган йилга нисбатан 1 738 049,8 минг сўмга ёки 25,5 % га ортганини кўришимиз мумкин. Бундай натижаларни масъулияти чекланган жамият учун салбий ҳолат деб баҳоламоқ лозим. Шундай экан, масъулияти чекланган жамият узоқ муддатли мажбуриятларнинг қайси кўрсаткичлар ҳисобига эканлигини аниқлаши ва жорий мажбуриятларнинг ортиб боришини олдини олиш чораларини кўриши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, МЧЖнинг 2016 йил бошига баланси ноликвиддир. МЧЖ раҳбарияти баланси ликвидлигига эришиш учун пул маблағларини кўпайтириш, бунинг учун тайёр маҳсулотларини сотиш ва ундан пул тушумига эришиш чораларини кўриши зарур. Қисқа муддатли мажбуриятларини тезликда тўлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим.

БАЛАНС ЛИКВИДЛИГИ ҲАМДА МОЛ-МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТЧАНЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Б.Ю.Менгликулов, Г.Б.Турсункулова, Х.Назаров

Тошкент давлат аграр университети

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида баланс маълумотлари асосида корхона активларининг ҳолатини ўрганишда уларнинг пулга айланувчанлигига баҳо бериш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай таҳлилнинг зарурияти бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда қаттиқ молиявий чекланишларнинг пайдо бўлиши ва олинган қарзларни қайтариш имкониятларини ўз вақтида ҳисоблаб баҳо беришда кўринади. Айниқса, тўлов мажбуриятларининг муддати корхона мулки фаолият натижасида пулга айланиш муддатига мос келиши молиявий ҳолатни яхшиланишига таъсир кўрсатади. Шу боис, корхона активларининг ҳаракатчанлигини (ликвидлигини) таҳлил қилган ҳолда қарзларни қайтаришга етарли ёки етишмаслиги ўрганиш лозим.

¹³ «Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятнинг 2014 ва 2015 йиллар молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисобланган.

Умуман ликвидлик тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан мазмунан бир-бирига яқин бўлган турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан:

Иқтисодчи олим Э.Акрамовнинг¹⁴ фикрича, “Баланс ликвидлиги бу – балансинг актив томонидаги бир даврга бориб нақд пулга айланадиган маблағлар билан шу даврда қайтариладиган мажбуриятларни солиштириш демакдир” деб таъриф берган.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг иқтисодчи олимлардан А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов ва Н.Ф.Ишонқуловларнинг¹⁵ фикрича, “Ликвидлик деганда, аввало, маблағларнинг жойланиши, уларнинг пулга айланиш даражаси, яқин ва узоқ даврийликдаги тўлов мажбуриятларининг оқланиши, жорий активлар ва пасивларнинг ўзаро фарқланишидаги зарурий шартларнинг сақланишига айтилади” деб таъкидлаганлар.

Демак, юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни эътироф этган ҳолда бизнинг фикримизча корхона ликвидлиги деганда, уларнинг қарз мажбуриятларини тўлашга, қайтариб беришга маблағларининг мавжудлиги тушунилади.

Корхоналарнинг активлари пулга айланиш тезлигига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- доимий ҳаракатдаги активлар. Доимий ҳаракатдаги активлар гуруҳига балансдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари, валюта счётидаги пул маблағлари, кассадаги нақд пул маблағлари қисқа мудатли қўйилмалар, ва сотиб олинган хусусий акциялар киради. Бу гуруҳга кирувчи активлар энг тез фурсатда пулга айланадиган, яъни тўлов қарзларини тўлаш учун тайёр турган маблағлар ҳисобланади ва бу бошқа хўжалик субъектлари билан иқтисодий алоқаларни, ўзаро ҳисоб-китобларни келишилган муддатларда бажариш имконини беради.

- тез сотилувчи активлар. Тез сотилувчи активлар гуруҳига бухгалтерия балансинг жорий активлар бўлимидаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари, ажратилган бўлинмаларнинг қарзи, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи, ходимларга берилган бўнақлар, мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар, бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари, мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари, ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи ва бошқа дебиторлик қарзларини кўрсатиш мумкин. Бу маблағлар ҳам хўжалик субъекти учун зурур бўлган ҳолларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади.

- секин сотилувчи активлар. Секин сотилувчи активлар гуруҳига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот қолдиғи, товарлар ва келгуси давр харажатларини киритиш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи активлар нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда тўлов мажбуриятларни қоплашга сарфланиши мумкин.

- қийин сотилувчи активлар. Қийин сотилувчи гуруҳларга эса асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли инвестициялар ва бошқа оборотдан ташқари активлар киради. Бу гуруҳга киритилган маблағлар корхона фаолиятида фойдаланиб, турли ишлаб чиқаришда узоқ муддат қатнашиб, аста-секин пул маблағларига киритилади.

Корхона активлари билан солиштириш учун унинг пасивлари, яъни ўз ва қарз маблағлари ҳам қуйидаги гуруҳларга бўлган ҳолда туркумланади:

- муддати келган тўлов мажбуриятлари. Бу гуруҳга мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан қарз, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурталар бўйича қарз, давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга бўлган қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз ва бошқа кредиторлик мажбуриятлари киради. Бу гуруҳга кирувчи мажбуриятлар корхона томонидан тез фурсатда қайтарилиши, тўланиши лозим. Чунки, ушбу мажбуриятлар белгиланган муддатда тўлаб берилмаса, корхонага нисбатан турли иқтисодий жарималар қўлланилишига сабаб бўлади.

- қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари. Ушбу гуруҳга эса, қисқа муддатли банк кредитлари, корхона хизматчилари учун банк кредитлари, қисқа муддатли қарзлар, харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар ҳамда бошқа қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари киради. Бу гуруҳга кирувчи мажбуриятлар қисқа муддатда ичида тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар ҳисобланади.

- узоқ муддатли тўлов мажбуриятлари. Бу гуруҳга корхона баланси пасиви мажбуриятлар бўлимининг узоқ муддатли мажбуриятлари яъни узоқ муддатли қарзлари ва узоқ муддатли банк кредитлари киради.

¹⁴ Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Т.: “Молия”, 2003 й. 86 бет

¹⁵ Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: “Шарк”, 2005 й. 226 бет

- доимий пассивлар. Ушбу гуруҳга эса баланс пассивининг биринчи бўлимидаги барча бандлар, яъни устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар киради. Бу гуруҳга кирувчи пассивлар корхона фаолиятининг асосини ташкил этиб, мажбуриятларни қайтариш, тўлаб беришда манба сифатида хизмат қилади.

Корхоналар маблағларининг айланиш ҳолатини таҳлил қилишда, уларнинг жорий ва келгуси даврда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичларини ҳам ўрганиш лозим. Хўжалик субъектларида маблағларнинг жорий ҳаракатчанлиги доимий ва тез сотилувчи активлар билан муддати келган ва қисқа муддатли тўлов мажбуриятларини таққослаш орқали аниқланади.

Келгуси даврда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичи эса секин сотилувчи активлар билан узоқ муддатли пассивларни солиштириш орқали ўрганилади. Бунда корхонанинг келгусида мўлжалланган ҳар хил тушумлар билан келгуси тўлов қарзларини олдиндан башорат қилиш мумкин бўлади.

Балансининг ликвидлилик даражасига турли омиллар, яъни хўжалик субъектининг активлари ва пассивларининг таркибий ўзгариб туришлари таъсир кўрсатади. Ушбу омилларнинг таъсир даражаларини аниқлаш учун баланс ликвидлигини таҳлил қилишда яна бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу гуруҳ кўрсаткичларига куйидагилар киради:

1. **Умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти.** Бу коэффицент корхонанинг умумий айланма активларини унинг мол-мулки қийматига бўлиш орқали аниқланиб, у корхонанинг маблағлар билан таъминланганлигини ва ўз мажбуриятларидан қутулиш салоҳиятини кўрсатади. Бу кўрсаткич куйидагича аниқланади:

Товар-моддий захиралар+Пул маблағлари ва дебиторлик қарзлар

Баланс жами

«Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятида бу кўрсаткични ўрганганимизда куйидаги маълумотларга эга бўлинди:

Умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти = $0 \text{ (ТМЗ)} + 6123,5 \text{ (Пул маблағлари)} + 0 \text{ (дебиторлик қарзлари)} / 3240150,4 \text{ (баланс жами)} = 0,002$. Умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти жуда паст бўлган.

2. **Ишлаб турган капиталнинг чаққонлик коэффиценти.** Бу коэффицент корхонанинг захиралари ва харажатларини, корхонанинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжини қопловчи ўзлик маблағлар манбаларига бўлиш орқали аниқланади:

Товар – моддий захиралар

Ўз маблағлари манбалари – узоқ муддатли активлар

«Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятида бу кўрсаткични ўрганганилганда, МЧЖда товар-моддий захиралар қолдиғи бўлмаганлиги сабабли ишлаб турган капиталнинг чаққонлик коэффицентикўрсаткичи нол бўлган. Буни ҳам салбий баҳолаш лозим.

3. **Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти.** Ушбу коэффицент корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплашга ажратилган ўз маблағлари манбаларини умумий мол-мулк қийматига бўлиш орқали аниқланади:

Ўз маблағлари манбалари – узоқ муддатли активлар

Баланс жами

«Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятида бу кўрсаткич таҳлил қилинганда куйидаги маълумотларга эга бўлинди.

МЧЖда ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти ҳам манфий бўлган, яъни ўз маблағлари манбалари суммаси узоқ муддатли активлар суммасидан 2251630,2 минг сўмга кам бўлган (602202,5 (ўз маблағлари) - 2 853 832,7 (узоқ муддатли активлар)).

Хулоса қилиб айтганда, «Milkolino products» масъулияти чекланган жамиятида баланс ликвидлигини таҳлил қилишнинг юқорида кўриб чиқилган 3 та кўрсаткичи бўйича ҳам салбий коэффицентларни кузатамиз, бу эса МЧЖнинг баланси нокликвид эканлигини билдиради. МЧЖ

баланси ликвидлигини таъминлаш учун биринчи навбатда, ўз маблағлари манбалари суммасини кўпайтириш лозим. Тайёр маҳсулотларни сотиш орқали пул маблағлари қолдиғини кўпайтириш керак, шунингдек ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун керакли даражада товар-моддий захиралар қолдиғини яратиш талаб этилади.

Шундай қилиб, хўжалик субъектлари фаолиятини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланган ҳаракатчанлик, яъни ликвидлик кўрсаткичи бу хўжаликнинг бугунги кундаги мавжуд ҳолатига, уни келгусида янада самарали фаолият юритиш имкониятларини ойдинлаштиришга амалий ёрдам беради.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Б.Ю.Менгликулов, Г.Б.Турсункулова

Тошкент давлат аграр университети

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан, энг муҳими бу унинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Молиявий барқарорлик деганда хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий жиҳатидан бир маромда узлуксиз таъминланиши тушунилади. Молиявий жиҳатдан таъминланиш фақатгина молиявий ресурслар билан таъминланиш ҳисобланмайди. Чунки, хўжалик фаолиятининг узлуксиз содир бўлиб туриши учун биргина молиявий ресурслар етарли эмас. Шу сабабли ҳам бошқа моддий, меҳнат каби бир қатор ресурсларнинг ҳам етарли миқдорда бўлиши талаб этилади. Шу туфайли молиявий барқарорликни баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.


Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилини кўриб чиқамиз.

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари тизимига четдан жалб қилинган капиталнинг тўпланишини ифодаловчи коэффициент бўлиб, унга четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий коэффициенти, хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициенти, ўз маблағларининг узоқ муддатли пассивларга қарамлик коэффициенти каби кўрсаткичлар кирази (чизма) [2].

Четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) тўпланиши ифодаловчи кўрсаткич уларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини (Кчжк) аниқлаш учун қўлланилади. Ушбу кўрсаткични топиш учун четдан жалб қилинган маблағлар суммасини (Чжм) умумий маблағлар суммасига (Б) бўлиш лозим. Унинг ҳажми қанча кам бўлса корхона учун шунча яхши, чунки бу корхона ўз фаолиятида маблағни четдан жалб қилмасдан амалга ошираётганлигидан далолат беради. Бу ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Четдан жалб қилинган маблағлар ичида узоқ муддатли қарзлар ҳиссанинг коэффициенти ҳам молиявий барқарорликни ифодалаш учун муҳимдир. Четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) таркибий коэффициенти (Кужктк) ни аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларни (Умчжк) корхонанинг умумий четдан жалб қилинган маблағига (Чжк) бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу кўрсаткич корхонанинг узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағининг умумий четдан жалб қилинган маблағдаги ҳиссасини кўрсатади. Ўз маблағи етарли бўлмай турган вақтда узоқ муддатли қўйилмалардан фойдаланиш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби



Чизма. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигининг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш йўллари

Молиявий барқарорликни таҳлил қилишда хусусий капиталнинг узоқ муддатли пассивларга қарамлик коэффицентини (Кхкумк) аниқлаш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивларни (Умп) ўз маблағлари (хусусий капиталнинг) умумий суммасига (Ўм) бўлиш йўли билан аниқлаймиз. Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўз маблағларида четдан жалб қилинган узоқ муддатли қўйилмаларнинг (пассивларнинг) ҳиссаси қанчани ташкил қилишини кўрсатади. Бу кўрсаткич ҳажмининг яхши ёки ёмонлиги тўғрисида корхона фаолиятининг ҳолатига қараб хулоса қилиш мумкин.

Юқоридаги кўрсаткичларни «Zero plus servis» масъулияти чекланган жамият бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилиб ўрганаётган «Zero plus servis» масъулияти чекланган жамият молиявий барқарорлигининг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлари йил давомида камайган. Бу эса жамиятнинг молиявий барқарорлиги кўтарилганлигидан далолат беради.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ҲАРАКАТДАГИ МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Б.Ю.Менгликулов, У.Х.Урманова, Х.Назаров
Тошкент давлат аграр университети

Молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг яна бир гуруҳи, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаракатдаги маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаракатдаги маблағларига унинг айланма маблағларда иштирок этаётган хусусий капитали қиради. Аммо, айланма маблағлари ҳаракатчанлиги жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, хўжалик субъектининг ҳисоб-китоб счётидаги, кассасидаги нақд пуллари тез ҳаракатга келувчи айланма маблағларидир. Товар-моддий захиралари нақд пулга нисбатан ҳаракатчанлиги жиҳатидан суёт айланма маблағга қиради. Дебитор қарзларнинг кўп қисми эса умидсиз, беқарор маблағларга қиради, чунки субъект қарз бўлиб, маҳсулот жўнатган, хизматлар

кўрсатган юридик ёки жисмоний шахс банкротга учраган бўлиб, тўлов қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда дебитор қарзлари тез ҳаракатчан маблағлар қаторига кирмайди. Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона имкони борича дебитор қарзларга йўл қўймаслиги лозим.

Корхона маблағларининг ҳаракатчанлик даражасини аниқлаш учун ҳаракатдаги барча маблағларнинг турларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги чизмада келтирилган (чизма).



Чизма. Ҳаракатдаги ўз маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш йўллари

Демак, юқоридаги чизмага кўра молиявий барқарорликни ифодаловчи ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагилар кирар экан: ҳаракатдаги маблағларининг фаоллик коэффициенти; умумий ҳаракатчанлик коэффициенти ва соф ҳаракатчанлик коэффициенти.

Умумий айланма маблағларнинг таркибига бухгалтерия баланси актив қисмининг II бўлимидаги сумма кирилади. Ундан ҳаракатдаги маблағларни аниқлаш учун унинг умумий миқдоридан четдан жалб қилинган маблағларни айириш лозим.

Таҳлил учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири оборотда иштирок этаётган ҳаракатдаги ўз маблағлари суммасидир (X_M). Бу кўрсаткич бухгалтерия баланси маълумотларига асосан қуйидагича аниқланади:

$$X_M = \check{Y}_M + U_{m\check{c}jM} - A_{\text{вот}} \quad (1)$$

Бунда: \check{Y}_M - субъектнинг ўз маблағи, $U_{m\check{c}jM}$ - узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар суммаси, $A_{\text{вот}}$ - асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар.

Корхонанинг умумий ҳаракатчанлик коэффициенти (K_x)ни топиш учун умумий ҳаракатдаги ўз маблағлари суммаси (X_M) барча ўз маблағлари суммасига (\check{Y}_M) бўлиш лозим.

Ушбу кўрсаткич ўз маблағларининг қанча қисми ҳаракатдаги маблағдан иборат эканлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанчалик ошиб борса, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшиланишига таъсир кўратади.

Ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти ($K_{x\text{х}}$) ҳаракатдаги ўз маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Бу кўрсаткич ҳаракатдаги ўз маблағлари суммасини (\check{Y}_{xM}) умумий маблағлар суммасига (B) бўлиш орқали аниқланади.

Бу кўрсаткичнинг миқдори қанча ошиб борса хўжалик субъекти учун шунчалик муҳим ҳисобланади, чунки бу субъектнинг ҳаракатдаги ўз маблағи умумий маблағи таркибида кўпайиб бораётганлигидан далолат беради.

Хўжалик субъекти молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири эса соф ҳаракатчанлик коэффицентидир. Бунинг асосида соф ҳаракатдаги (товар-моддий захиралари ва пул маблағларидаги) маблағлар миқдори ётади.

Бу кўрсаткичларнинг ҳажмини аниқлаш учун умумий ҳаракатдаги маблағлардан жорий мажбуриятлар ва муддати ўтган дебиторлик қарзлари миқдорини айириш лозим, чикқан натижани эса корхонанинг умумий маблағига бўлиш керак.

Соф ҳаракатчанлик коэффиенти умумий айланма маблағларнинг қанча қисми тез ҳаракат қиладиган айланма маблағларга тўғри келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларнинг миқдори ҳам қанча юқори бўлса корхона молия-хўжалик фаолиятининг яхшиланаётганлигидан, унинг молиявий барқарорлиги таъминланаётганлигидан далолат беради.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ энг муҳим кўрсаткичлардан бири соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффицентидир (Кф). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товар захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган соф ҳаракатдаги хусусий маблағлар суммасини (Схм) ҳаракатдаги умумий айланма маблағлар суммасига (Ўхм) бўлиш йўли билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми товар-моддий захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган ўз маблағининг умумий ҳаракатдаги маблағларидаги ҳиссасини ифодалайди. Банкларнинг қарз учун фоизи юқори бўлиб тўрган шароитида ушбу кўрсаткич ҳажми қанча юқори бўлса шунча яхши ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг максимал ҳажми бир. Агар унинг миқдори бирга тенг бўлса корхонанинг ҳаракатдаги барча маблағлари ўз маблағидан эканлигидан далолат беради.

Энди ушбу кўрсаткичлар орқали «Zero plus servis» масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий ҳисоботлари асосида жамиятнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиб ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (жадвал).

1-жадвал

«Zero plus servis» масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	
				Суммада (+,-)	Фоизда, %
Бошланғич кўрсаткичлар (маълумотлар)					
1	Баланснинг умумий суммаси (Б), минг сўм	576911,1	554367,4	-22543,7	96,1
2	Ўз маблағлари (Ум), минг сўм	558991,2	531943,8	-27047,4	95,2
3	Айланма маблағлар (Ам), минг сўм	483600,6	505576,1	+21975,5	104,5
4	Умумий ҳаракатдаги ўз маблағлари (Ўхм), минг сўм	409693,5	382646,1	-27047,4	93,4
5	Муддати ўтган умидсиз дебиторлар, минг сўм	-	-	-	-
6	Жорий мажбуриятлар, минг сўм	17919,9	22423,6	+4503,7	125,1
7	Товар-моддий захиралар ва пул маблағларида иштирок этаётган соф ҳаракатдаги маблағлари (Схм), минг сўм (4к-5к-6к)	391773,6	360222,5	-31551,1	91,9
Ҳисобланган кўрсаткичлар (маълумотлар)					
8	Умумий ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффиенти (Кух) (4к:2к)	0,733	0,719	-0,014	98,1
9	Ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффиенти (Кхм) (4к:1к)	0,710	0,690	-0,020	97,2
10	Соф ҳаракатчанлик коэффиенти (Ксх) (7к:1к)	0,679	0,650	-0,029	95,7
11	Соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффиенти (Кф) (7к:4к)	0,956	0,941	-0,015	98,4

Ушбу 1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Zero plus servis» масъулияти чекланган жамиятнинг ҳаракатдаги маблағи билан боғлиқ молиявий барқарорлиги ёмонлашган. Умумий ҳаракатчанлик коэффиценти 0,014коэффицентга ёки 1,9 % га камайган, бошқа кўрсаткичлар ҳам йил бошига нисбатан пасайган. Жумладан, ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффиценти йилнинг бошида 0,710коэффицентдан йилнинг охирида 0,690коэффицентгача камайган. Бу эса, ҳаракатдаги маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффиценти йил бошига нисбатан 0,020коэффицентга ёки 2,8 % га пасайганлигини билдиради. Демак, умумий маблағлар таркибида ҳаракатдаги ўз маблағлари камайганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, жамиятнинг соф ҳаракатчанлик коэффиценти ҳам йил бошига нисбатан 0,029 коэффицентга ёки 4,3 %га ошган. Ушбу гуруҳда соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффиценти 0,015 коэффицентга ёки 2,6 % га камайган. Бу эса ҳаракатдаги маблағлар фаоллигининг пасайганлигидан далолат беради. Соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффиценти товар-моддий захиралар ва пул маблағларида иштирок этаётган соф ҳаракатдаги маблағлари умумий ҳаракатдаги маблағларнинг қанча қисмини ташкил қилганлигини кўрсатади. Жадвал маълумоти шуни кўрсатмоқдаки, масъулияти чекланган жамиятда йил бошида барча умумий ҳаракатдаги маблағларнинг 95,6 % ни товар-моддий захиралари ва пул маблағларида иштирок этаётган хусусий капитал ташкил қилинган бўлса, бу кўрсаткичлар йил охирига бориб 94,1 % ни ташкил этган, яъни камайган.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таҳлил натижаларига асосланиб айтишимиз мумкинки, ҳисобот йилида жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг ёмонлашаётганлигидан, унинг молиявий барқарорлиги таъминланмаётганлигидан далолат беради. МЧЖ раҳбарияти умумий ҳаракатдаги ўз маблағлари суммасини кўпатириши, унинг баланс жами суммасидаги улушини ошириш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, жамият бошқарувидан товар-моддий захирлар қолдиғини минималлаштириш чораларини кўриш талаб этилади.

2-жадвал

«Zero plus servis» масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили (2015 йил)¹⁶

№	Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи	
				Суммада (+,-)	Фоизда, %
Бошланғич кўрсаткичлар (маълумотлар):					
1	Балансдан умумий сумма (Б), минг сўм	576911,1	554367,4	-22543,7	96,1
2	Четдан жалб қилинган маблағлар (капитал) жами (Чжк), минг сўм	17919,9	22423,6	-4503,7	125,1
3	Шу жумладан узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар (Умчжк), минг сўм	-	-	-	-
4	Ўз маблағлари (Ум), минг сўм	558991,2	531943,8	-27047,4	95,2
5	Асосий воситалар ва оборотда бўлмаган активлар (Авот), минг сўм	149297,8	149297,8	-	100
Ҳисобланган кўрсаткичлар (маълумотлар):					
6	Четдан жалб қилинган капиталнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффиценти (Кчжк) (2к:1к)	0,031	0,040	+0,009	129,0
7	Узоқ муддатли четдан жалб қилинган капитал таркиби коэффиценти (Кчжктк) (3к:2к)	-	-	-	-
8	Хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффиценти (Кхкк) (2к:4к)	0,032	0,042	+0,010	131,3

Жумладан, четдан жалб қилинган маблағлар тўпланишини ифодаловчи коэффицент ҳисобот йилининг охирида 0,040 коэффицентни ташкил қилган. Бу шуни кўрсатадики, жамиятнинг умумий молиявий потенциалининг 4,04 % и четдан жалб қилинган маблағлардир. Бу кўрсаткичнинг ҳиссаси ҳисобот йилининг бошига нисбатан +0,009 коэффицентга ёки 0,9 % га ошган. Бу эса, жамият ўз маблағларининг умумий маблағлардаги улуши кўпайиб бораётганлигини англатади.

¹⁶«Zero plus servis» масъулияти чекланган жамиятнинг 2014 ва 2015 йилларга молиявий ҳисоботи маълумотлари

Молиявий барқарорликни таҳлил қилишда узоқ муддатли четдан жалб қилинган капиталнинг ўз маблағларига нисбатини таҳлил қилиш лозим, чунки ушбу кўрсаткич ўз моҳияти жиҳатидан жамият учун жуда қўлайдир. Узоқ муддатга четдан маблағ олиш биринчидан, хўжалик фаолиятида узоқ муддат муқим иштирок этишни таъминласа, иккинчидан унга тўланадиган фоиз миқдорининг камлиги жиҳатидан жамиятга нисбатан кўпроқ фойда келтиради. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўз маблағларидаги улуши жамиятда йил охирида ўзгармаган.

Молиявий барқарорликни ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар таркибига хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффицентини ҳам киритиш мумкин. Ушбу кўрсаткич жамиятнинг умумий молиявий қарамлигини ифодалайди.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили ҳам шуни кўрсатдики жамиятнинг молиявий барқарорлиги пасайган. МЧЖ раҳбарияти молиявий барқарорликни таъминлаш чораларини кўриши лозим.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Ф.М.Жўраев, Ш.Хамдамов

Тошкент давлат аграр университети

Мамлакатимиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқали аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади ва улар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув хавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, тоқзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда 2015 йил 1 январ ҳолатига кўра **82245**га бўлиб, уларга бириктириб берилган ерларнинг умумий ер майдони **20417,0 минг** гектарни, шу жумладан қишлоқхўжалик ерлари майдони **15594,3 минг** гектарни, унинг **3707,5 минг** гектари суғориладиган ерларни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг **45,5 фоизи** ниқишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эгаллаган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий восита ҳисобланади.

Республика ҳудудида қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий-иқлим омилларига биноан белгиланади. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар буйича тақсимланиши куйидагича. **(расм-1)**



1-расм. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг ҳудудлар буйича тақсимланиши

Республика деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги туфайли сув ҳам ер каби энг зарур восита ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидан олинаётган маҳсулотлар, масалан, пахта, шоли, тамаки, сабзавот,

полиз, маккажўхори, бугдой, арпа, ем-хашакларнинг аксарият қисми суғориладиган ерларда етиштирилади. Обикор ерлар республикада ер майдонининг 10% қисмини эгаллаган ҳолда деҳқончилик бўйича етиштириладиган барча маҳсулотнинг 95%ини етказиб беради. Бу борада Республика Президенти И.А.Каримов ҳам бир неча бор таъкидлаганлар: “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи суғориладиган майдонларда етиштирилади”¹⁷. Шунинг учун ҳам суғориладиган ерларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб, уларнинг ҳосилдорлигини барқарор ошириб бориш, бирор гектар майдоннинг ҳам муомаладан чиқиб кетишига йўл қўймаслик бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир. Ерлардан, сувлардан қанчалик оқилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми шунчалик кўпаяди, натижада саноатнинг қишлоқ хўжалик хомашёларига, аҳолининг эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг қондирилиш даражаси ортади.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси, биринчи навбатда, суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Республика бўйича суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасини таҳлил қилсак, энг кучли шўрланган ерлар Хоразм вилояти (31,0) ва Қорақалпоғистон (53 минг га), кузатилади. **(жадвал-1).**

Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

1-жадвал

Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг шўрланиши, минг гектар

№	Вилоятлар	Суғориладиган ерлар майдони	Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланиши			
			Шўрланмаган	кучсиз	ўртача	Кучли ва жуда кучли
1	Андижон	275,1	245,2	14,9	14,9	-
2	Бухоро, Навоий	271,8	15,4	160,1	62,5	33,8
3	Жиззах	290,6	51,7	161,1	73,3	4,1
4	Қашқадарй	497,4	275,1	162,3	45,9	13,7
5	Наманган	282,4	233,6	33,1	2,7	0,9
6	Самарқанд	370,3	351,2	12,9	5,3	0,9
7	Сурхондарё	326,2	196,8	75,4	50,2	3,8
8	Сирдарё	296,5	12,9	220,9	48,7	13,9
9	Тошкент	377,1	366,9	7,8	2,1	0,3
10	Фарғона	351,6	140,8	173,1	32,0	5,7
11	Хоразм	270,8	17,1	162,3	77,5	31,0
12	Қорақалпоғистон Республикаси	500,9	35,9	230,1	181,9	53,0
13	Ўзбекистон Республикаси	4220,2	1942,9	1483,9	628,0	165,6

Манба. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилди

2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастури қабул қилинди. Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримовнинг Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисинингочишлиш маросимидаги нутқи.

жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илгор,замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Кейинги йилларда бир қатор ҳудудларда экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўлланилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича,томчилатиб суғоришнинг пахта экиладиган майдонларда қўлланиши сув сарфини 30-40 фоизга, меҳнат сарфини 50-60 фоизга тежайди ва ҳосилдорликни 90-150 фоизга оширади.

Зовур тармоқларини мунтазам тозалаб ва таъмирлаб турилмаслиги натижасида уларнинг аксарият қисми ярмигача тўлиб қолган (ишчи зовур чуқурлиги меъёрида 2,6-3,6 м. бўлиши лозим). Бунинг натижасида зовур атрофидаги грунт сувларини тортиб ололмайди, бинобарин уларнинг сатҳи ер бетига яқин туради ва шўрланиш манбаига айланади. Қуйи Амударёда суғориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволи жуда оғир, боз устига Қорақалпоғистоннинг айрим ҳудудлари зовур тармоқларига эга эмас. Мавжуд зовурларнинг самарадорлиги ниҳоятда паст, улар шўр зовур сувларини базўр четга чиқариб ташламоқда. Бу ўлкада мелиорация бўйича махсус дастур асосида катта ишларни амалга ошириш зарур.

Гап шундаки, 0,5 млн гектар суғорма ерларнинг ҳар гектар майдонида катта самара билан ишлайдиган (ҳозирда ўртача 32-35 м) узунлиги 50-60 м (пахта майдонларида) бўлган ётиқ зовур тармоқлари қурилиши замон талабига айланди. Ерларни капитал ва жорий текислаш, кузги ва қишқи шўр ювишишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш даркор.

Хулоса қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ерости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб,экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;
- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб,хўжаликларнинг даромадлари юксалмоқда.

РЕСУРСТЕЖОВЧИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАНИШИ

А.Ж.Тошбоев, Б.Х.Азизкулов, О.Р.Файзиев

Тошкент давлат аграр университети

Кейинги йилларда ресурстежамкорлик масаласи нафақат республика-мизда балки, дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бўлиб қолмоқда. Айниқса табиий ва энергия ресурсларининг чекланганлиги, уларнинг нархи тобора қимматлашиб боарётганлиги, улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш атроф муҳит ва экологик ҳолатга ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлиги дунё миқёсида ресурсларидан фойдаланиш масаласи ресурсларни тежаш сиёсати даражасига кўтарилди.

Шу сабабли ҳар бир давлат ва унинг иқтисодиёти тармоқларида қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида алоҳида тармоқ ва ҳудудлар миқёсидаги аниқ йўналиш ҳамда вазифаларни камраб олган мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хомашё ва озиқ – овқат маҳсулотлари бозорини тартибга солишнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурида қишлоқ хўжалигида ресурс-тежамкор технологияларни қўллаш, бунда муқобил энергия манбалари ва кадрлар таъминотига алоҳида урғу берилган. Мазкур давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонида “Қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг ташкилий ва техник таъминотини яхшилаш тўғрисидаги чора – тадбирлари” ҳам республикада бундай сиёсатни юритаётганлигига аниқ далил бўлади.

Бу борада яна бир масала яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий техник базасини мустаҳкамлаш улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалидир. Бу муаммони муваффақиятли ҳал этишнинг асосий йўлларида бири “Қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талабни аниқлашни бўйича илмий асосланган тавсияномани” ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш ҳисобланади. Чунки ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб мамлакатимизда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўта бошлаган-лиги,

қишлоқ хўжалигида ҳам мулкчилик ва хўжалик юритиш усулларида катта ўзгаришлар содир бўлганлиги қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва уларнинг турларига бўлган талабда ҳам кескин ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Агар 90 йилларгача қишлоқ хўжалиги учун техникалар асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда бу техникаларнинг бир қисми республикамизда ишлаб чиқарилиб, қолган асосий қисми хорижий давлатлардан келтирилмоқда яъни уларнинг тури кўпайиб сифати яхшиланмоқда. Лекин ушбу келтириладиётган ҳар бир қишлоқ хўжалиги техникалари учун меъерий – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежаш сиёсатининг яна бир асосий йўналишларидан бири мавжуд агроресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишдир. Бу муаммони қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ресурс тежамкорлигини қисқартириш ва экологик самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Давлат дастурига асосан 2020 йилгача миллий иқтисодиётнинг энергия ҳажмдорлигини 40 фоизга қисқартириш мўлжалланган. Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса ресурсларини тежаш ва улардан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида ресурсларининг тежаш сиёсатининг долзарблиги ушбу тармоқнинг мамлакат озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти билан ҳам долзарблик касб этади.

Шу сабабли мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида ресурстежамкорлик бўйича мақсадли дастур ҳамда уларнинг қонуний асосларига риоя этиш ҳамда ривожлантиришда “Қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежаш” масаласи алоҳида банд сифатида баён этилган.

Қишлоқ хўжалигини технологик қайта таъминлаш масаласи кенг қамровли ва маълум даражада молиявий маблағ талаб қилиши сабабли бевосита давлат аралашувини талаб қилади. Бу масала айниқса бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида янада муҳимлик касб этади. Лекин бу жараён корхоналар учун асоссиз равишда турли дотациялар бериш ва турли даражадаги имтиёزلарни кенгайтириш орқали бажарилиши кутилган натижаларни бермайди. Бизнинг фикримизча давлат (аралашуви) томонидан қўллаб – қувватлаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишти-ришнинг истиқболли технологияларини жорий этиш бўйича махсус лойиҳаларни молиялаштириш ушбу йўналишларда маълум тажриба ва натижаларга эришиш асосланган корхоналарга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Дастлабки босқичдаги бундай қўллаб – қувватлаш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун зарур бўлган маълум турдаги ишлаб чиқариш ресурслари учун имтиёзли нархлар ўрнатиш, имтиёзли кредитлар, улар учун қулай шароитга эга бўлган лизинг шартларини белгилаш каби йўналишларда бўлиши ижобий натижалар беради.

Шунингдек, фермер хўжаликлари томонидан юқори репродукцияли уруғлик, янги машина ва технологиялар, илғор агротехнологияларни ўзлаштириш учун химиявий воситаларни сотиб олиш ишларини давлат томонидан мақсадли дастурлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Давлат томонидан элита уруғчиликни қўллаб – қувватлаш дастур-ларида қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сотиб олинган элита ва супер элита уруғлари қийматининг 30 фоизи ва ундан ортиғи учун давлат томонидан субсидиялар берилиши лозим.

Умуман давлат бошқарув ва хўжалик органлари қишлоқ хўжалигида ресурстежовчи техника ва технологияларни яратиш, муқобил ёқилғи турларини яратиш ишларини илмий – методик базасини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ҳамда молиялаштириш орқали ресурстежамкор-ликнинг нисбатан янада самарали усуллари ва захираларини шакллантириш зарур. Ресурстежамкорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни молиялаштириш;
- қишлоқ хўжалиги учун давлат томонидан лизинг асосида техникалар сотиб олиш ёки уларнинг фоиз ставкаларини субсидиялашда ресурстежовчи техникалар ва уларни жорий этиш технологияларига устуворлик берилади;
- ёқилғи ресурсларнинг муқобил турлари (биоёқилғи, биоэталон кабилар) ни яратиш бўйича олиб бориладиётган илмий – тадқиқот ишларини молиялаштириш;
- дизел ва бошқа турдаги ёқилғилар билан таъминлашни давлат бюджетидан молиялаштиришда барча вилоят ва туманлар миқёсида уларни тежаб фойдаланиш бўйича чора – тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни таъминлаш;
- моддий – техника ресурсларидан тежамли фойдаланиш, материаллар ва ресурсларининг янги турларини яратиш устида илмий – конструкторлик ишларини олиб бораётган илмий ходимларни моддий рағбатлантириш каби йўналишлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ресурстежовчи технологияларни ҳудудлар яъни вилоят ва туманлар миқёсида қўллаб – қувватлаш ҳам асосан техник – технологик йўналишда олиб борилади. Ресурстежовчи технологияларни жорий этиш ва самарадор-лигини оширишнинг ташкилий – иқтисодий механизмини ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш тақлиф этилади:

- энергия ва ресурстежаш дастурларини ишлаб чиқиш;
- техника, энергия ва меҳнат воситаларидан фойдаланиш харажат-ларини камайтириш тадбирлари ва ишланмалар учун субсидиялар ажратиш;
- ресурстежамкор техника ва технологиялар: мисол учун тупроққа комбинациялашган ишлов бериш ва тежамли экиш агрегатларини сотиб олишда уларнинг фоиз ставкаларини субсидиялаш;
- фермер ва бошқа кишлок хўжалиги корхоналарида муқобил ёкилиги ресурсларидан фойдаланиш учун қилинган харажатларни субсидиялаш кабилар;

Ҳозирги кунда республика кишлок хўжалигида амалда бўлган энергия ва ресурслар самарадорлигини ошириш дастурида бир қатор муҳим масалаларга жумладан: дон маҳсулотларини қуритиш ускуналарини яратиш ва жорий қилиш, ишлаб чиқариш биноларини инфрақизил нурлар асосида иситиш, тупроққа минимал ишлов бериш ва самарали экиш комплекслари-нинг янги авлодини яратиш, газлигенератор ускуналарини жорий этиш орқали амалдаги энергия тежаш тизимларини модернизациялаш каби қатор йўналишларни камраб олган.

Юқорида қайд этилган масалалар учун давлат ва маҳаллий бюджетлари томонидан субсидиялар яратиш асосан:

- амалдаги экин майдонларини сақлаб қолиш;
- ресурстежовчи техника ҳамда технологияларни асосан дон маҳсулотлари етиштиришда қўллаш шартларида берилади.

Шунингдек, ушбу дастурда дон маҳсулотларини экишдан сотишгача бўлган барча жараёнларда тежамкорликни жорий этиш тадбирларини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай тадбирларнинг барчаси кишлок хўжалигини техник – технологик жиҳатдан модернизациялашга қаратилганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки дунё тажрибасида кишлок хўжалигида фойдалани-ладиган техникаларнинг янги авлодини яратиш асосан тўртта йўналишдаги тенденцияларни кузатиш мумкин. Жумладан:

- тармоқда аниқ деҳқончилик элементлари ва автоматлаштириш воситаларидан кенгрок фойдаланиш;
- кишлок хўжалигида фойдаланиладиган техникаларнинг юқори унумли ва тежамкор моделларини (турларини) яратиш;
- бир неча технологик тадбирларни максимал даражада бир вақтда бажарадиган комбинациялашган ва энергия тежамкор агрегатларни яратиш;
- деҳқончилик ҳудудларига мослаштирилган ресурс ва энергия тежовчи технологияларни яратишга қаратилмоқда.

Қайд этилган йўналиш ва тенденцияларда белгилаб олинган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги учта блокда қайд этилган муаммоларни ечишга эътибор қаратилиши зарур:

